





Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти

# БЕРДАҚ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

ТОШКЕНТ  
“ЎЗБЕКИСТОН”  
1998

Қорақалпоқчадан Музаффар Аҳмад таржимаси

Таҳрир ҳайъати:  
ИБРОЙИМ ЮСУПОВ, БАХТИЁР НАЗАРОВ  
КЕНЕСБОЙ ЮСУПБОВЕВ,

Муҳаррир: *З. Каримова*

27767  
Ю 3  
1998  
O'zb. Res. DK  
A 1 297 | 10

ISBN 5-640-0260-0

4702270102 - 120  
Б ————— 98  
M351(04)98

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1998 й.

## ЗАМОН ЛОЧИНИ

Ушбу 1998 йилда Ўзбекистон ўзининг қондош ва қардош қорақалпоқ биродарлари билан ҳамкорликда, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман ҳамсоёлари иштирокида буюк Бердақ Қарғабой ўғли таваллудининг 170 йиллигини нишонлади. Бу ардоқли сани муносиб нишонлаш мақсадида юртбошимиз И.А.Каримов имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори эълон қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий анъаналаримизга, ўтмишимизга, улуғ ота-боболаримизга юксак эҳтиром мустақиллик даврига келиб мамлакатимиз ички сиёсатининг устивор йўналиши даражасига кўтарилди. Соҳибқирон Амир Темур, Бухоро ва Хива шаҳарлари, Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийнинг улкан тўйлари муносабати билан ўтказилган тадбирларга жаҳон аҳли ҳавас билан боққани бежиз эмас. Энг асосийси, бу тадбирлар муносабати билан қанчадан-қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Муҳтарам китобхон қўлидаги мазкур тўплам ҳам шоирнинг улкан тўйи муносабати билан юзага келди. Бердақнинг бу тахлитдаги деярли мукамал шеърий тўплами илк бор нашр этилмоқда. Шу вақтгача маълум бўлиб келган шоир асарларининг деярли барчаси қамраб олиними жиҳатидан, унинг яхлит мероси бу тарзда ҳозиргача ҳатто қорақалпоқ тилида ҳам чоп этилмаганди. Айни вақтда, бу тўплам мустақил, озод, ҳур Ўзбекистон тупроғида буюк қорақалпоқ шоири Бердимурод Қарғабой ўғли орзу-умид-

ларининг рўёбга чиқаётганини кўрсатувчи далолат-нома ҳамдир.

Бердақ ўз ҳаёти ва ижодининг буткул мақсади ва мазмунини халққа хизмат этиш, унинг оғирини енгил қилиш, доимо у билан бир жон-бир тан бўлишда деб бидди. Мана шу фазилатнинг ўзиёқ Бердақ абадийлигини белгилаб беради ва унинг асарларини барча замонлар учун замонавий қилади. Ахир, мустақилликка эришган давримизнинг бош ғояси ҳам халқ бахти, Ватан равнақи, миллат келажаги учун фидойи бўлишдан иборат эмасми? Шу маънода, Бердақ ҳам ўз асарлари билан бугунги ҳаётимизда биз билан камарбастадир. Шоирнинг “Халқ учун” номли шеърларидаги айрим парчаларга назар ташлайлик:

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,  
Ҳамиша сен қилгин хизмат халқ учун.

Булар худди ҳозирги куннинг муҳим фикрлари, ҳозирги кун учун долзарб ва зарур ғоялар эмасми? Бундай фикрлари билан Бердақ бугун ҳам янги бунёдкорлик, янги тузумларни амалга ошираётганлар билан бир сафда, ҳатто, уларнинг пешқадамлари қаторида турибди.

Бердақда халқчиллик, халқпарварлик ғоялари шунчаки қайд, эътироф, даъват, ёхуд, риторикадан иборат эмас. Халқчиллик ғояси унинг асарларида кураш, ҳақиқатдан тоймаслик, ёвузлар олдида бўйин эгмаслик, керак бўлса, бу йўлда жонни фидо қилишдан ҳам қайтмаслик сингари аниқ мақсадлар билан тўйингандир:

Бул замонда жабру жафо чекарман,  
Қора кўздан қонли ёшлар тўкарман,  
Золимларнинг зулмин кўрсам сўкарман,  
Куйганимдан жоним ачиб халқ учун.

Лекин бу қадар фидойи, халқпарвар, адолатпеша, эл-юрт учун жонкуяр ва садоқатли бўлган шоирнинг ўз ҳаёти жуда қаттиқ азоб-уқубатларда кеч-

ди, кези келганда ҳатто қонлар ютиб яшамоққа мажбур бўлди. Яна шу “Халқ учун” шеърисида ўқий- миз:

Замон жафосидан сарғайдим, оздим,  
Келурму деб яхши кунлар халқ учун.

Эътибор беринг-а, ўз шахсий дарди, шахсий ман- фаати, ёхуд қорни-қурсоғи, ўз оиласи ташвишида- гина эмас, шоир ва унинг идеалидаги лирик қаҳра- мон халқи учун ёруғ, яхши кунлар келиши истагида замон жафосидан афғонлар қилади.

Шуниси эътиборлики, шоир замон жафосидан фақатгина зорланмайди, бу жафони бадий гавда- лантиради ҳам. Шу маънода, Бердақ шеърларидаги бадийлик ва образлилик баъзан шу қадар теранки, улар гўзал ва таъсирчанлиги билан ўқувчи тафакку- рида, қалбида муҳрланиб қолади.

Бердақнинг шундай шеърлари борки, улар барча замонлар учун бирдай қадрли бўла олади ва ҳеч қачон қимматини йўқотмайди. Шоирнинг ана шундай фазилатли қатор шеърлари келажакка, халқига, ҳар бир ватандошига йўлланган манифестдек жаранг- лаб туради. Хусусан, унинг юқорида эътироф этил- ган “Халқ учун” шеърисидаги қуйидаги мисралар худ- ди ана шундай таассурот қолдирмайдими?

Дўстлик билан ҳар бир ишга тахт турсанг,  
Жон аямай эл-юрт учун иш қилсанг,  
Қайғуланмай улуғ ишга қўл урсанг,  
Шунда менинг кўнглим ўсар халқ учун.

Бу мисраларни ўқиб, бугунги мустақилликнинг саккизинчи йилида эл-юртини яшнатиш учун меҳ- нат қилаётган наинки ҳар бир қорақалпоқ фарзан- ди, балки, уларга қондош ва жондош бўлган ўзбек биродарлари ҳам, Ўзбекистоннинг ҳар бир фидойи фуқароси ҳам қалбида ғурур туяди. Даврнинг ўзига хос мураккаб ва айни вақтда, шарафли юмушлари- да дўстлик ва ҳамжиҳатликни эъзозлаш, бунинг учун мардларча бел боғлаш, керак бўлса эл-юрт учун

жонни ҳам аямаслик, энг асосийси, майда-чуйда ишлар билан ўралашиб қолмай, улуг мақсадларни дилга тутиш — мана Бердақ бобонинг деярли 150 йиллик тарих қаъридан туриб бугунги авлодларига йўллаётган ўғитлари. Бердақнинг бу каби асарларидан шундай хулосага келиш мумкинки, улар бугунги Ўзбекистоннинг миллий мафкурасини мустаҳкамлаш ишида, ёшларни ватанпарвар ва халқпарвар қилиб тарбиялашда, қорақалпоқ халқини ён атрофдаги бошқа халқлар билан ҳамкор ва ҳамжиҳатликда яшашга даъват этишда катта аҳамиятга эгадир.

Бердақ ўз замондошларию, келгуси наслларга ушбудаёй ўғитларни йўллар экан, улар фақат асарлари бағрида, сўзлари вужудидагина қолгани йўқ. Энг асосийси, бу хусусиятлар Бердақнинг ўз табиатидаги хислатлар эди. Унинг ўзи қўрқмай, чекинмай, ҳадиксирамай ўз асарлари билан адолатнинг юзага чиқиши учун кураш олиб борди, халқнинг кўзини очишга ҳаракат қилди, эл-юртни буюк уйғонишларга тайёрлади. У Оллоҳга ҳам мурожаат этди. Бу мурожаатнинг меҳварини ҳам куруқдан куруқ ёлвориш, қисматни энгиллаштиришга илтижогина эмас, ҳақиқатни юзага чиқариш учун кўнгишларга ҳақиқат нурини юборишни сўраш ташкил этади. Шунга эътибор бермоқ лозимки, Бердақ асарларида қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи, урф-одати, халқ характери, руҳияти, тарихи, тили, миллий тафаккури, анъаналари, орзу-умидлари, жўғрофияси, давлатчилигининг шаклланиш қирралари ва бошқа кўндан-кўп хусусиятлар ўзининг ёрқин, теран ва ранг-баранг бадий ифодасини топган. Бундай мукамаллик ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг энг буюк санъатқоригагина насиб этади. Шунинг учун Бердақ ҳаётлик чоғидаёқ халқнинг дили ва тили даражасига кўтарила олган эди. “Менинг сўзим — халқнинг сўзи” дейди у асарларидан бирида мағрур оҳангда. Ҳақиқатан ҳам эл-юрти эътироф этган, Ватан томонидан тан олинган одамгина бундай дейишга журъат этиши мумкин ва Бердақ ана шундай буюк сиймо эди.



Бердақ халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш осон бўлмаган бир даврда яшади ва шунга қарамасдан, қалами ҳамда сози билан халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилишда чексиз фидойиликлар кўрсатди.

Агар Бердақ ижодига диққат билан назар ташласак, унинг шеърлари ва дostonларида тасвирланаётган давр ҳаётининг бадиий инъикоси билан бир қаторда, қорақалпоқ давлатчилиги тарихининг муайян шаклланиш жараёнларини ҳам кузатишга муваффақ бўламиз. Халққа маърифатли, адолатли шоҳ йўлбошчилик қилмоғи лозим — мана шоирнинг асосий бадиий хулосаларидан бири. Бу хусусият унинг “Халқ учун”, “Яхшироқ” шеърлари ва айниқса “Аҳмоқ подшо”, дostonида ёрқин кўринади. Шоир жамиятдаги адолатсизликка, хусусан, қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, умуман зулмга мурасасиз. Шунинг учун ҳам, агар эътибор берсангиз, Бердақ шеърларидаги ноҳақликка қарши исёнкор руҳ, аста-секин, “Аҳмоқ подшо” дostonига келиб, бамисоли миллий-озодлик ҳаракатига даъват тусини олади. Зўравонлик, хорлик, адолатсизлик пировард оқибатда халқ ва унинг вакиллари кўзини очади, бу ижтимоий жараён эса, алал-оқибат халқни исёнга олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Бердақ асарларида жамиятнинг ахлоқий-маърифий муаммолари ўзининг гўзал бадиий ифодасини топади ва улар — ҳам бевосита, ҳам билвосита — ҳозирги қорақалпоқ халқи маънавий-ахлоқий масалаларига ниҳоятда эш эканлиги билан ажралиб туради.

Бердақ асарларида акс этган ижтимоий муаммолар ҳозирги кунимиз билан чамбарчас эканлиги жиҳатидан ҳам қадрлидир. Бу ўринда бир-икки масалани эътироф этишнинг ўзи кифоя қилади. Хусусан, шоир шеърларидаги жамиятни, бошқарувни, маорифни ислоҳ этув муаммоларининг бадиий инъикоси, ёхуд, Ватаннинг фидойи фарзанди бўлишга чорловлар худди бугуннинг шоири томонидан ёзилгандек биз учун қадрлидир. Бердақ ҳақида шу вақтгача ёзилган аксар тадқиқотларда, кўпинча, замон талаби ва фирқавий мафкурабозликдан келиб чи-

қиб, уни диннинг ашаддий душмани сифатида кўрса-тиш ҳукм сурди. Энди бундай бирёқламаликларни тузатиш вақти етди. Бердақ ислом динига жуда катта меҳр қўйган, шу руҳда тарбияланган ва бутун умр унинг инсонпарвар ғояларига содиқ қолган мутафаккир эди. Буни унинг бутун асарлари кўрсатиб турибди.

Лекин айни вақтда Бердақ асарларида дин ниқо-би остида мунофиқлик қилувчиларнинг кескин фош этилганини ҳам бутун рўй-рост эътироф этмоғимиз лозим. Зеро, Бердақ асарларида бирон бир хўжа са-тира остига олинар экан, бу билан шоир буткул хўжа-ларни инкор этипти деб қаралмаслиги керак. Ёки бирор бир мулла, дин вакили ҳажв қилинар экан, бу билан буткул муллалару барча дин вакиллари қора-ланияпти деб тушунмаслигимиз лозим. Биз Бердақ-нинг ҳар бир асарига конкрет ёндошувимиз, унинг яратилиш сабаблари ва тарихини аниқлашга ҳара-кат қилишимиз, бадиий асар заминиде умумлашти-риш қонуниятидан ташқари, индивидуаллик асос-лари ҳам муҳим ўрин тутишини унутмаслигимиз керак. Яъни Бердақ асарларига ёндошувда энди методологик муносабатларимизни ҳам янгилашимиз, янги меёр ва мезонлар нуқтаи назаридан иш тути-шимиз муҳимдир.

Бердақ асарлари давр ҳаётининг ҳаққоний бади-ий ифодасидир. Буни аниқроқ тасаввур этиш учун айрим муқоясалар қилиш ўринли бўлади. Муҳаммад-юсуф Баёний (1859—1923)нинг “Шажараи Хоразм-шоҳий” асари кўпчиликка маълум. Унда XIX аср охиридаги солиқ сиёсати ҳақидаги аниқ тарихий маълумотларга дуч келамиз. Бердақ асарларида ҳам халқнинг солиқлардан нақадар қийналгани ўзининг теран бадиий ифодасини топган. Бир давр ва бир муҳит маҳсули бўлган ушбу тарихий ва бадиий асар-ларни қиёсласак, бадиий шеърларнинг тарихий ҳақиқатга нечоғлик мос эканига амин бўламиз. Бер-дақ асарлари, айни вақтда, тарихий ҳақиқатни яна-да тўлдиради, унинг нозик жиҳатларини очиб бера-ди, тарих қаърида гупиллаб уриб турган халқ қалби

ва кайфиятидаги нозик тебранишлардан бугунги замондошларимизни воқиф этади.

Баёнийнинг юқоридаги асарида Хива хонлиги чор Россияси томонидан забт этилиши, чор қўшинларининг шафқатсизликлари кўрсатилган қатор саҳифалар мавжуд. Биз шўролар даврида узоқ йиллар мобайнида бу жараёни ихтиёрий қўшилиш деб кўжларга кўтардик. Ҳолбуки, бу қонли босқинчилик даври тарихчилар томонидан ҳам, шоирлар томонидан ҳам ўзининг ҳаққоний баҳосини олган эди. Унинг “Хоразм ҳикояти” асари бунга яққол мисол бўла олади. Биз шўро даврида Бердақнинг юқоридаги каби ватанпарвар мисралари ҳақида индамай келдик, аксинча, уларни хас-пўшлашга мажбур бўлдик. Энди адабиётшунослик бу каби масалаларга алоҳида эътибор бермоғи керак.

Бердаққа мурожаат қилайлик:

Кимлардир ҳаддан зўр бўлди,  
Бировлар чиндан хор бўлди,  
Лочинга қурган тўр бўлди,  
Тўрни ҳеч ким узган эмас.  
 (“Бўлган эмас” шеъридан)

Замон лочинларини банди қилгучи турларнинг узилишини нечоғлик орзу қилиб ўтди улуғ Берди-мурод!

Зеро, унинг ўзи замон лочинларидан бири эди! Унинг буюклиги шундаки, у тўрни узолмаса-да, ана шундай мураккаб шароитларда ҳам кураш усуллари, парвоз йўллари излади ва топа олди. Бироқ, биз энди шеърларни шўро давридагига ўхшаб, ўтмиш буткул қораланиб ёзилган асарлар тарзида эмас, умуман барча замону тузумларда, юртларда бўлиши мумкин ҳаёт таманноларига шоир муносабатларининг ифодаси тарзида қабул қилмоғимиз ўринлидир. Зеро, Муҳаммад Раҳимхони соний — Феруз (1844—1910) даврида Хива хонлигида давлатнинг бирмунча марказлашуви рўй берган, илм-фан, маданиятда янгиликларга эътибор кучайган, боғроғлар яратилиб, каналлар қазилган, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган эса-да, ҳар қалай хон-

ликнинг бир чеккасида, Бердақнинг ватанида халқнинг яшаш тарзида оғирликлар, изтироблар оз эмас эди. Бердақнинг юқоридаги каби шеърлари ана шу ҳолатнинг бадиий ифодасидир.

Шуни таъкидлаш жоизким, Бердақнинг асар асарлари, наинки ўз замони, балки ўзидан кейинги замонлар учун ҳам долзарблиги, аҳамиятлилиги, кераклилиги, элни ўзига муҳтож қила олиши билан ажралиб туради. Масалан, “Аҳмоқ подшо” достонида адолат ва ижтимоий тенглик ғоялари қуйланади. Тарихий мавзудаги “Омонгелди”, “Ойдўс бобо”, “Эрназар бий” дostonларида қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ғоялари тараннум этилади. Бердақ бутун умр “ҳақиқат юзага чиққувчи замон” келишини орзу қилиб яшади.

Бердақ жамиятдаги адолатсизлик, тенгсизликни асарларида кўрсатар экан, ёруғлик, озод турмуш истаги учун курашни синфий кураш даражасида акс эттиргани йўқ. Биз шўро мафқурасига мослаб шоир шеърлари, дostonларидан баъзан шундай фазилатни зўрма-зўраки излашга ҳаракат қилдик. Бердақ дostonларига жиддийроқ назар ташласангиз, аслида бундай эмаслигининг гувоҳи бўласиз. Зеро Бердақ дostonлари шўро даври қўймоқчи бўлган илмий-назарий талаблардан кўра, акс эттирилган ҳаётнинг ўзига яқинроқ эди. Чунки бу асарлар халқ эҳтиёжи, ҳаёт талаби ва таъсирида туғилди, норозиликлар эса ўз табиийлигича акс эттирилди. Бердақ баъзан халққа ёрдам беришга худони чақирди ва нола қилди (“Паноҳ бер”). “Керак” шеърида эса одил подшоҳ келишига умид билан қаради. Айни вақтда, унинг ижоди мураккаб жараёнларни, зиддиятларни ҳам бошдан кечирди. “Керак” шеърида одил подшоҳни орзу қилган бўлса, бошқа бир шеърида “дунё-дунё бўлибдики, одил подшоҳ бўлганми?” — деб умидсизликка ҳам тушди.

Шу ўринда Бердақ ижоди шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ҳақида икки оғиз гапириб ўтиш лозим бўлади. Бердақ ижодига таъсир кўрсатган бош омил, авваламбор, ҳаётнинг ўзи эди албатта. Бироқ

таъсирланиш, ижодий ўрганиш, маҳоратнинг такомиллашуви нуқтаи назаридан Бердақ илҳоми уч буюк булоқдан сув ичди дейиш мумкин. Булар: Навоий, Фузулий, Махтумқулидир. Бердақнинг ўзи ғурур билан:

Навоийдан савод очдим,  
Фузулийдан дурлар сочдим, —

деб ёзгани бежиз эмас. Бердақ ижодининг илдизлари эса, шубҳасиз, ўзигача яшаб ижод этган ватандош шоирларга ҳамда қудратли ва кўркем қорақалпоқ халқ оғзаки ижодига бориб боғланади. Шакл ва мазмундаги халқчил руҳ жиҳатидан Бердақ ижодига муштараклик тимсоли жаҳон адабиётида мўл. Бунинг учун жаҳонга машҳур шотланд шоири Роберт Бернс (1759—1796)ни эслаш кифоядир. Агар Бердақнинг сара шеърлари жаҳон тилларига ўтирилса, унинг бадиийлигидаги гўзал тароватни, образлиликдаги қорақалпоқ руҳини сақлаб қолишга эришилса, фикримизча, Бердақ катта миқёсларда Бернсдан кам бўлмаган даражада шуҳрат топа олади.

Мутахассислар Бердақнинг ўнга яқин достони борлигини айтадилар. Бу дostonларнинг аксари тарихий мавзуларда бўлиб, қорақалпоқ халқининг кечмиши, тарихидаги бурилиш нуқталари, жасорат кўрсатган қаҳрамон фарзандлари сиймосини акс эттиришга бағишлангандир. Шоир ўзининг “Шажара” достонида Марказий Осиё минтақасидаги айрим халқлар, хусусан қорақалпоқ халқининг келиб чиқиши, тарихий йўли, шажарасини бадиий акс эттиради. “Шажара”да, айниқса, ўз юртдошларининг илк илдизларидан тортиб, XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган тарихи, уруғларнинг пайдо бўлиши, бўлинишдаги силжишлар, улараро айрим нифоқлар, миллий қаҳрамонлар қиёфаси, уларнинг адолат учун олиб борган кураши, халқ бўлиб бирлашиш жараёнлари ёритилади. Асарда, айниқса, инсон ҳуқуқи муаммоларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш жоиз. “Шажара” — тарихийлик билан бадиийлик бирлашиб кетган асардир. Унда-

ги айрим фикрлар, маълумотлар илмий нуқтаи назардан тарихий бўлиб чиқмаслиги мумкин. Бироқ, бу нарса асарнинг катта қусури деб қаралмаслиги керак. “Шажара” моҳиятан бадиий асардир. Асар ўзига бадиийлик мезонлари асосида ёндошишни талаб этади. Бироқ бундан қатъий назар, шоир ўзининг ушбу энг йирик асарида Абулғозий Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий ва бошқа тарихчи олимларнинг асарларидан унумли фойдаланганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Бердақнинг “Аҳмоқ подшо” достони романтик бир руҳда ёзилган асар. Асар ниҳоясида тасвирланишча, Гулзор ва Анор подшоҳ кирдикорларини аниқ билишгач, унга қарши исён кўтариб, бу йўлда халқни бирлаштирадilar. Зулмдан эзилиб, тоқати тоқ бўлиб турган халқнинг биргалашиб, курашга отланиш жараёнини Бердақ шундай тасвирлайди:

Оғзибирли бир иш қилди,  
Шоҳ устига юриш қилди,  
Алпомишдай уруш қилди,  
Шоҳ лашкарин қирган экан.

Асар ниҳоясида муаллифнинг романтик орзуси ўз ифодасини топади, халқ ниятига етади. Бердақнинг бу асаридаги халқнинг “довулдай кўзғалиши” образи бизга Чўлпоннинг “Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир” деган буюк сўзларини эслатади. Ҳар икки улуғ шоир ўз идеалларини, ўз давридаги муаммони романтик ва реалистик йўсинда шу тарзда экс эттирган эдилар.

Бердақ поэтик, бадиий қудратдан ташқари, умуман, билим жиҳатидан ҳам кучли шахс бўлган. Шунданки, унинг асарларида қорақалпоқ халқи ҳаётига доир тарихий, жўғрофий, лисоний, адабий, педагогик нодир маълумотлардан ташқари жаҳон маданиятига доир Арасту, Афлотун, Аттор, Бедил, Фирдавсий, Навоий, Фузулий, Махтумқули, Хорун ар-Рашид, Искандар Зулқарнайн каби сиймоларга, “Ҳидоя” асари, Эдиге, Алпомиш, Баҳром, Гуландом каби бадиий қаҳрамонлар ҳақи-

даги фикрларга дуч келамиз. Масалан, “Омонгелди” достонида шоир Қўқон, Бухоро, Гиждувон, Қашқар, Тошкент, Андижон, Марки шаҳарларини тилга олиб ўтади.

Ҳозир маърифат ва маънавият масалаларига катта эътибор берилаётган бир пайтда буюк Бердақни барчамиз яна бир бор алоҳида эътиром билан ёдга олишимиз керак. Қорақалпоқ халқининг буюк маърифатпарвари олға сурган илм, ахлоқ, маданият, одоб, виждон, имон, адолат ҳақидаги ғоялари жамиятимиз ва замондошларимизнинг бутунги равнағига муносиб таъсир кўрсата олади. Масалан, шоир шеърларидан биридаги:

Туфроқдан яратди инсон,  
Анга берди жисм ила жон,  
Кимдир кофир, ким мусулмон,  
Бари — Одамнинг фарзанди.

(“Хоразм” манзумасидан)

Бу юбилей кунлари Бердақ асарларини кекса мухлислар оғзидан ёзиб олиб, улар мангулик умрга ноил бўлиши учун беқиёс улуш қўшган Шамшет Хўжаниёзов ва Садирбой Мавленов номларини ҳурмат билан тилга олиш барчамизнинг бурчимиздир.

Бердақ ижоди ва ҳаётини ўрганиш, оммалаштиришда катта меҳнат қилган И. Т. Сағитов, Қ. Ойимбетов, Н. Давқораев, Н. Жапақов, М. К. Нурмухамедов, О. Қожуров, А. Муртазоев, М. Тлеумуротов, У. Алеуов, Б. Қурбонбоев ва бошқаларнинг хизматларини ҳам бугун алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Шоир асарларининг асл мансубиятини аниқлашда, уларнинг матншунослик нуқтаи назаридан ҳақиқий жилосини тиклашда қорақалпоқ халқининг ҳозирги оқсоқол сўз устаси, атоқли шоир Ибройим Юсупов улкан ишларни амалга оширди. Бу йўналишдаги иш, фикримизча, янги навқирон авлод вакиллари томонидан ҳам давом эттирилади. Айни вақтда Бердақ таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан қатор долзарб тадбирларни амалга оширишда жонқуярлик қилган Ўзбекистон Республика-

си Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Вакили К. Ю. Юсупбоев меҳнатларини ҳам таъкидлаш керак.

Биз бугун Бердақ ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритар эканмиз, шоир асарлари билан ўзбек китобхонларини ошно этган, унинг шеър ва дostonларини ўзбек тилига маҳорат билан ўтирган қатор шоирларни, айниқса, устоз Миртемир домлани ҳурмат билан ёд этамиз.

Маълумки, ҳар бир давр ўз шоирларини берганидек, янги таржимонларни ва янги таржималарни ҳам беради. Масалан, бундан салкам етмиш йил илгари Чўлпон Шекспирнинг “Ҳамлет”ини, Ойбек Пушкиннинг “Евгений Онегин”ини ўтирган бўлсалар, бизнинг кунларда бу ишларни инглиз драматурги мисолида Жамол Камол, рус шоирининг шеърий романи мисолида Мирза Кенжабек амалга оширдилар. Ушбу тўпلامда жамланган шеър ва дostonларни ўзбек тилига Бердақнинг фидойи мухлиси шоир Музаффар Аҳмад ўтирган.

Бердақ ҳақида фикр юритилар экан, унинг XX аср Марказий Осиё халқлари шеърияти ва айниқса, қорақалпоқ адабиёти, маданияти, санъати, миллий тафаккури, мусиқаси, тил равнақиға баракали таъсирини алоҳида таъкидламоқ муҳимдир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Ибройим Юсупов шеърларида ва бошқа кўпдан-кўп ижодкорлар тажрибасида, жумладан Жўлмирза Оймирзаевнинг “Амударё соҳилларида” романи, Тўлепберган Қаипбергеновнинг “Қорақалпоқ қизи” ва “Қорақалпоқ дostonи” романларида давом этиб, ривожлантирилиб келаётган Бердақ анъаналарига назар ташлашнинг ўзи кифоядир.

Бердақ шеърларидан бирида “Жаҳон менга ҳавас билан қарасин” — деб орзу қилган эди. Биз буюк шоирнинг орзулари ушалаётган замонда яшамоқдамиз. Зеро, бугун бутун қорақалпоқ диёри, Ўзбекистондаги шеъриятсеварлар, хорижий мамлакатларда унинг асарларини ўқиётган китобхонлар бу улур шоирга чексиз ҳурматларини изҳор қилмоқдалар.



Минг йилдан сўнг қандай бўлар, ажабо,  
Бир кўрай, Луқмоннинг узоқ умрин бер! — деб  
ёзган эди Бердақ ўзининг ўлмас асарларидан бири-  
да. Бугун шоирнинг бу орзуси ҳам амалга ошиб ту-  
рибди, дейиш мумкин. Зеро, Яратган ўз шоирини  
улуғ орзусига ноил этди.

Унинг руҳи, ёди биз билан ҳамиша барҳаётдир.

*Бахтиёр НАЗАРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар Академиясининг мух-  
бир-аъзоси, филология фанла-  
ри доктори, профессор*

## ЯХШИРОҚ

Оқ буғдойи туриб сули сепкандан,  
Тоза шoли туриб қурмак эккандан,  
Бекор қирқ кун қайғу-ҳасрат чеккандан  
Тан соғликда бир кун хандон яхшироқ!

Дунёга чиқдингми — бахтинг очилса,  
Душманларинг оёғингга бош урса,  
Ёв бўйсуниб, икки қўлин қовширса,  
Кўз олайтиргандан чандон яхшироқ!

Туғилдингми — хизмат қилгин эл учун,  
Жонингни аяма элда эр учун,  
Қиндик қонинг томиб, тукқан ер учун  
Ўлиб кетгунингча хизмат яхшироқ!

Ҳеч қачон дўстларинг қилмагин ҳайрон,  
Қўлдан келса, солгин душманга вайрон,  
Элу юрт бир бўлиб айлангиз сайрон,  
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.

Ўзга бировларни сайлаб йўлдошинг,  
Оқизма ўз дилбарингнинг кўз ёшин,  
Ёмон бўлса ҳам у умрлик сирдошинг,  
Вақтинча қўл берган ҳурдан яхшироқ!

Одам боласинда бўлсин ор-номус,  
Ками юзга бўлсин кўз кўрган таниш,  
Тасодифда қўлни қийса бир қамиш,  
Шул вақт қон тўхтатган — дўстдан яхшироқ!

Эр йигитга номус керак, ор керак,  
Оқкўнгил, қаламқош, севар ёр керак.  
Меҳмон келса, кутмоққа ҳам ҳол керак,  
Сўймоққа бир эчки — молдан яхшироқ.

“Ассалом!” деб отдан тушган ул меҳмон,  
Ўтирар уйингни қилиб имтиҳон,  
Кўз, оёқли, тилли чўлоқ бир инсон  
Ҳунарсиз, уқувсиз қўлдан яхшироқ!

Хон қасд этиб, эл-юрт кетдилар санғиб,  
Молсиз ночорларга тушди кўп солғирт<sup>1</sup>,  
Қадди узун-тикка, йўғон бир аргит<sup>2</sup>  
Сони юз, сафосиз толдан яхшироқ.

Тонгсаҳар уйғониб, юмушга чиқиб,  
Қўлингни қавартиб, белингни букиб,  
Тиззангни қақшатиб, меҳнатин чекиб,  
Еган бир зоғоранг болдан яхшироқ!

Теран ақл керак сўзни тизмоққа,  
Тиниқ хаёл керак барин сезмоққа,  
Сув ичинда ваҳмасиз сузмоққа  
Бир қайиқ юзлаган солдан яхшироқ.

Не асл сўз айтдим, ўтди аёнсиз,  
Не хизматлар қилдим, кетди поёнсиз,  
Мен ҳам бир жон эдим юртга зиёнсиз,  
Хорлик кўрдим, ўлган ундан яхшироқ.

Бердимурод айтар, тополмай ҳақни,  
Ўлиб кетар бўлди очилмай бахти,  
Бердимурод — халқни, халқи — Бердақни  
Ёлғизиндай кўрар жондан яхшироқ!

<sup>1</sup> Солғирт — солиқ.

<sup>2</sup> Аргит — дарахтнинг бир тури.

153  
A O'zL Bog BK  
2 5 7

## ЁЗ КЕЛАРМИ?

Довул турди, ургин<sup>1</sup> урди,  
Кўшимнинг қамишин сурди,  
Туман босди осмон, ерни,  
Фуқарога ёз келарми?

Жон олди қаҳратон совуқ,  
Совуқдан ёрилди увиқ<sup>2</sup>,  
Ёз келмади бизга ёвуқ,  
Бул тарафга ёз келарми?

Томоғим йўқ ичай десам,  
Кўлигим йўқ кўчай десам,  
Тўшагим йўқ тўшай десам,  
Мен шўрликка ёз келарми?

Айиршаатов — юрган ерим,  
Боғловдадир оёқ-қўлим,  
Қачон тугар бундай зулм,  
Қишлар ўтиб, ёз келарми?

Оғалар, бул иш абасдир,  
Одамлар эсдан адашди,  
Денгизда санглар<sup>3</sup> тўқнашди,  
Биз шўрликка ёз келарми?

Денгиз аччиқ, сувлари туз,  
Кўшни кўшсам, ер ҳали муз,  
Қиш ғзаби ҳалиям тез,  
Қишлар кетиб, ёз келарми?

Орқа — Тўқтош<sup>4</sup>, суви теран,  
Эшитмас-ов худо гаранг,  
Охирзамон шуми, қаранг,  
Қишлар ўтиб, ёз келарми?

<sup>1</sup> Ургин — шамол ски довулнинг кучли зарбаси.

<sup>2</sup> Увиқ — ўтовнинг таркибий қисми, бир бўлаги.

<sup>3</sup> Санг — сувда сузиб юрган муз-тошлар.

<sup>4</sup> Тўқтош — Бердақ яшаган жойдаги манзил номи.

Жалойиркүпир<sup>1</sup> бүйинда,  
Кун кўрмоқ тушди қийинга,  
Бормадик тўйга, йиғинга,  
Биз шўрликка ёз келарми?

Очликдан тақиллар томоқ,  
Туттирмайди битга чавоқ,  
Ўтинимиз қорабароқ,  
Фуқарога ёз келарми?

Овулда моллар қолмади,  
Совуқ барини ямлади,  
Яйраб-яшнар вақт бўлмади,  
Биз шўрликка ёз келарми?

Хитой, Қўнғирот тўзар бўлди,  
Оқча юзга сарғиш энди,  
Қирар бўлди совуқ элни,  
Фуқарога ёз келарми?

Қизил тилим бўлди айғоқ,  
Оёқ боссам — ерлар тайғоқ,  
Юролмадик ҳеч кайфи чоқ,  
Қишлар кетиб, ёз келарми?

Ёнбошлаб ётар уйим йўқ  
Эгнимга тортар кийим йўқ,  
Тўқлардан бизга буюм йўқ,  
Биз шўрликка ёз келарми?

Ёлғончида ҳақлик қайда?  
Ҳол қолмади қадди-бўйда,  
Қиш азоби доим ўйда,  
Биз шўрликка ёз келарми?

Қаранглар асли зотимга,  
Етишинг фарёд-додимга,  
Озиб-тўзган элатимга  
Яйраб-яшнаб ёз келарми?

<sup>1</sup> Жалойиркүпир — Бердақ яшаган жойдаги манзил номи.

## БУЛГАН ЭМАС

### 1

Бул дунё дунё бўлдию,  
Подшоҳ одил бўлган эмас.  
Шоирлар қалам олдию,  
Хатта тўғри солган эмас.

Иноқу бекнинг боллари,  
Барига етди қўллари,  
Қийшиқ бўлса ҳам йўллари,  
Ҳеч вақт ҳориб-толган эмас.

Қорақалпоқ халқ бўлгали,  
Халқлик номини олгали,  
Ҳақ таоло йўл солгали,  
Бир тенгликни олган эмас.

Қорақалпоқ халқи булиб<sup>1</sup>,  
Қўшни ўтирган эллар кулиб,  
Бирозлари йўлда ўлиб,  
Юз йил кўним билган эмас.

Тўзган эл қорақалпоқ бўлди,  
Қирилса ҳам урпоқ бўлди,  
Бердимурод Бердақ бўлди,  
Доғин ҳеч ким билган эмас.

Менинг халқимнинг бийлари,  
Создир жаҳонда уйлари,  
Тугамас ялла-қуйлари,  
Тўғри жавоб айтган эмас.

Кўнгилга қайғу тўлдириб,  
Етимнинг гулин сўлдириб,  
Ўзин ноумид бўлдириб,  
Ҳеч вақт йўлда қолган эмас.

<sup>1</sup> Булмақ — бузгунчиликка учраб, тарқашиб кетмоқ. Қадимги туркий тиллардаги “булгинчилик” деган сўз мана шундан келиб чиққан.

Бўлмади мақсад-ниятим,  
Хор бўлиб манов миллатим,  
Йиғлай-йиғлай барча етим,  
Кулган вақти бўлган эмас.

Бировларнинг кўнгли хушдир,  
Золимлар яйради-жўшди,  
Қанот боғлаб кўкка учди,  
Камтарликни билган эмас.

Кўлда борни тортиб олди,  
Бало-бағтар ортиб олди,  
Оларини ортиқ олди,  
Берарини берган эмас.

Кимлардир ҳаддан зўр бўлди,  
Бировлар чиндан хор бўлди,  
Лочинга қурган тўр бўлди,  
Тўрни ҳеч ким узган эмас.

Нафсин ўрадай очгани —  
Бор обрўйининг қочгани.  
Ҳеч вақт чўчқа-чўчқани,  
Тишлаб қорнин ёрган эмас.

Бировлар оч, бировлар тўқ,  
Тўқ одамнинг қайғуси йўқ,  
Оч одамнинг уйқуси йўқ,  
Ани тўқлар билган эмас.

Кўкни қора булут босиб,  
Ғафлатда бандалар шошиб,  
Ғарибларнинг кўнгли тошиб,  
Ҳеч вақт яйраб юрган эмас.

Эшонларда мурувват йўқ,  
Оғабекда адолат йўқ,  
Бойда хайру саховат йўқ,  
Бир инсофга келган эмас.

Бул замоннинг тури баттар,  
Ҳар ким ўзин ғамин этар,  
Қора туман қачон кетар?  
Чироқ порлаб ёнган эмас.

Бул дунё қайғу-ғафлатдир,  
Одамларни сарсон этди,  
Нечанинг бошига етди,  
Ҳеч бир одил қолган эмас.

Дўстлар, дўстга зиён этманг,  
Вафосизни ёрон этманг,  
Ҳаргиз йўлдан чиқиб кетманг,  
Йўлдан чиққан — ўсган эмас.

Ўлган ўлди, ўлмаганлар —  
Бул дунёга келмаганлар,  
Азобларни кўрмаганлар  
Ҳеч ваҳима қилган эмас.

Бердимурод менинг ўзим,  
Хира тортди икки кўзим,  
Тадқиқ-шажарадир сўзим,  
Қадрим бироқ бўлган эмас.

## 2

Гул бўлдим у яшнамадим,  
Ўйчи бўлдим, ўйламадим,  
Булбул бўлдим, сайрамадим,  
Кўнар гулим бўлган эмас.

Қарағай эмас, сўкит бўлдим,  
Қари эмас, йигит бўлдим,  
Тоғдан учган бургут бўлдим,  
Кўнар тепам бўлган эмас.

Узун эмас, ирғай<sup>1</sup> бўлдим,  
Ҳар мақомга йўрға бўлдим,  
Дон йўқ ерда тўрғай бўлдим,  
Қорним емга тўлган эмас.

<sup>1</sup> Ирғай — ластак бўйли буга-дарахт, шилви.



Қарчиғай бўлдим, қўрқдим,  
Тўмағам<sup>1</sup> бўлди — ҳовлиқдим,  
Тошдай зулматга йўлиқдим,  
Ҳеч ким қадрим билган эмас.

Қурғоқ куни ёғин бўлдим,  
Елсиз эсан довул бўлдим,  
Чўлда эккан қовун бўлдим,  
Чўчқасиз кун бўлган эмас.

Бир ёзолмай палагимни,  
Кўклай узиб хомагимни,  
Чўчқа тешиб туйнагимни,  
Тухумим ёйдирган эмас.

Шундай бўлса ҳам юмур бош,  
Ёрилмади бўл қора топ,  
Кўзимдан оқди қонли ёш,  
Ани ҳеч ким артган эмас.

Зое ўтказдим умримни,  
Тиламадим юримимни,  
Бошдан ўтган кунларимни  
Ҳеч бир одам билган эмас.

Босганда катта қўнишни,  
Қилганда бориб юмушни,  
Ҳам мақтаб Қулен бўлисни,  
Оғанг сарпо олган эмас.

### 3

Ота-бобом молни йиғнаб,  
Чивин жонин доим қийнаб,  
Хо-холашиб, кулиб-ўйнаб,  
Очликдан ёлчиган эмас.

---

<sup>1</sup> Тўмаға — қушнинг бошига кийдириб қўйиладиган тумоқ, теридан тикилади, қарчиғай, бургут каби овчи қушларнинг бошига илдириб қўйилади.

Бағринда бовурхонамнинг,  
Ғамхўрим, менинг панамнинг,  
Тузқан ул ғариб онамнинг  
Маҳрига мол тушган эмас.<sup>1</sup>

Бурунгилар кўрган экан,  
Кўриб зеҳни илган экан,  
Отам тухум берган экан,  
Бул айтганим ёлғон эмас.

Оға беклар, сиртим бутун,  
Ичим ёниб, бўлди тутун,  
Оширди золимлар ўчин,  
Ҳеч бир раҳм қилган эмас.

Гавдам бутун, кўнглим қуроқ,  
Ҳаёт қисқа, йўлим йироқ,  
Остимда хачирим Буроқ,  
Отлиққа етолган эмас.

Бул дунёга келган одам,  
Ҳасрат чекиб юрган одам,  
Даврон отин сурган одам,  
Ул ҳам мангу қолган эмас.

Бозирган юрган бул майдон,  
Гўруғлибек сурган даврон,  
Армонда кетди ҳар бир жон,  
Кетган қайтиб келган эмас.

Бердимурод менинг ўзим,  
Кунхўжани кўрди кўзим,  
Эшитдим Ажиниёз сўзин,  
Улар ҳам шод бўлган эмас.

---

<sup>1</sup> Бердимурод отаси Қарғабой ҳам, онаси Қарқара ҳам камбағал кишилар бўлганлигини бир неча шеърларида эслаб ўтади. Жумладан, Қарғабой Қарқарага уйланаётганида, тўлашга қалин моли бўлмаганликдан, қизнинг отасига қовун уруғи берган экан. Ҳозир, эҳтимол, кулгили туюлар, лекин, ким билади дейсиз, қалин моли ўрнига қовун уруғи берилиши ва бу никоҳдан Бердақдай шоирнинг туғилишида ҳам илоҳий бир ҳикмат бордир?! (таржимон изоҳи)

## ҲАҚЛИК ЙЎЛИН БЕР

Барчани яратган қодир худойим,  
Берсанг, бул бандангга ҳақлик йўлин бер!  
Эгри юрсам ортар менинг гунойим,  
Ҳақ қалбимга ҳақиқатнинг нурин бер!

Фалак гардишидан қилсам шикоят,  
Тинглаганга ҳасратли бир ҳикоят,  
Жабру жафо чекдим мен бениҳоят,  
Забонимга адолатлик ҳукмин бер!

Азал амри билан дунёга келдим,  
Кабир бўлиб, яхши-ёмонни билдим,  
Қайгу-алам билан бағримни тилдим,  
Кутилайин, бул қайғунинг эмин бер!

Бой давлатин бергин, беғам яшайин,  
Насиба-рисқимни мўлдан ошайин,  
Армонсиз ўйнайин, суйиб қучайин,  
Менга дунё жаннатининг хурин бер!

Дамда ўтган Мағриб-Машриқ орасин,  
Буроқ бер, кунимга менинг ярасин,  
Жаҳон менга ҳавас қилиб қарасин,  
Ҳазрати Юсуфнинг ҳусни-кўркин бер!

Устидан йўл берсин денгизу дарё,  
Мени тўздирмасин замону дунё,  
Минг йилдан сўнг қандай бўлар, ажабо,  
Бир кўрай, Луқмоннинг узоқ умрин бер!

Бўстон бер, гуллари атир уфурсин,  
Орасида эл сайронлаб, йўл юрсин,  
Қўлимда сўм темир мумдай эрисин,  
Темирчи ҳазрати Довуд сеҳрин бер!

Дунёда тилсимлар сирин очмоққа,  
Рафраф миниб, ердан кўкка учмоққа,  
Душманни ўз зиңдонига босмоққа,  
Ер-кўкдаги Сулаймоннинг амрин бер!

Жаҳон хазинасин олсам қўлимга,  
Сарф айламоқ учун ҳақлик йўлига,  
Бердимурод каби ҳақнинг қулига  
Танграм, саховатли она меҳрин бер.

Туркистон, Хоразм — масканим менинг,  
Бешқалъа, Денгизнинг атрофи — элим,  
Айшу ишрат орзу айлайди кўнглим,  
Менга ҳам давлатли инсон умрин бер!

Бердақ дер, сўзимни айтиб кетайин,  
Бахт бўлмаса, кўр умрни нетайин,  
Бўлмаса, дунёни хароб этайин,  
Қани, менга Исрофилнинг сурин бер!

### ХАЛҚ УЧУН

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,  
Ҳар доим сен қилгин хизмат халқ учун.  
Йигит бўлса арслон каби туғилган,  
Жонин фидо қилар фақат халқ учун.

Шул замон зулмига бўлибон қойил,  
"Ўзим!" деб ишлаган — ақлига зойил,  
Эл оралаб юрган саёқ-у сойил  
Юмуш қилмас ҳеч қачон ҳам халқ учун.

Золимлар тингламас мўъминнинг зорин,  
Улар ўйлар ўз фойдасин, хуморин,  
Ҳеч вақт ҳам золимлар қўлдаги борин  
Сарф айламас чин юракдан халқ учун.

Муродга етарсан хизматлар этсанг,  
Эл-халқинг истаса, хайр тилаб кетсанг,  
Ҳар қачон душманининг бошига етсанг,  
Аямагин хизматингни халқ учун.

Бердимурод, ўйлаб айтгин сўзингни,  
Лоф уриб, кўтарма қуруқ ўзингни,  
Қизартмагай халқинг сенинг юзингни,  
Қўлдан келса хизмат айла халқ учун.

Йигит одам саф олдиға ўтади,  
Айтган сўзин болдан ширин этади.  
Битта гапи иқрор учун этади,  
Шунга лойиқ хизмат қилар халқ учун.

Ўйчил йигит яхши илмдор бўлар,  
Айтган ҳар гапингни тафаккур қилар,  
Ақлсизнинг хосияти оз келар,  
Аҳмоқлар ҳеч хизмат қилмас халқ учун.

Оқил инсон сўз келтирмас ўзига,  
Чўп ташламас севар ёрин кўзига,  
Боқмас номаҳрамнинг асло юзига,  
Шундай одам хизмат қилар халқ учун.

Яхши одам юрмас фосиқ сўзига,  
Берилмайди бир бошининг ҳазига,  
Файрат бериб ўлгунича ўзига,  
Хизмат қилар мудом улуғ халқ учун.

Яхшининг уйига одам кўп келар,  
Ёмон одам ич-кўзини еб келар,  
Тил учида "оға-оға" деб келар,  
Хосияти бўлмас анинг халқ учун.

Яхши одам душманларин кулдирмас,  
Қўлдан келса, сира даврон сурдирмас,  
Бўри ориғини ҳеч вақт билдирмас,  
Шундай йигит жони қурбон халқ учун.

Ишингда, йигитлар, хомлик бўлмасин,  
Ғунчаласанг, гулинг бевақт сўлмасин,  
Арслон билагингиз асло толмасин,  
Хизмат айланг билақда куч бор учун.

Дўстлик билан ҳар бир ишга тахт турсанг,  
Жон аямай эл-юрт учун иш қилсанг,  
Қайғуланмай улуғ ишга қўл урсанг,  
Шунда менинг кўнглим ўсар халқ учун.

Кўч<sup>1</sup> йигитга мадад берса элати,  
Кун-кундан ортади анинг қуввати,  
Тилларда қолади йигитлик оти,  
Холис хизмат қилса агар халқ учун.

Бул замонда жабру жафо чекарман,  
Қора кўздан қонли ёшлар тўкарман,  
Золимларнинг зулмин кўрсам сўкарман,  
Куйганимдан жоним ачиб халқ учун.

Бўлмади бир дархон манзил-маконим,  
Заҳар-заққум бўлди ичган-еганим,  
Айтсам ҳам келмади менинг деганим,  
Кўнглимни юпатдим фақат халқ учун.

Оллоҳ қувват бергай нозик белларга,  
Мавсум бергай очилгай тар гулларга,  
Иқбол келармикан бизнинг элларга?  
Ўлгунча айтарман шунини халқ учун!

Ажал етиб, ўлсам бир куни ўзим,  
Таъриф бўлиб, ортада қолади сўзим,  
Кўрди не замонни тирикда кўзим,  
Фарқин билган хизмат қилар халқ учун.

Бердимурод, тинглаб сўзингни кўргин,  
Юрган сўқмоғингда изингни кўргин,  
Қайғу чекмай ғарибларга қўл бергин,  
Шунда иш қиларсан мўъминлар учун.

Қайғуда кўрганда дўстнинг назарин,  
Қўлдан келса, кўргин шодлик бозорин,  
Ўтказмагин дўстга гапнинг озорин,  
Дўстлар хизмат қилар ёрони учун.

Кўшнисин ёмонлар ёндан кўчирар,  
Ўзи ўйлаб қўйган онтин ичирар,  
Яхши одам гуноҳ бўлса кечирар,  
Шунда кўнгли ривож топар халқ учун.

<sup>1</sup> Кўч — "кўчқор" сўздан олинган бўлиб, кучга тўлиб келаётган йигитларга ижобий эпитет (сифат) ўрнида ишлатилади.

Ёмон одам билмас сўзнинг фарқини,  
Гийбат қилиб юрар дўсту халқини,  
Чиқарсам деб бир ўзининг донғини,  
Ҳар бир ишда зиён қилар халқ учун.

Яхши одам сўз маънисин англайди,  
Ёмон одам фиску фужур тинглайди,  
Айтган билан насихатни олмайди,  
Кўнглим менинг вайрон бўлар шул учун.

Душманлик ишидан йўқдир наф, маъно,  
Аҳил, ҳамдам бўлган баридан аъло,  
Ёши улуғлардан олинглар дуо,  
Фойдаси тегади шунинг халқ учун.

Йигитнинг бир номин аёл чиқарар,  
Ёмони йўлиқса — йигит не қилар?  
Ёмон ярим йўлда сирин олдираар,  
Уларнинг кераги бўлмас халқ учун.

Ёмондан туғилган отага тортар,  
Кун-кундан каззоблик ҳунари ортар,  
Халққа ёқмас касофатли йўл тутар,  
Ундайлардан наф келмайди халқ учун.

Бердимурод, рост айт, сўзлама ёлғон,  
Бул дунё узоқ йўл, отангдан қолган,  
Хор бўлмас яхшининг сўзини олган,  
Хайру хизмат айлар доим халқ учун.

Ўйлансам, сўз келар изма-из, қатор,  
Буни оқил илиб олади тезкор,  
Яхшидан чиққан сўз йўқолмас зинҳор,  
Шод бўлади кўнглим доим шул учун.

Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,  
Кўнглим билиб-англаб, сезганин ёздим,  
Замон ҳасратидан сарғайдим, оздим,  
Бўларми деб ёруғ кунлар халқ учун!

Номим Бердимурод, мен Ҳақнинг қули,  
Саҳрода сайраган шайдо булбули,  
Ўн гулидан очилмади бир гули,  
Ниятига етолмади халқ учун.

## БОЛАМ

Алтоқлама, талтоқлама,  
Биров урди деб йиғлама,  
Оч қоламан деб ўйлама,  
Файратли бўл ёшдан, болам.

Ўчингни ол душманингдан,  
Кучинг тўплагин ёшингдан,  
Халқинг кетмасин қошингдан,  
Хушфеъл бўлгин ёшдан, болам.

Манман бўлма Пиримбойдай,  
Худойим қилмасин ундай,  
Юмшоқ бўлиб сангсан<sup>1</sup> тўндай  
Шалвираб ҳам юрма, болам.

Енг шимариб, бел боғлагин,  
Дўст-душманни синаб юргин,  
Яхши сўзга қулоқ бергин,  
Ёмон сўздан қочгин, болам.

Молим йўқ деб қийнама жон,  
Худо ҳали берар, ишон,  
Душманингта тушма осон,  
Кўзинг очиб юргин, болам.

Ёмон номинг тушиб кўзга,  
Сарғиш эндирмагин юзга,  
Берилма ҳеч чуғул сўзга,  
Гийбат сўздан қочгин, болам.

Отим йўқ деб ор қилмагин,  
Тўним йўқ деб тортинмагин,  
Ёмонлардан уялмагин,  
Ўрнинг топиб ўтир, болам.

Тўйга борсанг, боргин бурун,  
Душманингнинг узиб тўрин,  
Юқоридан олгин ўрин,  
Ҳеч вақт пастда қолма, болам.

<sup>1</sup> Сангсан тўн —қўй терисидан тикилган иссиқ пўстин.



Биров сени ёмонласа,  
Кўринганга дод-войласа,  
Сўзин исботлаёлмаса,  
Ундан қочиб юргин, болам.

Манглайингдан оқизиб тер,  
Яхши-ёмонни синаб кўр,  
Яхшиларнинг изида юр,  
Шунда йўлинг бўлар, болам.

Ёмонларга сўзинг айтма,  
Келган ерда сўздан қайтма,  
Дўстингни асло мунғайтма,  
Душманингни боғла, болам.

Молим бор деб ошиб-тошма,  
Ҳеч ким билан сўз талашма,  
Ўринсиз ерда олишма,  
Навбат келса сўзла, болам.

Кўпни ёнингдан қочирма,  
Борингни йўқ деб яширма,  
Қувликни истаб оширма,  
Олижаноб бўлгин, болам.

Яхшилигингни халқ билсин,  
Одиллигинг айтиб юрсин,  
Майли, душман ёмон кўрсин,  
Тўғри йўлдан юргин, болам.

Ўринсиз жойда интилма,  
Сабабсиз жойда ютинма,  
Утрик сўзлашга уринма,  
Ҳақ томонни ёқла, болам.

Ўйланмаснинг сўнги вайрон,  
Охир бир кун бўлар ҳайрон,  
Тенгинг билан қилгин сайрон,  
Номард билан юрма, болам.

Бошингни кўш яхши дўстга,  
Дўст тополмай юрма бўшга,  
Қошингга келмасин чўчка,  
Эҳтиёт бўл шундан, болам.

Қошингда юрса бир ёмон,  
Зиёвати тегар осон,  
Шундайлардан бўлгин омон,  
Хушёр бўлиб қара, болам.

Отангдан шул панд-насиҳат,  
Ҳамма нарсадан ҳам қиммат,  
Яхши иш қил, қилма уят,  
Кейнинг ўйлаб юргин, болам.

Ёлғизман деб ялтоқланма,  
Кўпман-ку деб талтоқлама,  
Жўртга кулиб қаҳ-қаҳлама,  
Ўринли иш қилгин, болам.

Ёмон учун тушма ўтга,  
Сўзин олиб, кетма ётга,  
Хиёнат ўйлама юртга,  
Унмоғингга яхши, болам.

Ота-онанг доим сийла,  
Ўлганингча яхши сўйла,  
Дунё топсанг, халқни ўйла,  
Ўсмоғингга яхши, болам.

Етим кўрсанг, қўлингни бер,  
Оға бўлса, изинда юр,  
Кеккайиб ҳеч бўлмагин шер,  
Олижаноб бўлгин, болам.

Фариб кўрсанг, ақлингни айт,  
Онгли бўлса, қошингга торт,  
Садоқат ҳам улкан мурод,  
Шу ёғин ҳам ўйла, болам.

Олдда бийик-бийик жар бор,  
Ундан ошсанг, кўп дунё мол,  
Отанг сўзин эсингга ол,  
Насиҳатим шулдир, болам.

## БУЛБУЛ

Жангалга қўнган булбулнинг  
Чумчуқчалик сони бўлмас.  
Ҳасратинда қизил гулнинг  
Сайраса, дармони бўлмас.

Пари тушиб қиёғидан,  
Курки кетиб сиёғидан,  
Тикон тирнаб оёғидан,  
Қонатганда қони бўлмас.

Илон силжиб жилға-сойдан,  
Пойлаб келса анов жойдан,  
Чўл булбули билсин қайдан,  
Чақса, унинг эми бўлмас.

Куй тошганда қирғоқ топмай,  
Яйраб сайрар бир боғ топмай,  
Тинглатмоққа кулоқ топмай,  
Сайрашинда маъни бўлмас.

Қақиллашиб қора қарға,  
Емтик излаб қўнар жарга,  
Бойўғлидай ночор борма,  
Ёрқанотнинг пари бўлмас.

Борнинг иши фармон билан,  
Йўқнинг иши армон билан,  
Зори-гирён бўлган билан,  
Қўнглингнинг хумори бўлмас.

Тўлқинни тойдай тувлатиб,  
Довул келар қуюнлатиб,  
Бутани паналаб ётиб,  
Чақмоқ чақса, жони қолмас.

Тарк айлаб фоний дунёни,  
Йўлга чиқса дўст-ёронинг,  
Йиқилиб кўшқу айвонинг,  
Бол чайнасанг — таъми бўлмас.

Етим қолган бўта бўзлаб,  
Арвона<sup>1</sup> кўшагин<sup>2</sup> излаб,  
Товшан-кийик тоғин кўзлаб,  
Жазирасиз ёзи бўлмас.

Кунлар ўтар армон билан,  
Юкинг кетар карвон билан,  
Оти булбул бўлган билан,  
Тўрғайдай даврони бўлмас.

Султон бўлма ғайри элда,  
Чўпон бўл туққан ерингда,  
Чағалай қуш ўз кўлинда  
Чарқилламай номи бўлмас.

Оқшом юлдуз оғиб ўтар,  
Юрак-бағрим ёқиб ўтар,  
Ғамсиз куним нақлиб ўтар,  
Дардимнинг дармони бўлмас.

Бердимурод Ҳақнинг қули,  
Саҳронинг сариқ булбули,  
Беш кун меҳмон одам ўғли,  
Армонсиз бир кунни бўлмас.

## ЗАМОНДА

Чаққон оёқ босиб хизмат этмасанг,  
Кун кўрмоқ ҳам қийин заҳмат замонда,  
Ўйлаб-ўйлаб мақсадингга етмасанг,  
Умр сурмоқ — қанча меҳнат замонда.

Азаматсан, оёғингни чаққон бос,  
Чаққонлаб босмасанг, кўздан оқар ёш,  
Бўлмайин десанг гар қайғуга йўлдош,  
Асло овсар бўлма минбаъд замонда.

<sup>1</sup> Арвона — бир ўрқачли, еш она туя.

<sup>2</sup> Кўшак — туянинг боласи.

Йўлда душман чоҳлар қазиб ётадир,  
Язидлар қилиғин маҳкам тутадир,  
Тегмаганга ўзи кесак отадир,  
Омон юрмоқ — қийин мақсад замонда.

Ситамкорлик қилса меҳрсиз золим,  
Бириксанглар, кўпга етади ҳолинг,  
Сочилсанглар, кимга бўлар уволинг,  
Бул қайғули, зўр аросат замонда?

Кўллар жудо бўлди ўрдак-сўнадан,  
Эрлар жудо бўлди хотин-боладан,  
Ўғил-қиз айрилди ота-онадан,  
Бўз туман қошлаган ҳасрат замонда.

Тилла кокиллардан маржон тўкилмиш,  
Айтсам, кўзда ёшдан киприк эгилмиш,  
Қовурғам сой бўлиб дол-дол сўкилмиш,  
Ҳайрон бўлдим, мунча даҳшат замонда?!

Кўнглим исён топар қайғу-дард билан,  
Ғаминг тарқар юртда ботир, мард билан,  
Йўлдош бўлма ўзинг билмас ғурд<sup>1</sup> билан,  
Ҳолинг қийин бўлар зулмат замонда.

Боғловдадир бул замонда қўлларинг,  
Бердимурод, қийин сенинг ҳолларинг,  
Тирикликда бўлмай асло йўлларинг,  
Кетар бўлдинг кўрмай роҳат замонда.

Золим ҳужум қилса халқимга сонсиз,  
Юзинда нури йўқ бари имонсиз,  
Мўъмин қўллар турар термулиб нонсиз,  
Йўқчилик жабр этди беҳад замонда.

Дунё деб ғам чексанг, ундан фойда йўқ,  
Шод бўлармиз деган хаёл-ўйда йўқ,  
Ғарибларга ҳайт-маърака, тўй-да йўқ,  
Кўнгил топмас сира зийнат замонда.

<sup>1</sup> Ғурд — бунда.

Замон йилдан-йилга терсга айланди,  
Не донолар йўл тополмай ўйланди,  
Югрук-чечанларнинг тили бойланди,  
Қоронғи қоплаган зулмат замонда.

Жоҳиллардан олма ҳеч вақт омонат,  
Кўтарарсан охиринда ёмон от,  
Бул давронда кўпдир оғир аломат,  
Кимлар ғамгин, кимлардир шод замонда.

Қиз-жувонлар севганига кетмади,  
Шариат шармига илож этмади,  
Бедардларнинг бунга ақли етмади,  
Ақли етган қилди ҳайрат замонда.

Бош омонлик учун қилинг тавбангиз,  
Бир бош эмас, магар қўшни-ўбангиз,  
Кафан топиб кетса ота-онангиз,  
Шукр этмоқ ҳам бўлди одат замонда.

Бой бўлсанг, молинг кўп — бўлдинг армонсиз,  
Ночор бўлсанг — ишинг бўлди фармонсиз,  
Не ҳам қилар оч-ориқлар дармонсиз,  
Шундай қайғу босган зулмат замонда.

Ўз-ўзим ўтириб фармон этарман,  
Дардликка сўзимни дармон этарман.  
Тилим — боғлик, шундан армон этарман,  
Яйраб айтолмадим ношод замонда.

Осийлик қилмайин, тавба этайин,  
Ҳой оғалар, ёлғон сўзлаб нетайин,  
Ўлсам сўзим қолар, айтиб кетайин,  
Не кўрдим мен бу бешафқат замонда?!

Отим Бердимурод, Оллоҳнинг қули,  
Саҳрода сайраган сариқ булбули,  
Эл борин қовурган шул тўнғиз йили,  
Айтдим ғамгин бир ҳикоят замонда.

## ДЕНГИЗ БАЛИҒИН БЕРМАДИ

Ов солдим бориб денгизга,  
Денгиз балиғин бермади.  
Оллоҳ назар солгай бизга,  
Денгиз балиғин бермади.

Хитой, Кўнғирот тўзар бўлди,  
Қабристонда тунар бўлди,  
Очликдан юрт ўлар бўлди,  
Денгиз балиғин бермади.

Мен ўзим бордим сол миниб,  
Сол эмас, катта ҳол миниб,  
Алифим эгрилди дол бўлиб,  
Денгиз балиғин бермади.

Не замон бўлди замон-а,  
Кун кўрмагимиз гумона,  
Худойим бергай омон-а,  
Денгиз балиғин бермади.

Қалай бўлди ҳолларимиз,  
Семирмади молларимиз,  
Очилмади йўлларимиз,  
Денгиз балиғин бермади.

Шогур-шупур тўлқин урди,  
Қаҳри кўзиб довул турди,  
Бир аломат замон бўлди,  
Денгиз балиғин бермади.

Эй оғалар, иқбол бўлгай,  
Ҳақ нурига меҳрим қонгай,  
Душманларнинг уйи ёнгай,  
Замон ҳеч кулиб турмади.

Бойда саховат қолмади,  
Хонда адолат бўлмади,  
Шундаям гули сўлмади,  
Тилагимизни бермади.

Кетмади кўнгилининг доғи,  
Кўприк синди гузардаги,  
Очилмай ғарибнинг боғи,  
Денгиз балиғин бермади.

Бердимурод менинг ўзим,  
Ёлғон эмас айтган сўзим,  
Кўп ёмонлик кўрди кўзим,  
Яхшилигини кўрмади.

### ҚАЧОН РОҲАТЛАНАДИРСАН?

Илми ғайбдан сўзлама,  
Ўзганинг ёрин кўзлама,  
Меҳнатсиз дунё излама,  
Жонни ўтга соладирсан.

Меҳнат қилиб топ дунёни,  
Сутдан оқдир билсанг ани,  
Кўп қилсанг ўзинг гунони,  
Ёмон отли бўладирсан.

Қилиғи пастга юз солма,  
Номаҳрамларга сўз солма,  
Ўзга ёрига кўз солма,  
Ўз ёрингдан қоладирсан.

Элигингда пирдан қайтма,  
Топиб айт, сўзни мўлайтма,  
Дўст сирини ёвга айтма,  
Эл бузувчи бўладирсан.

Эр бўлсанг элиниги ёқла,  
Элининг берган тузин оқла,  
Дўстнинг сирин маҳкам сақла,  
Элга мирзо бўладирсан.

Бўлай десанг элга мирзо,  
Эл-юртингни қилгил ризо,  
Ғарибларга берма изза,  
Ўзинг зиён қиладирсан.



Тўғри тутсанг ниятингни,  
Халқингга бурсанг бетингни,  
Сийласанг ғариб-етимни,  
Чин элпарвар бўладирсан.

Феълинг кетиб, нафсинг очма,  
Молим бор деб тўлиб-тошма,  
Камбағал деб оёқ босма,  
Сен ҳам шундоқ бўладирсан.

Қўлинг узма эл-элатдан,  
Қочиб юрма жамоатдан,  
Қочар бўлсанг қоч ғийбатдан,  
Ғийбат ёмон, биладирсан.

Меҳнат қилмай жонни қийнаб,  
Кўрмай бир кун меҳмон сийлаб,  
Ичмай-емай молни йиғнаб,  
Қачон роҳатланадирсан?!

Фарқи бўлар сўз деганнинг,  
Нархи бўлар бўз деганнинг,  
Халқинг бўлсин излаганинг,  
Шунда даврон сурадирсан.

Бердимурод, дер, чертиб созни,  
Баҳор айлаб қишу ёзни,  
Рўза тутмай, беш номозни  
Мудом қазо қиладирсан.

## ИЗЛАР ЭДИМ

Йўғим кўзлаб, топмай дарак,  
Сардоримни излар эдим.  
Мен шўрликка даврон керак,  
Давронимни излар эдим.

Замон нечук замон бўлди,  
Қарағай бошин чўртан чалди,  
Дунёдан кўп кўнглим қолди,  
Хардоримни излар эдим.

Ҳаққа нолиш этайин мен,  
Ўтрик сўзлаб нетайин мен,  
Ҳақ йўл излаб кетайин мен,  
Бир имконни кўзлар эдим.

Узоқда қавму қардошим,  
Не савдога тушди бошим,  
Мард йигит бўлгай йўлдошим,  
Ғамхўримни излар эдим.

Битта кўкрак, икки арис<sup>1</sup>,  
Йўллар оғир, манзил олис,  
Юраги мисли йўлбарс,  
Мен чин шерни излар эдим.

Оға беклар, бўлманг хафа,  
Суриг беш кун завқу сафо,  
Кимки чекса жабру жафо  
Мен дармонин излар эдим.

Берсайди Оллоҳ додимни,  
Эшитсалар фарёдимни,  
Шод айласам элатимни,  
Дардга даво излар эдим.

Хом сут эмганман онадан,  
Кўзсиз учган бир сўнаман,  
Мен шунга куйиб-ёнаман,  
Бир ёруғ йўл излар эдим.

Йўлидан адашиб қолган,  
Мўъминларга сардор бўлган,  
Ғариб-ночорни қўллаган  
Меҳрибонни излар эдим.

Чўзсам қўлимни ҳавога,  
Дардим дуч келса давога,  
Кетсам бу ердан Каъбага,  
Ҳақлик йўлин излар эдим.

<sup>1</sup>Арис — шоти.

Кўпни кўрган қарияни,  
Ахтариб фоний дунёни,  
Кечиб денгиз ҳам дарёни,  
Мен йўқимни излар эдим.

Қуённи ўлдиран қамиш,  
Йигитни ўлдиран номус,  
Едиге билан Алпомиш  
Тирилса, мен излар эдим.

“Чор китоб”дан тура қочдим,  
Навоийдан савод очдим,  
Фузулийдан дурлар сочдим,  
Дилбарларни излар эдим.

Махтумқулини ўқиганда,  
Айтар эдим ҳар замонда:  
“Нуқсон борми, беклар, анда?”  
Сўзин тавоф қилар эдим.

Мен чарх уриб Шомга кетсам,  
Билганимни баён этсам,  
Асли ғайри юртга етсам,  
Қандай мадад олар эдим?

Берса менга Доғистонни,  
Туширса ҳам зимистонни,  
Яхши деса Ҳиндистонни,  
Йўқим излаб кетар эдим.

Бандам деса бечорани,  
Тарк айлаюб фуқарони,  
Мен ахтариб Бухорони,  
Луқмонимни излар эдим.

Ҳақиқат деб солиб кучни,  
Олмоққа золимдан ўчни,  
Ораласам Урганчни,  
Ёронларни топар эдим.

Йўлдош билан йўлга чиқсам,  
Жайхунда сол бўлиб оқсам,  
Яхшининг оғзига боқсам,  
Айтар сўзим топар эдим.

Ўтган Арасту, Афлотун,  
Яратиб билимнинг кендин,  
Ечмоқ учун фикр бандин,  
Мен маърифат излар эдим.

Тўрт нарса — дунё мазмуни,  
Аввал — Ҳақ, инсон, бил буни,  
Топмассан дунё нуқсини,  
“Бахт, бўл!” — деб излар эдим.

Ақли комил, билими зўр,  
Билимли эл бўлмайти хор,  
Гар бахт учун силтаса йўл,  
Ўрисиятни излар эдим.

Бедил, Агтор ҳам Бидонни,  
Такрорлаб отқиздим тонгни,  
Замон қийнади одамни,  
“Ҳидоя”ни излар эдим.

Бир сабабкор ёлғиз Оллоҳ,  
Фирдавсийдай борми доно?  
Тушунтирар “Шарҳи мулла”,  
Мен олимлик излар эдим.

Қоратоғ олдимга келса,  
Аждарҳоси одам еса,  
Йўқинг шу ерда бор деса,  
Мен қайтмасдан излар эдим.

Қулоқ сол менинг сўзимга,  
Сарғиш энмоқда юзимга,  
Раҳм этса ҳақ ўзимга,  
Ишим ривож айлар эдим.

Ҳаққа осийлик этмайин,  
Тўғри йўлимдан қайтмайин,  
Асло ёлғонни айтмайин,  
Мудом ростни кўзлар эдим.

Бердимурод, изла-изла,  
Ҳақ йўлини тўғри кўзла,  
Не сўйласанг, яхши сўзла,  
Ҳақ дийдорин излар эдим.

## КЎРИНДИ

Бул дунё қурисин, кўз етмас еринг,  
Айтмоққа тил ожиз, кетмас хуморинг,  
Очлик азобини кўрди диёрим,  
Ер юзи кафт каби аён кўринди.

Ёрқанотнинг усти қизил, пари йўқ,  
Овқат излар, тиқ-тиқлаган кори йўқ,  
Совуқда юрмоққа анинг ҳоли йўқ,  
Ёз кунлари қиш — зимистон кўринди.

Инсонга меҳрсиз жаллодлар, ёвлар,  
Халқни зор йиғлатган оталиқ, хонлар,  
Бошга оғир қайғу солган замонлар  
Кўзларимга илон-чаён кўринди.

Кўринди-кўринди ўзимдай ғариб,  
Оқча юзи сўлғин тортиб, сарғайиб,  
Оғалар, бул сўзни қилманглар айб,  
Барчаси кўзимга нолон кўринди.

Туман тарқаб, куннинг юзи кўринса,  
Йўрға минган чалқанчага суринса,  
Иқбол деган нарса тушимга энса,  
Ўнгимда ҳаммаси армон кўринди.

Дунё десанг, қара юммай кўзингни,  
Зулматлари ўтга солар ўзингни,  
Бемаъни қилади айтган сўзингни,  
Замон менга мисли зиндон кўринди.

Адолат йўқ бекда, подшода, хонда,  
Хуш кўнгил йўқ ғариб, фақир инсонда,  
Бизлар келган бул вафосиз жаҳонда,  
Ҳаммаси кўзимга ёлғон кўринди.

Кўринди бул дунё, оздир вафоси,  
Кетмайди кўнглимнинг жабру жафоси,  
Ҳақ бўлмаса бандасининг паноси,  
Бул дунёнинг иши ҳайрон кўринди.

Дунёси қурисин, хазон ургандай,  
Ясовуллар найза олиб тургандай,  
Қора бошга охирзамон қургандай,  
Замон менга қора туман кўринди.

Дунё деб югурар ўлгунча банда,  
Азобин тортарман мен ҳам ҳар кунда,  
Жоним бир омонат тор қафас танда,  
Не иш бўлса, бари пинҳон кўринди.

Ўйлан, Бердимурод, қисқарт сўзингни,  
Номардларга сарғайтмагин юзингни,  
Беш кунлик дунёда қолдир изингни,  
Жамолинг бир соат меҳмон кўринди.

### УМРИМ

Дунё — фоний, келмоқ — ганий,  
Келдиму, не кўрдим, қани?  
Бир пуч ёнғоқ билсанг ани,  
Йўқдир бир кунча ҳам умрим.

Бердимурод менинг ўзим,  
Билмасга бемаъни сўзим,  
Заъфарондек сўлди юзим,  
Ўтди армон билан умрим.

Биримда яйраб кулганим,  
Ота-онамни билганим,  
Учимда ғоз-ғоз юрганим,  
Кафтимдадир гўё умрим.

Беш ёшимда кўнглим ўсди,  
Етти ёшда тишим тушди,  
Билмай яхши-ёмон ишни,  
Қушдай парвозталаб умрим.

Ўн ёшимда ўқиб калом,  
Ёшкаттага бердим салом,  
Ўтиб дунёдан ота-онам,  
Қон йиғлаган бола умрим.

Ўн биримда жоним ёқдим,  
Ўн учимда бузоқ боқдим,  
Етимлик кулчасин тотдим,  
Фамли болалигим — умрим.

Мен энди ўн тўрт ёшимда,  
Севги савдоси бошимда,  
Қиз-жувон эниб тушимда,  
Товус каби рангин умрим.

\* \* \*

Ўн олтида, ўн еттида,  
Кўнгилга зарда етди-да,  
Ўйин-завқ йироқ кетди-да,  
Ташвишлар тушган кунларим.

Қадди мавзун қизлар билан,  
Кўнгил ҳуши созлар билан,  
Илма-султон сўзлар билан  
Тегишиб ўтган кунларим.

Нолиш айлаб бир Оллоҳга,  
Мадраса истаб бормоққа,  
Илму фан ҳосил қилмоққа,  
Талаба бўлган кунларим.

Йигирмада дордай бўлиб,  
Юк кўтарган нордай бўлиб,  
Гуркираган шердай бўлиб,  
Кучга тўлишган кунларим.

Йигит йигирма биринда,  
Тоқат топмас бир ўринда,  
Бир ботмон шамол бурунда,  
Кеккайиб юрган кунларим.

Кўнгил анжомсиз, қайғу-дард,  
Ичимда ишқ ўти ҳасрат,  
Тўралик йўқ, йигирма тўрт,  
Чўғли-ҳовурли кунларим.

Тугулса, тиш билан ечган,  
Хайқирса, қиличсиз кесган,  
Йигитлик йигирма бешдан  
Тўлишиб ўтган кунларим.

Бир сакрадим, йигирма олти,  
Энди бўш сўз изда қолди,  
Илму суҳбат эсни олди,  
Маъни излаган кунларим.

Белгили халққа нишони,  
Ёдимладир ҳар қачони,  
Қартайганда Кунхўжани  
Кўриб яйраган кунларим.

Айтиб, сўзларим тинглатиб,  
Нуқсонларин тўғрилатиб,  
Бир ярим ой бирга ётиб,  
Роҳатда ўтган кунларим.

Ўттизингда ўтоғаси,  
Топсанг бериб қўноқ оши,  
Бўлдинг йигитлар оғаси,  
Ақл тўлишган кунларим.

Бемаъни гап сўзланмаган,  
Сўз келганда изланмаган,  
Кулиб оға беклар билан,  
Ҳамсуҳбат бўлган кунларим.

• • •

Поёни йўқ фоний дунё,  
Алдади йўл солиб қия,  
Умрим кўпи кетди зоя,  
Оҳ-у афғон қилган умрим.

Кимлар ўтган умрин билмас,  
Қартайса ҳам қирққа кирмас,  
Қирққа кирса — нархга кирмас,  
Қирқта машаққатли умрим.



Бойнинг моли, йўқнинг ҳоли,  
Бул дунёнинг кўп жанжали,  
Чап эсиб даврон шамоли,  
Хазон урган каби умрим.

Қирқ ҳам қолиб, келди эллик,  
Яхши-ёмон фарқин билдик,  
Ярашар деб ўйнаб-кулдик,  
Элда машҳур бўлган умрим.

Олтмиш ҳам яқинлаб келар,  
Чопонинг ялпиллаб келар,  
Келинлар тўнғиллаб келар,  
Алифлар дол бўлган умрим.

Дунё, дунё, бўлганингми?  
Энди биздан қолганингми?  
Хазон уриб сўлганингми?  
Сув мисоли тинган умрим.

Кўрдим Хоразм, Бухорни,  
Донғи чиққан кўп шаҳарни,  
Ночорликда соч оқарди,  
Ўтди армон билан умрим.

Бул дунёнинг боши қизиқ,  
Тили ширин, кўзи сузук,  
Оқибати анинг бузук,  
Кўп пушаймон қилган умрим.

Ким етмишдан роҳат топган?  
Ҳолинг мушкул ҳамма ёқдан,  
Тиззанг ошади кулоқдан,  
Мусофирхонадир умрим.

Ўтирсанг бўларсан ўпоқ,  
Турсанг бўларсан сўп-сўпоқ,  
Кунлар қайда апоқ-чапоқ,  
Овора бўлган, эй умрим.

Одам билан бўлмай ишинг,  
Даҳан қуриб, тушар тишинг,  
Тиззангдан тўкилиб кучинг,  
Қизиқ даврон — ўтган умрим.

Шоир ҳам билганин ёзар,  
Ҳақ кимларга солса назар,  
Шунинг иши бўлар бозор,  
Бозорин тугатган умрим.

Дардларим кўп кўкайкесар,  
Ўтган даврон эсга тушар,  
Йигирма беш — тўлиб-тошар —  
Энди сенга йўқдир умрим.

Карвон кўчар, дунё ўтар,  
Банда нечук илож этар?  
Қилич судраб ажал етар,  
Кўрдинг ё кўрмадинг, умрим.

Бахт ё ажал етса дедим,  
Зулм чироғи ўчса дедим,  
Шунча нолиб қайғу едим,  
Ўтди армон билан умрим.

Ҳаққа нолиш этгин энди,  
Армон билан кетгин энди,  
Айтар сўзинг битгин энди,  
Ўтдинг дунёдан, эй умрим!

Келиб-кетмади сўз айтдим,  
Ёки билмайман, терс қайтдим.  
Пирга дохил бошим чатдим,  
Ўтди қафас ичра умрим.

Бердимурод — ҳақнинг қули,  
Саҳрода ўсган булбули,  
Ёзилди бул йилқи йили,  
Хуш бўл, эй армоний умрим!

## КЕЛИН

Қошинг қора, белинг нозик,  
Ўнг қўлингда тилла узук,  
Файратингни бугун кўрдик,  
Таъзим қилиб турган келин.

Сочинг — аждар, юзинг — оппоқ,  
Кундуз киприк, юпқа дудоқ,  
Писта бурун, лабинг қаймоқ,  
Қомати келишган келин.

Ярқирайди юзинг ойдай,  
Сени туққан онанг қандай?  
Сўзинг ширин, тилинг болдай,  
Паризотдан аъло келин.

Қулоғингда олтин сирға,  
Юзингда зарра доғ йўғ-а,  
Ҳузурингда зўрға-зўрға,  
Келиб, мана, турдим, келин.

Кўлга ўрнак қилган ишинг,  
Ялтирайди инжу тишинг,  
Юртдан зиёд ақлу эсинг,  
Хафаланиб турган, келин.

Ортиқ сенинг ақлу ўйинг,  
Толчивиқдай толма бўйинг,  
“Қорма-ёрма” бўлиб тўйинг,  
Армон билан турган келин.

Қайноғанга бошинг эгиб,  
Қайғуланиб, қовоқ уюб,  
Армон билан ичинг куйиб,  
Ҳайрон бўлиб турган келин.

Ўнгирингда тақиб танга,  
Кўнглингда бор ғамдан занг-а,  
Қайнингларга бўлиб янга,  
Ёт элларда юрган келин.

Куни-туни азоб чекиб,  
Кўзларингдан ёшни тўкиб,  
Қовургангни қайғу сўкиб,  
Фамлар билан юрган келин.

Баҳонг ортиқ — эллик тувар<sup>1</sup>,  
Олган отанг нима қилар?  
Бурунгининг йўлин қувар,  
Бахтинг шундай бўлган, келин.

Очилмай, иқболинг сўнгач,  
Кўркингта мос келмади ҳеч,  
Икки ёнда икки бекач  
Сийна-сонли турган, келин.

Хорлик-азоб кўрган кунинг,  
Йиғи билан ўтар тунинг,  
Эркин яйраб чиқмай унинг,  
Хафа бўлиб турган келин.

Эшитилди зоринг менга,  
Қайғудаман мен ҳам шунга,  
Не айтайин энди сенга,  
Умринг шундай ўтса, келин?

Кўп эзилиб, бўлма хафа,  
Қия чўлда чекма жафо.  
Сўраб келса сингил-опа,  
Не жавоблар дерсан, келин?!

Қайишиб тутам белларинг,  
Тугилиб ширин тилларинг,  
Жовдираб жоду кўзларинг,  
Тутқин бўлиб турган келин.

Шу ёшингдан қилиб талаб,  
Беҳудага юрма йиғлаб,  
Тилагим шу: бахтингни топ,  
Хафа бўлиб юрган келин.

<sup>1</sup> Тувар — тугадиган мол (қалинга бериладиган урғочи мол).

## БИЛМАДИМ

Бул дунё торми ё кенгми?  
Ўйлаб маънисин билмадим.  
Қув умрлар менга тенгми?  
Нелар бўлишин билмадим.

Айрилдим ёлғизим ёрдан,  
Жуфтсиз қолган мен кўчқорман,  
Ошолмай қолдим асқардан,  
Нелар бўлишин билмадим.

Ортимда оға-иним йўқ,  
Юрагимда ёнар бир чўқ,  
Ўтар бошимдан дунё — боқ,  
Нелар бўлишин билмадим.

Ўтар бўлди оз давроним,  
Чиқар бўлди чивин жоним,  
Қайнар бўлди қизил қоним,  
Нелар бўлишин билмадим.

Изимда бола қолмади,  
Кўзим қиззиққа тўймади,  
Қайғу-хафам ювилмади,  
Нелар бўлишин билмадим.

Ёшлай айрилдим онадан,  
Етим қолдим ҳам отадан,  
Айрилиб пушту панодан,  
Нелар бўлишин билмадим.

Устимда кулбам — илашиқ<sup>1</sup>,  
Атрофининг бари очиқ,  
Дунё бўлди мендан қочиқ,  
Нелар бўлишин билмадим.

<sup>1</sup> Илашиқ — чўп, қамишдан қурилган муваққат уй.

Юзим сарғайди хафадан,  
Ўтди ҳаётим жафодан,  
Қандоқ янглишдим тавбадан,  
Ёзиқларини билмадим.

Оға беклар, қулоқ солинг,  
Мендай бўлмасин ҳеч ҳолинг,  
Ўлақолсам, эсга олинг,  
Нелар бўлишин билмадим.

### ДАВРОН

Келгандан сўнг анча ёшга,  
Кўп касаллик тушар бошга,  
Гунгуртланиб кўзим ёшга,  
Бул бошимдан ўтди даврон.

Йигирма беш, ўтди ёшим,  
Камайди қурби-қурдошим,  
Қайғуда бўлди бул бошим,  
Армон билан ўтди даврон.

Бой бўлмадим йиғнаб молни,  
Бий бўлмадим бийлаб элни,  
Бари мендан нари қолди,  
Кераги йўқ бундай даврон.

Мени солиб ёнган ўтга,  
Кўнглимни тўлдириб дардга,  
Кам-кам бизни ташлаб ортга,  
Шундай биздан ўтди даврон.

Луқма-ютум қийин жуда,  
Мол бўлмади тўда-тўда,  
Қани бизга илтифот-а?  
Кўп оввора қилдинг, даврон!

Бойга бординг — бахт бўлдинг сен,  
Сира синмас тахт бўлдинг сен,  
Жўнин топдинг терс йўлнинг сен,  
Ҳар кимларга кетдинг, даврон.

Ночорларга ёндошмайсан,  
Юкларини қўллашмайсан,  
Оқил кўрсанг ўйлашмайсан,  
Нодонларга кетдинг, даврон.

Остадаги буроғим — эшак,  
Тўшанмоққа ҳам йўқ тўшак,  
Моли йўқни қилдинг мазах,  
Бизни кулги этдинг, даврон.

Ота-онамга келмадинг,  
Бизга мол-давлат бермадинг,  
Ёнимга келиб турмадинг,  
Бизни четлаб ўтдинг, даврон.

Сен тўйган бўлсанг, мен ҳам тўқ,  
Бошимдан ўтдинг, дунё — ...  
Менга сенинг керагинг йўқ,  
Қочсанг, йўлинг бўлсин, дунё!

### ЎЙЛАНМА

Йўлингдан қайтиб ортингга,  
Солиб кўп ишни ёдингга,  
Қорани тутиб олдингга,  
Қариндошим<sup>1</sup>, ҳеч ўйланма.

Ишонма оға-янганга,  
Кувонма таққан танганга,  
Сирингни айтма кўрганга,  
Суймасинг учун ўйланма.

Хафа бўлма, тенгинг изла,  
Хор бўлмасдай ерни кўзла,  
Ёмон айтма, яхши сўзла,  
Ҳақ ишга асло ўйланма.

---

<sup>1</sup>Қариндош — синглим деган маънода.

Моли кўп деб кетма унга,  
Азоб берар аҳмоқ сенга,  
Хушторим деб дил берганга  
Бориб қўшил, ҳеч ўйланма.

Келиб турибди севганинг,  
Аввалда кўнгил берганинг,  
Кўзинг очиб илк кўрганинг,  
Шул бахтинг учун ўйланма.

Йиғлаб юрмай кунда-кунда,  
Мин ортига бугун тунда,  
Шуни ўйлаяпман мунда,  
Кетар бўлсанг, ҳеч ўйланма.

Қарама берган молига,  
Қарамас ул ҳол-жойинга,  
Лойиқмикин ҳеч бўйинга,  
Севгилинга кет, ўйланма.

Узангини мен ушлайин,  
Душман юрагин қисайин,  
Севган ёринга қўшайин,  
Кел, қариндош, ҳеч ўйланма.

Кўлингни бер, буёққа юр,  
Ҳаёлга олма ёт фикр,  
Икковинг узоқ умр сур,  
Мин ортига, ҳеч ўйланма.

## СОЛИҚ

Бултургидан бу йил ёмон,  
Қалай-қалай бўлди замон,  
Ғариб-ночор қолмай омон,  
Ўн тилладан келди солиқ.

Буни солди Нурибатжон,  
Буюрди деб оталиқ, хон,  
Халқ тўзғисин деб неча сон,  
Ўн тилладан келди солиқ.



Менга ҳеч гап, эшагим бор,  
Сотиб берарман бир бозор,  
Аттанг, камбағал Эрназар,  
Унга қийин бўлди солиқ.

Ул фақирнинг нарсаси йўқ,  
Яна, эмас қорни ҳам тўқ,  
Ҳалолга йўқ битта товук,  
Алвиратди<sup>1</sup> уни солиқ.

Уйинда бор етим боллар,  
Қозонга тушгандай жонлар,  
Кўздан оқиб қора қонлар,  
Унга қийин бўлди солиқ.

Муҳр ушлаган Баҳоваддин,  
Бизларда йўқ қора тийин,  
Оч-фақирга бўлди қийин,  
Жуда оғир бўлди солиқ.

Анов юрган Полим лаққи,  
Худди элда бордай ҳаққи,  
Берар эдим унга дакки,  
Ҳол-дармонни қуритди солиқ.

Анов юргани Элмурод,  
Остинда ёмон ола от,  
Унга тантана, мукофот! —  
Одам хуни бўлди солиқ.

Анов бўлис муртин товлаб,  
Одамларни овдай овлаб,  
Доимо оч халқни ёвлаб,  
Дармонларни сўрди солиқ.

Ана, ётар Қулимбетбой,  
Тайёр олдида ошпоқ мой,  
Халқ оч юрар тополмай жой,  
Тухмат бўлди ушбу солиқ.

---

<sup>1</sup>Алвиратди — гангитди.

Ундиради оч халқдан,  
Етимлар йиғлар хорлиқдан,  
Бой омон қолди солиқдан,  
Туҳмат тўлов бўлди солиқ.

Оқ белбоғли улкан ўтов,  
Ўз олдига бўлди атов<sup>1</sup>,  
Эрмон охун турар анов,  
Унга ҳам йўқдир бу солиқ.

Анов юрган Пирим чўлоқ,  
Ўзин урар уёқ-буёқ,  
Солиқ деса — тайёр таёқ,  
Бизлар учун қийин солиқ.

Вақтим ўтди қайғу билан,  
Ёшим тўхтамас кўзимдан,  
Сабабин билсангиз мендан,  
Туҳмат тўлов бўлди солиқ.

## БУ ЙИЛ

Мироблар олди тиллани,  
Айтди “Иллою-билло...”ни,  
Қазмай ариқ ва солмани,  
Сув етишмай қолди бу йил.

Сув чиқмади кўк чиққанда,  
Қушлар сайраб чақирганда,  
Коризга чиғир қурганда,  
Сув тортилиб қолди бу йил.

Юз<sup>2</sup> ўтганда экин экдик,  
Қовун экиб палаклатдик,  
Охири иттуйнак едик,  
Ёмонликка тушди бу йил.

<sup>1</sup> Атов — орол. Бу ерда ҳамманинг иши тушиб турган жой, маъносида.

<sup>2</sup> Юз — Наврўздан кейинги юз кун.

Сув бормади отизларга,  
Аспак<sup>1</sup> бўлди кучи борга,  
Оқсоқ мироб — қора қарга,  
Бийлар билан юрди бу йил.

Ерларимиз бўлди оёқ,  
Сувни очсак — едик таёқ,  
Мироб бўлиб барча саёқ,  
Баридан бўш қолдик бу йил.

Яқин кишим бўлгани йўқ,  
Экинларни урди совуқ,  
Басалай<sup>2</sup> ичиб ачиди қовуқ,  
Ёмон очлик бўлди бу йил.

Басалайни боса тортиб,  
Буламиққа уруғ қотиб,  
Ютум учун кийим сотиб,  
Қип-яланғоч қолдик бу йил.

Очдан ўлди неча одам,  
Совуққа ҳам бермай чидам,  
Очлик олди кетмай мудом,  
Шундай қилиб ўтди бу йил.

Қуён йили яқинлади,  
Йилқи йилида халқ чувлади,  
Қўрқиб юрагим шувлади,  
Шундай қийин бўлди бу йил.

Чигиртка еди арпани,  
Қолди тўкилиб сомони,  
Айириб келиб қўпани<sup>3</sup>,  
Қобон ҳам ёв бўлди бу йил.

Кулган каби ушбу ҳолга,  
Кўп одамни солиб йўлга,  
Қазувга ҳайдади чўлга,  
Сургунчилик бўлди бу йил.

<sup>1</sup> Аспак — сув навбати.

<sup>2</sup> Басалай — оби ёвгон.

<sup>3</sup> Қўпа — қўлларда ўсадиған ўсимлик /қўға/нинг илдизи.

Бордик қазувга озиқсиз,  
Едик таёқни ёзиқсиз,  
Боғловда турдик қозиқсиз,  
Қазув оғир бўлди бу йил.

Лойни ташиди чаққони,  
Тугади кимнингдир талқони,  
Тегди миробнинг боқони<sup>1</sup>,  
Қазув оғир бўлди бу йил.

Юрганлар кўп ялангоёқ,  
Энди ҳоллар қандай бўлмоқ,  
Мироб унғаям урди таёқ,  
Ёмон ишлар бўлди бу йил.

Шундай қилиб, ишнинг жўни,  
Кўзғалмади, чиқмай уни,  
Қолди кимнинг фақат кўни<sup>2</sup>,  
Ўлганлар кўп бўлди бу йил.

## БЎЛМАДИ

Узоқ йўлга сафар юриб,  
Йўлда дармоним қолмади,  
Дунёнинг меҳнатин кўриб,  
Танда мадорим қолмади.

Дунё роҳатин кўрмадим,  
Шод бўлиб кулиб юрмадим,  
Ҳаз этиб даврон сурмадим,  
Менга мадаккор бўлмади.

<sup>1</sup> Боқон — бу ерда, катта таёқ маъносига.

<sup>2</sup> Кўн — тери. Шоир бу сатрида қазувга чиққанларнинг озиб-тўзиб, фақат суяк-терисигина қолганини айтмоқчи. Манави мақол билан солиштирият: “Ўразанинг ўни қолди, кампирларнинг кўни қолди”. (Таржимон изоҳи.)

Хазон уриб, гуллар сўлиб,  
Турли-туман замон бўлиб,  
Фариб-ночор кўнгли қолиб,  
Бийда шафоат бўлмади.

Яхшилар ёмонни гаплар,  
Ёмонлар бир сўзни кеклар,  
Шаҳзодалар, беку беклар,  
Адолатли иш қилмади.

Подшоҳ бўлса адолатли,  
Ҳамда хайру саховатли,  
Ҳотам Тойи каби мардлик  
Бойваччаларда бўлмади.

Кўнглимнинг кўп муддаоси,  
Борми дунёнинг вафоси,  
Барчаси одам боласи,  
Хулқ-атвори бир бўлмади.

Эй ёронлар, қилманг зино,  
Зинодир энг улкан гуно,  
Каъбанг сенинг ота-она,  
Ундан улуғ зот бўлмади.

Юрак-бағрини доғласа,  
Ўзи учун бел боғласа,  
Камбағал ночор йиғласа,  
Бойдан шафоат бўлмади.

Йил-йилдан замон торилди<sup>1</sup>,  
Зардобидан ер ёрилди,  
Бул азобдан ким ёзилди,  
Ҳеч бир поёни бўлмади.

Сўзим менинг маълум кўпга,  
Ўқиган чиқармас чапга,  
Тушунмаса ушбу гапга,  
Шул воқеа оз бўлмади.

---

<sup>1</sup> Торилди — тор бўлди.

Кам-торликнинг камоли йўқ,  
Мен шўрликнинг амали йўқ,  
Жўшиб айтар замони йўқ,  
Яйраб-яшнар кун бўлмади.

### **БЎЛДИМИ АЙТГАНИМ МЕНИНГ?**

Бул дунёга келдим, аммо  
Бўлдими айтганим менинг?  
Эс-хушимни йиққан асно  
Борми кўрмаганим менинг?

Қалам олиб хатлар ёздим,  
Қайғу билан озиб-тўздим,  
Юздан ўтиб, мингдан ўздим,  
Не даркор билганим менинг?

Бир камина толибул илм,  
Ўзимда йўқ ошган билим,  
Тангрим берган қизил тилим,  
Тўкар кўнглимдагин менинг.

Фариб кўрар юз минг озор,  
Бердимурод дардин ёзар,  
Сўз билмаслар солмас назар,  
Сўзларимни тинглаб менинг.

Золим жабридан садпора,  
Фамли кўнглим чекар нола,  
Ҳақнинг амрига не чора,  
Титрар устихоним менинг.

Маъракада ўпоқ бўлдим,  
Тўрга сиғмас сўпоқ бўлдим,  
Кўлга борсам кўпоқ бўлдим,  
Овим мойланмади менинг.

Тингланг, юртларим, найлайн?  
Тилимни тортиб сўйлайн,  
Бул замонга мен не дейин?  
Бўлмайдир айтганим менинг.

Мен Оллоҳга дод этарман,  
Комил пирни ёд этарман,  
Ўтрик сўз айтиб нетарман,  
Кўнглим тўла армон менинг.

Яхшининг гули сўлмасин,  
Қазо етмасин, ўлмасин.  
Фарибга жабр келмасин,  
Ўлгунча ниятим менинг.

Ҳақ йўлинда белим боғлаб,  
Қора бағрим дардда доғлаб,  
Юрмадим беш кун чарақлаб,  
Битмади меҳнатим менинг.

### ОҚИБАТ

Замон нечук замон бўлди,  
Охири бўлгай оқибат.  
Кўнгилларга қайғу тўлди,  
Қайғу тарқагай оқибат.

Хизмат этсанг, халқ учун эт,  
Зинҳор номардга бурма бет,  
Ёмондан қоч, овлоққа кет,  
Қораси юқар, оқибат.

Ёмонларга хизмат этсанг,  
Дўстлик меҳрини кўрсатсанг,  
Ишни кейинга судратсанг,  
Иш вайрон бўлар оқибат.

Яхшига қилсанг хизматни,  
У ҳам кўрсатар иззатни,  
Ишинг топиб баракатни,  
Шунда келишар оқибат.

Аё дўстлар, тордир замон,  
Бошдаги бул кунлар ёмон,  
Тош, дўл, қиров, қора туман ...  
Охири бўлгай оқибат.

Бошдан кўп савдо кечирдим,  
Қўлимдан шунқор учирдим,  
Фафлатда карвон кўчирдим,  
Бўларми энди оқибат?

Бердимурод, сўфи бўлдинг,  
Сен кимларга ўхшаб олдинг,  
Мудом элга насиб қувдинг,  
Насиб бўлмади оқибат.

### ЭКАН

Йигитлик деган нор экан,  
Қарилик деган жар экан,  
Ёшинг етиб қартайганда,  
Кенг дунё сенга тор экан.

Билгир сўзи васиятдир,  
Яхшилардан шарофатдир,  
Қари сўзи насиҳатдир,  
Билмаганлар нодон экан.

Билганларни тингламаган,  
Гап маънисин англамаган,  
Каттадан ибрат олмаган,  
Ақлсизлик ёмон экан.

Салом бермай қариларга,  
Озор бериб фақирларга,  
Олайиб қараш аларга —  
Беинсофлик томон экан.

Дунёси беҳисоб эрди,  
Етти туркум йилқи терди,  
Қорун дунёда не кўрди? —  
Дунё сўнги вайрон экан.

Бул дунёга кўнгил берган,  
Ўлмайман деб гофил юрган,  
Етти иқлимда ҳукм сурган  
Искандар не бўлган экан?



Ночорнинг кўрар куни йўқ,  
Устига кияр тўни йўқ,  
Булбулнинг кўнар гули йўқ,  
Жангалзорга қўнган экан.

Хароб бўлган экан куним,  
Сўзлай олмай ўчди уним,  
Ночорга бўлмай бир тиним,  
Овқат учун йўртган экан.

Югуриб-йўртиб томоқ топмай,  
Томоқ топса, устин ёпмай,  
Қуңдуз юриб, кеча ётмай,  
Тақдир шундоқ бўлган экан.

Ҳеч ким назар солмас бизга,  
Халқим буни айтай сизга,  
Бул сўзни қолдирдим изга,  
Кўп сўз зое кетган экан.

Гар ўнгласа ишни худо,  
Мақсад этсанг — бўлгай мурод,  
Ушбу ерда Бердимурод  
Сўзин тамом қилган экан.

## АЙРИЛИҚ

Бағримни зор-гирён этди,  
Золим айрилиқ-айрилиқ.  
Менинг кўнглим вайрон этди,  
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Айрилиқнинг жабри ўтди,  
Йиғлай-йиғлай эсим кетди,  
Дунё вафосизлик этди,  
Келди айрилиқ-айрилиқ.

Айрилиқнинг жабри ёмон,  
Бошга солар охирзамон,  
Бор эди Баҳром-Гуландом,  
Дардга солди шум айрилиқ.

Айрилиқ бул тубсиз уммон,  
Гирдоблари кўймас омон,  
Ёрдан ёрни жудо қилган  
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Қайғу-дардим адо бўлмас,  
Дилдан янгроқ садо бўлмас,  
Энди булбуллар сайрамас,  
Қоранг ўчгур шум айрилиқ.

### БИР ЙИГИТГА

Ўзин абжир билган йигит,  
Қаттиқ кетиб борасан сен.  
Биздан сизга панду ўтит,  
Зеҳн солиб қарасанг сен:

От чопганда бой ўғлисан,  
Тўхтаганда, бир пулликсан,  
Ўзингча Хива хонисан,  
Фуқаронгмиз, сўрасанг сен.

Ботир йигит элга боқар,  
Қашқалдоққуш қўлга боқар,  
Хотинлардай йўлга боқар,  
Сендай йигит, қарасам мен.

Иним, бунча қаттиқ қочма,  
Нор буғродай кўпик сочма,  
Ошга бурнинг тегар, шошма,  
Кўп уятга қоласан сен.

Пулим кўп деб солма сен жар,  
Қувма, дунё тутқазмас бар,  
Отадан олтов бўлсанг ҳам гар,  
Ватан-чун бир донасан сен.

Бердақ айтар раҳми келиб,  
Юришингдан ваҳми келиб,  
Мени эшит, ақлинг кириб,  
Иним, ҳали боласан сен.

## ОЛТИ ҚИЗ

Олти қиз миниб арвага,  
Озиқ солибди тўрвага,  
Бормоққа ҳайту маърака  
Қизлар талаб қилган экан.

Энг каттаси — менинг дойим<sup>1</sup>,  
Исмин сўрсанг Бибиойим,  
Сардор янгаси Гулойим,  
Бул ҳам арвага минган экан.

Иккинчи бир қиз Моҳийда,  
Оқ юзи ойдан зиёда,  
Йўл юрмаймиз деб пиёда,  
Отарава минган экан.

Учинчи бир қиз Арухон,  
Кўрганларнинг меҳри қонган,  
Унинг янгаси Гулимхон,  
Бул ҳам арвага минган экан.

Номлари чиққан ҳар қачон,  
Қорақалпоқ — аслин сўрсанг,  
Бешинчи бир қиз Равшан,  
Ул ҳам арвага минган экан.

Ундан кейинги утирган,  
Паридан зиёд Меҳрихон,  
Кўшимбат тоз — арва ҳайдаган,  
Бариси жам бўлган экан.

Арва айдаган Кўшимбат тоз,  
Тентакликда ақли ҳам оз,  
Қаҳратон совуқ бўлиб ёз,  
Қизлар билан кетган экан.

<sup>1</sup>Дойи — тоға. Бу ерда, тоға томондан қариндош қиз кўзда тутилмоқда.

Қисилишиб ҳаммалари,  
Қизларнинг тегиб ...  
Жалатой тознинг таъмалари  
Шул қизлардан бўлган экан.

Ёмон арва бориб-қайтиб,  
Қизларни бежо кўзгатиб,  
Жалатой тоз кўшиқ айтиб,  
Йўлсиз юриб кетган экан.

Тознинг маълум феъли-хулқи,  
Дардни кўзғар неча йилги,  
Шундаги айтган кўшиғи  
Халқ оғзида қолган экан:

“ — Менинг ўзим эрка бўлсам,  
Қиз ёпинган кўрпа бўлсам,  
Кўрпадаги бурга бўлсам,  
Оқ сийнангда турмасмидим?!

Менинг ўзим жилға бўлсам,  
Ё сув тегмас йўрға бўлсам,  
Қизлар солган сирға бўлсам,  
Қулоғингда турмасмидим?

Менинг ўзим кийик бўлсам,  
Ҳамма тоғдан бийик бўлсам,  
Қиз ийирган ийик<sup>1</sup> бўлсам,  
Қўлгинангда турмасмидим?!

Менинг ўзим улоқ бўлсам,  
Тоғдан оққан булоқ бўлсам,  
Қизлар кийган тумоқ бўлсам,  
Бошгинангда турмасмидим?

Менинг ўзим ошиқ бўлсам,  
Ичим тўла кўшиқ бўлсам,  
Қизлар тутган қошиқ бўлсам,  
Лабгинангда турмасмидим?!

<sup>1</sup> Ийик — тўхув асбоби, урчуқ.

Менинг ўзим подшоҳ бўлсам,  
Фуқарога жар солдирсам,  
Қошимга қирқ қиз олдирсам,  
Хива хондай бўлмасмидим?

Улар ҳам қонса ўйинима,  
Қўлларин солса бўйнима,  
Қирқ қизни олиб қўйнима,  
Қучиб-суйиб ётмасмидим?!”

Қизларнинг олиб мазасин,  
Жалатой тоз тикиб бошин,  
Тўғри ҳайдамай аравасин,  
Йўлсиз юриб кетган экан.

Қамчини уриб ёбига,  
Тегиб филдираги таққа,  
Уч қулоч эски қудуққа,  
Арава тушиб кетган экан.

Бул қудуқ жуда тор экан,  
Икки томони жар экан.  
Ичида пари бор экан,  
Ақл-хушларни олган экан.

Қудуқ белидан бўлиниб,  
Тушган кесак бошин бўлиб,  
Армон билан қизлар ўлиб,  
Шул қудуқда қолган экан.

Кимларнинг кетиб есири,  
Йигитчиликнинг асари,  
Жалатой тознинг касири  
Шул қизларга теккан экан.

## БИЛГАЙСАН

Биров билан йўлдош бўлсанг,  
Асли зотин билгайсан.  
Сафар чекиб, ҳамдам бўлсанг,  
Сирри ҳолин билгайсан.

Ҳақ йўлинда сабр этиб,  
Юрма дўстга жабр этиб,  
Талабингга ихлос этиб,  
Бўлажагин билгайсан.

Аёл олсанг, яхшини ол,  
Кўп тинглаб сўзга қулоқ сол,  
Куркин олма, хулқини ол,  
Аввалдан синаб кўргайсан.

Асли корим — қора менинг,  
Юрак-бағрим пора менинг,  
Кўнглим тўла яра менинг,  
Бул гапнинг фарқин билгайсан.

Бер деганда, дўстингга бер,  
Қилма юзингни қора ер,  
Асло кеккайиб бўлма шер,  
Насиҳатимни илгайсан.

Йигит қаноти от бўлар,  
От — минганга қувват бўлар,  
Ўлгунча вақтинг шод бўлар,  
Аларнинг фарқин билгайсан.

Оға беклар, ёшим ўрта,  
Айтганим йўқ сўзни жўртга,  
Инсоф томонин унутма,  
Бул сўзнинг фарқин билгайсан.

## НОДОН БЎЛМА

Жўн-жўсоқларни сўрамай,  
Инсонийликка ярамай,  
Олди-ортингга қарамай,  
Латтафаҳм нодон бўлма.

Чопонни солиб эгнингга,  
Тушиб бояги феълингга,  
Қўш эргаштирмай кейнингга,  
Сен бошқадай нодон бўлма.

Бошқалари ташлаб кетган  
Ўнбошилиқ сенга етган,  
Бўлис сени мироб этган,  
Шунга ишониб нодон бўлма.

Сенинг отанг Қулим ёмон,  
Унга ўхшайсан бегумон,  
Сендайларга эмас замон,  
Ёмонни кўриб, ёмон бўлма.

Отанг сенинг миробмиди?  
Шундай амал сўрабмиди?  
Элдан солиқ йиғнабмиди?  
Яхшига юр, ёмон бўлма.

Сенинг тенгинг эмас амал,  
Қўлингга ол каттакон бел,  
Отизга бор, меҳнатни бил,  
Ақлимни ол, нодон бўлма.

Белинг боғла, маслаҳат шу,  
Ёрмангни ич, ич қайноқ сув,  
Шуйтиб оталар йўлин қув,  
Нодон бўлма, нодон бўлма.

Маслаҳатим олсанг, иним,  
Бошингда гар бўлса билим,  
Шудир айтиб бўлган ерим,  
Ҳолингни бил, нодон бўлма!

## ҚАРАМАС

Ёмон бўлса қариндошинг,  
Куйиб-пишиб чиқар жонинг,  
Гул юзингдан қочар қонинг,  
Улсанг ҳамки, у қарамас.

Моли бўлса неча тулик<sup>1</sup>,  
Яёв қолсанг, бермас кўлик,  
Очиқ уйин қулфлайди берк,  
Кўздан қолсанг ҳам қарамас.

Соғишга соғин бўлмаса,  
Қопинг галлага тўлмаса,  
Барчаси таъйин турмаса,  
Ёмон қариндош қарамас.

Бошингда бўлмаса бахтинг,  
Айта-айта толар жағинг,  
Тансоғликдир — олтин тахтинг,  
Қийшайсанг<sup>2</sup>, ҳеч ким қарамас.

Молинг бўлмаса кўлингда,  
Ётар душманинг йўлингда,  
Дўстинг бўлса ҳам ёнингда,  
Ҳол-аҳволингни сўрамас.

Ҳол-дармонинг кетса бўйдан,  
Чиқолмассан теран ўйдан,  
Қолиб қўйсанг йиғин-тўйдан,  
Оти борлар ҳеч қарамас.

Етмаса тўнинг тиззангга,  
Номус қилиб ўз-ўзингга,  
Тўни янгининг изига  
Эргашсанг, йигит қарамас.

<sup>1</sup> Тулик — халқда асосан “4 тулик мол” ибораси ишлатилади, тўрт тулик мол, булар: от (йилқи), қорамол (хўкиз, сигир), қўй-эчки ва туя (таржимон изоҳи).

<sup>2</sup> Қийшайсанг — касалланиб, ётиб қолсанг демоқчи.



Моли борнинг дўстлари кўп,  
Молсиз юрар ваҳима еб,  
Дунё сени кетар алдаб,  
Кетган давлат ҳеч қарамас.

### КЕТГАН КЕЛАРМИ?

Қўлларингга қўбиз олиб,  
Бўйнингга ҳам пўта<sup>1</sup> солиб,  
Йиғласанг дод-войлар қилиб,  
Кетганлар қайтиб келарми?

Бошингни тошга урсанг ҳам,  
Сингунча бўйнинг бурсанг ҳам,  
Зор йиғлаб йўлда турсанг ҳам,  
Кетганлар қайтиб келарми?

Қуш бўлиб қанот қоқсанг ҳам,  
Сув бўлиб тошиб оқсанг ҳам,  
Гавҳардан чироқ ёқсанг ҳам  
Кетганлар қайтиб келарми?

Ақлли, доно бўлсанг ҳам,  
Дунёнинг юзин олсанг ҳам,  
Қизил гул каби сўлсанг ҳам,  
Ўйлан, кетганлар келарми?

Атоқ-обрўйли бўлсанг ҳам,  
Жамшид давлатин йиғсанг ҳам,  
Оғзинг билан қуш олсанг ҳам,  
Бир кетган қайтиб келарми?

Қора ерларни тепсанг ҳам,  
Гўрни кучоқлаб ўпсанг ҳам,  
Шишиб семириб кетсанг ҳам,  
Ўйлан, кетганлар келарми?

<sup>1</sup> Пўта — рўмол, ёпинчик.

Дунё-молингни сочсанг ҳам,  
Хазина оғзин очсанг ҳам,  
Қанотли куш бўлиб учсанг ҳам,  
Кетганлар қайтиб келарми?

Белингни маҳкам боғласанг,  
Манманлик қилиб чоғлансанг,  
Умрингча дунё қувласанг,  
Кетган дунёлар келарми?

Қошинга жарчи олсанг ҳам,  
Жаҳонга хабар солсанг ҳам,  
“Ҳақ!” деб қаландар бўлсанг ҳам,  
Кетган давронлар келарми?

Фалакнинг гардиши ёмон,  
Шоҳу гадо қолмас омон,  
Ҳеч ким яшолмас навқирон,  
Бандаси буни биларми?

Сўлдирмагин қизил юзинг,  
Қайтиб қўнмас учган бозинг,  
Ҳаққа шукур этмоқ лозим,  
Ўзи опкетса — келарми?

## ХҲЖАМ

Хўжам, шишарсан, озарсан,  
Ўз давлатингга етарсан,  
Эшак бичмоққа чеварсан,  
Эшак суннат этган Хўжам!

Бул Хўжамдай одам қайда?  
Шул ҳунардан топган фойда!  
Эшак бичиб Довулбойда,  
Эшак суннат этган Хўжам.

Довулбойга чиғир тикдинг,  
Чиғирингни миннат этдинг,  
Етти эшакни суннат этдинг,  
Эшак суннат этган Хўжам.

Хўжам эшакни сийлади,  
Қулоқ-қуйруқни йиғнади,  
Қозоқи қопга сиғмади,  
Эшак суннат этган Хўжам.

Бул Хўжамнинг ками борми?  
Эшак курса, жини борми?  
Қорақалпоқсиз куни борми?  
Эшак суннат этган Хўжам.

Хазинаси тўлдимикан?  
Қизил гули сўлдимикан?  
Эшак ҳалол бўлдимикан,  
Эшак суннат этган Хўжам.

Давкампирга экдинг тари,  
Яримчига бердинг яри<sup>1</sup>,  
Ҳар қулоғи ўн ағари<sup>2</sup>,  
Эшак суннат этган Хўжам.

Хўжа деган сойил бўлар,  
Не берсанг ҳам қойил бўлар,  
Чин хўжа соддадил бўлар,  
Одобсизлик этган Хўжам.

Этмай азалда буйруғин,  
Ёздирдингизми жийриғин?  
Эшакнинг кесиб қуйруғин,  
Ажойиб иш қилган Хўжам.

Эшакка ҳавас этдингми?  
Мазали экан деддингми?  
Кесган қуйруқни едингми?  
Эшак суннат этган Хўжам.

Бул Хўжага борми амал?  
Эшакларга бериб завол,  
Қулоқ кескан Саидкамол,  
Эшак суннат этган Хўжам.

<sup>1</sup> Бу ерда, ҳосилнинг ярми маъносида.

<sup>2</sup> Ағари — ўлчов бирлиги, тахминан 67 грамм, еки қадоқнинг олтидан бири.

Этган ишингни пайқадими?  
Эшак тўлингни чайқадими?  
Хуморингиз тарқадими?  
Эшак суннат этган Хўжам.

Эшаклар қолди майрилиб,  
Қуйруқ, кулоқдан айрилиб,  
Бердақ Буроқдан айрилиб,  
Заҳмат чекиб қайтган, Хўжам.

### ҚУШ

Кел, Омонбой, сўрашайлик,  
Не ов қушдир юборганинг?  
Оқу қизил, сариқ ипак  
Оёқ бовига ўрганинг.

Бийнинг ўрни бўлар тўрдан,  
Обрўй топарсан бул кордан,  
Қушни тутган халфалардан<sup>1</sup>,  
Кўп экан сенинг кўрганинг.

Қушинг еми тўят<sup>2</sup> бўлди,  
Қилган ишинг уят бўлди,  
Қобилжондан зиёд бўлди  
Қуш ишини юргизганинг.

Бул оқ қушнинг армони кўп,  
Ҳазм этмади ов овлаб еб,  
Қушнинг ичин сураман деб,  
Оталиққа сўз бергандинг.

Билмадинг қадрини пулнинг,  
Оқ қушнинг қанотини юлдинг,  
Оталиққа яхши қилдинг,  
Қадрдонинг — кўз кўрганинг.

<sup>1</sup> Халфа — бу ерда, қуш ўргатувчи.

<sup>2</sup> Тўят — қушнинг бир тўйгулик еми.

Лочин каби кўкка учди,  
Шунқор экан етти пушти,  
Ичи қизди, сувга тушди,  
Қушга яхши туз берганинг.

Туб бобонгиз Нағадайдир,  
Ёд айланглар бир худойни,  
Яширинглар Омонбойни,  
Хон обкетар кўз кўрганин.

### УФИК МАҲРАМ

Уфик маҳрам, сокин юргин,  
Йўлинг ёвуқми, йироқми?  
Минибсан йилдирим янглиғ,  
Минганинг отми, буроқми?

Бул эшакнинг манглайи шўр,  
Ўтга тўймас, ўта емхур,  
Бўйни кичик, хизмати зўр,  
Оқ хачирдан каттароқми?

Бошига санчайин жиға,  
Ҳаққиға қилайин дуо,  
.....  
Ортганинг ойна-тароқми?

Бул эшакнинг совруни — қўй,  
Қай ерга борса — йиғин-тўй,  
Қамчи билан бажариб қўй,  
Сағриси жузли бароқми?

Ётмай-турмай қил талабни,  
Чанқасанг ичгин чалобни,  
Икки биқинин файзалабди<sup>1</sup>,  
Сал ғийтинги<sup>2</sup> қисқароқми?

<sup>1</sup> Файзаланмоқ — жуни тўкилиб, териси сидирилмоқ.

<sup>2</sup> Ғийтинги — ҳанграб, “ғийт-ғийт” овоз чиқармоқ.

Эшагингнинг томоғи тўқ,  
Қулоғи шалпанг, ёли йўқ,  
Қуйруғинда бир туки йўқ,  
Туғилган чоғдан чўлоқми?

Бул эшагинг қулун тойдир,  
Бердимурод бош чайқайди,  
“Иҳ!” дегандан қийшанглайди,  
Сал паланги<sup>1</sup> юпқароқми?

### ҚИЙНАЛМА

Кетгани йўқ отанг моли,  
Қийналма, Сойим, қийналма.  
Кетгани йўқ отинг ёли,  
Қийналма, Сойим, қийналма.

Отинг сенинг мулла Сойим,  
Хирмон пайти — ғаминг доим,  
Ушр, фитр бўлар таъйин,  
Кетган тўнинида қийналма.

Эртанг келар ушр, фитр,  
Насибанга қилгин шукр,  
Дунё келар солсанг зикр,  
Кетган тўнинида қийналма.

Йўқолибди ёлғиз тўнини,  
Шуни айтиб чиқди жонини,  
Эртанг ўрни тўлар унини,  
Кетган тўнинида қийналма.

Келар эртанг тери-терсак,  
.....  
Йўқолса истифода кесак,  
Шунга, муллака, қийналма.

<sup>1</sup> Паланг — эгар остидан тўналадиган кўрпача.

Истифода кесак йўқ бўлди,  
Излаб кўзларинг ўйилди,  
Қай манглайчага қўйилди,  
Эртанг топилар, қийналма.

Ўтирибсан ақлинг қочиб,  
Қара менга кўзинг очиб,  
Не сабаб, бунчалар шошиб?  
Ёлғиз тўнингга қийналма.

Юртдан оларсан худойи,  
Кўрар кунинг шулку доим,  
Маълумдир мулланинг жойи,  
Эски тўнингга қийналма.

### ОДИЛ ҚАЛМОҚ

Таъриф этсам, Одил қалмоқ,  
Айтиб ўтайин билганим.  
Васфинг айтиб, хатга солсак,  
Ҳам эшитиб, ҳам кўрганим.

Чорва кезар қўниш билан,  
Улфат бўлдинг бўлис билан.  
Ошно, ёр-дўст, билиш билан  
Ёлғондир ўйнаб-кулганинг.

Бобонг сенинг тоғдан ошган,  
Насибасин бунда сочган,  
Кўрганин хуржинга босган,  
Ўлжа қиздир момонг сенинг.

Ўлжа қиздир момонг ночор,  
Ундан туққан тубинг кулчор<sup>1</sup>,  
Кул тухуми кулга ўхшар,  
Дўстим, овсар бобонг сенинг.

<sup>1</sup> Кулчор — кулга ўхшаш, деган маънода

Ота-бобонг ўтган ери,  
Тўй-саранжом этган ери,  
Юртга хизмат қилган ери,  
Қозоқдарё — жойинг сенинг.

Сўқимингнинг бари семиз,  
Отдан — айғир, молдан — ҳўкиз,  
Ҳисоб қилсанг икки саккиз  
Боғлаб қўйган қўйинг сенинг.

Ойдўсбий дарёдай тошди,  
Уч оғоч қуриб, одам осди,  
Орзи қўшга одам қўшди,  
Шулар каби зулминг сенинг.

Юздан югрук, мингдан тулпор,  
Қуш яхшиси туйғун, шунқор,  
Қирқ одам бўлса, Хизр бор,  
Не билсин саҳройинг сенинг.

Тўйхонадан қазинг ўчоқ,  
Бурул<sup>1</sup> соқолинг бир кучоқ,  
Кўзинг ола, бурнинг мундоқ,  
Асли қулдир бобонг сенинг.

Тўйга одам кўп келади,  
Иzzат кўрай деб келади,  
Қулен бўлис ўпкалади,  
Келмадими чаманг сенинг?

Тўй бермоқдан не мақсадинг?  
Билсанг тўйингда оқсадинг!  
Чулчит қалмоққа ўхшадинг,  
Лоловлаган тилинг сенинг.

Қўшим қароқчи навкаринг,  
Кўп экан кеккайганларинг,  
Олтмиш ботмон чой-шакаринг,  
Етмиш қадоқ ёғинг сенинг.

---

<sup>1</sup> Бурул — оқ-кўкиш.



Қуданг — бұлис, сен — оқсоқол,  
Озайгандай жанажалли ҳол,  
Бул сўзларим эмас ғавол,<sup>1</sup>  
Тенглашибди бўйинг сенинг.

Аёлинг сенинг болғали,<sup>2</sup>  
Ўзинг оқсоқол бўлғали,  
Болғалидан қиз олғали,  
Шовуллайди сабанг<sup>3</sup> сенинг.

Сира сенинг тузинг камдир,  
Тузук бермадинг тўрангни<sup>4</sup>,  
Зорлатдинг Есет гарангни,  
Дилозорди бобонг сенинг.

Чулчут қалмоқ, пандим олсанг,  
Шу сўзларга қулоқ солсанг,  
Одам ердинг бұлис бўлсанг,  
Обрўй — оқсоқол бўлганинг.

Сен юрибсан элни кезиб,  
Ҳар кимга бир берган насиб,  
Фуқаролар сендан безиб,  
Обрўйинг ҳам кетди сенинг.

Бердаканг<sup>5</sup> айтар куйгандан,  
Асли зотингни билгандан,  
Бундай оқсоқол бўлгандан  
Яхшидир ўлганинг сенинг.

<sup>1</sup> Ғавол — дўк, ичи бўш.

<sup>2</sup> Болғали — қорақалпоқ уруғ номларидан бири.

<sup>3</sup> Саба — қимиз солинадиган мешдан катта идиш.

<sup>4</sup> Тўра — қонун, маслаҳат, йўл-йўриқ.

<sup>5</sup> “Бердимурод аканг” иборасининг қисқартириб айтилиши.

## КИМ АЙТАР?

Отадан ёмон туғилса,  
Уни яхши деб ким айтар?  
Ақлсиз ҳам нодон бўлса,  
Уни оқил деб ким айтар?

Одамни одам демаса,  
Инсоннинг қадрин билмаса,  
Йиғлаганларни кўрмаса,  
Уни одил деб ким айтар?

Халққа назарин солмаса,  
Адолат ҳукмин қилмаса,  
Ҳаммани тенг деб билмаса,  
Уни подшо деб ким айтар?

Ёвузнинг ишин кўрмаса,  
Кўриб дорига илмаса,  
Ҳаммани бирдай билмаса,  
Уни бошчи деб ким айтар?

Йиғлаганни юпатмаса,  
Қучоқларига тортмаса,  
Халқнинг тотганин тотмаса,  
Уни султон деб ким айтар?

Айтган арзлар битмаса,  
Доди подшога етмаса,  
Туғри довларни ечмаса,  
Уни тўра деб ким айтар?

Ҳақу ноҳақни билмаса,  
Нотўғри ҳукм ишласа,  
Дуруст қозилик қилмаса,  
Уни қози деб ким айтар?

Қора қилни қоқ ёрмаса,  
Бўлар ишни айтолмаса,  
Айтгани тўғри чиқмаса,  
Уни эпон деб ким айтар?

Ғарибга назар солмаса,  
Ғақирга фойда қилмаса,  
Ҳашамат сарой солса ҳам,  
Уларни бой деб ким айтар?

Бўйнига пўта чалмаса,  
Нафсига жилов солмаса,  
Ўзи мулойим бўлмаса,  
Уни сўфи деб ким айтар?

Қора сувни тиндирмаса,  
Қора тошни синдирмаса,  
Чўлга овул қўндирмаса,  
Уни эшон деб ким айтар?

Ярқ-юрқ этиб меҳмон кўрса,  
Топганин қўноққа берса,  
Молсиз ҳолин бойдай кўрса,  
Уни гадо деб ким айтар?

Қочиримни англамаса,  
Дарёдай оқиб-тошмаса,  
Тилларидан бол томмаса,  
Уни чечан деб ким айтар?

## ПАНОҲ БЕР

Қалай-қалай бўлди замон,  
Кун-кундан аҳволлар ёмон,  
Қоплади кун юзин туман,  
Банданга ўзини паноҳ бер!

Бўрон турди, ургин урди,  
Кўз кўрмади қора ерни,  
Номардлар енгмоқла эрни,  
Бир Оллоҳ, ўзинг паноҳ бер!

Паноҳ бергин, қодир худо,  
Ширин жоним бўлсин фидо,  
Кундан кунга бўлдик гадо,  
Биздай шўрликка паноҳ бер!

Биз шўрликларга бергин бахт,  
Бандангмиз-ку шубҳасиз, Ҳақ,  
Тўзар бўлди қорақалпоқ,  
Халққа ақлли-доно бер!

Қанотиндан қайрилган бор,  
Қувватиндан айрилган бор,  
Дўйноғиндан майрилган бор,  
Уларга ўзинг паноҳ бер!

Биров юрар нон тополмай,  
Очликка илож қилолмай,  
Меҳнат ҳаққини ололмай,  
Шуларга ўзинг паноҳ бер!

Биров бор, оч қорини,  
Золимлар олган борини,  
Топмас басалай, тарини,  
Шуларга ўзинг паноҳ бер!

Биров юрар мулла бўлиб,  
Фақат тилда “Оллоҳ!...” бўлиб,  
Оғзи “илла-билло” бўлиб,  
Шундайга ўзинг жазо бер!

Биров юрар сўфи бўлиб,  
Кўнглига фикр-ўй тўлиб,  
Биров юрар гулдай сўлиб,  
Шундайга энди паноҳ бер!

Борнинг иши фармон билан,  
Йўқнинг иши армон билан,  
Қайғу-ҳасрат, нолон билан  
Ўтди умрим, сен паноҳ бер!

Етмишга ҳам келди ёшим,  
Не савдога тушди бошим,  
Куюкдан оқарди сочим,  
Мендай шўрликка паноҳ бер!

## МУЙТЕН ЭЛЛАРИ

Дўстлар, таъриф этсам Муйтен элларин,  
Чорвага бой, чўпу ўтлоқ ерларин,  
Очу тўқин билдирмаган қўлларин,  
Муйтеннинг балиқчи денгизи бордир.

Бакра-сазан учун овлари бордир,  
Қасд этган кишига довлари бордир,  
Кун ортидан минор каби кўринган,  
Муйтеннинг Тербенбес товлари бордир.

Довудбойнинг ён-ёқаси роҳатдир,  
Балиғидан овқатлари ободдир,  
Қиз-йигитнинг чайнагани новвотдир,  
Муйтеннинг ободон эллари бордир.

Муллалари айтар беш вақт азонин,  
Ювиб-чайиб осиб қўяр қозонин,  
Борсанг, олар кўлдан сариқ сазанин,  
Муйтеннинг балиқчи кўллари бордир.

Чорва халқи денгиз бўйин ёқалар,  
Бой ҳам семиз, ўтлоқ ердан жой олар,  
Муйтен билан баҳслашманг, оғалар,  
Муйтеннинг Боймамбет пирлари бордир.

Жилва билан жонинг олар кўзлари,  
Шакардан шириндир айтган сўзлари,  
Ўн тўрт кунлик ойдан зиёд юзлари,  
Муйтеннинг жонона қизлари бордир.

Айтар ерда одобсиз сўз айтмаган,  
Тўғри сўз келганда тилин тортмаган,  
Қасд қилганда хону бийдан қайтмаган,  
Муйтеннинг Бийсенбой шерлари бордир.

Хотини балиғин қоқлайди тузга,  
Топшириб уйларин пойлоқчи қизга,  
Кўрқмасдан минади нечтаси музга,  
Шунингдек йигитлар Муйтенда бордир.

Талаб этар бир-бири-ла баслашиб,  
Оғзибирлик, хушфёълликда учрашиб,  
Мусофир одамга доим қарашиб,  
Элсевар йигитлар Муйтенда бордир.

Туркистондан келиб денгиз жойлаган,  
Шамол куни қўрқмай қайиқ ҳайдаган,  
Қўл ёқалаб, эл ғамини ўйлаган,  
Ақлли йигитлар Муйтенда бордир.

Сўзимдан ҳеч нуқсон топмайди биров,  
Кемада юради, юрмайди яёв,  
Қўлинда эшкаги — уч қулоч таёв,  
Кемали йигитлар Муйтенда бордир.

Отим Бердимурод, Оллоҳнинг қули,  
Умр бўйи саҳрода ўсган булбули,  
Сузимнинг йўқ сира ғалатий ери,  
Менинг айтган сўзим ҳар ерда бордир.

### МУСА БАХШИ

Одамзоднинг жонига ҳаз,  
Яйраб кўнгиллар бўлар ёз,  
Ёқимли сўз, ёқимли саз —  
Айтсам таърифин Мусанинг!

Тонг қолдирган подшо, хонни,  
Саз билан эритган ҳар жонни,  
Барча бахшининг султони,  
Омади ошган Мусанинг.

Таъриф этсам ани, дўстлар,  
Одамзоднинг вақтин хушлар,  
Қайрилади учган қушлар,  
Созин эшитса Мусанинг.

Олақайишли дутори,  
Халқнинг севган харидори,  
Одамзоднинг сеҳргари,  
Созин эшитсанг Мусанинг.

Еденбойнинг йўли улуг,  
Келди сўзи — Махтумқули,  
Овозаси юртга тўлуғ,  
Лафзин эшитсанг Мусанинг.

Ўтеб бахши, Оллониёз,  
Ҳар томондан қизиғи оз,  
Қиш кунингни этади ёз,  
Созин тингласанг Мусанинг.

Жуманиёз, Қурбон бахши,  
Айтган ерда “Туябосди”<sup>1</sup>,  
Овози булбулдан яхши,  
Қушни қайирав Мусанинг.

Қулмамбетнинг сўзи уят,  
Холмуроднинг сози зиёд,  
Сўзлари панду насиҳат  
Ақл эндирган Мусанинг.

Бахшиликка тез Бойниёз,  
Яйраб ўтди қишу ҳам ёз,  
Айрилмас соз ҳам хушвоз —  
Бунга ҳеч сўз йўқ — Мусанинг.

Қутлимурод, Серак деган,  
Ҳеч нарсага керакмаган,  
Тинглаганга жўш келтирган,  
Созин эшитсанг Мусанинг.

Ажиниёз — сўзнинг пири,  
Бахшиларнинг севган ёри,  
Халқнинг қонади хумори,  
Созин эшитса Мусанинг.

Сайаканинг номи бахши,  
Создан кўра сўзи яхши,  
Шалабой сўзга машоқчи,  
Бир оғиз сўзи Мусанинг.

<sup>1</sup> “Туябосди” — тўс-тўполон, шовқин билан боғлиқ болалар ўйини.

Дурисберган ҳам Бегниёз,  
Соз-сўзинда натижа оз,  
Атроф бўлар ёқимли ёз,  
Созин эшитсанг Мусанинг.

Еденбой сўзга хўб уста,  
Керимберган эски нусха,  
Тури менгзар олғир қушга,  
Келбатин кўрсанг Мусанинг.

Сейтназар ҳам Сейтек деган,  
Айтдирсанг — таъсир этмаган,  
Тўйни ўтказган эп билан,  
Сўзи садақа Мусанинг.

Ойака билан Муртаза,  
Созу сўзида йўқ маза,  
Чертиб ўтди мудом қазба<sup>1</sup>,  
Сўзин эшитсанг Мусанинг.

Қўлдовлида<sup>2</sup> чин қорақалпоқ,  
Таъриф этди шоир Бердақ,  
Бошига кўниб давлат-бахт,  
Умри узоқ бўлсин Мусанинг.

## ЖАМЕТГА

Бўронбой ўғли Жаметсан,  
Қий кўтарган саватсан.  
Элни ҳам худо урган экан  
Сен ҳам бийликдан таъма этсанг...

<sup>1</sup> Қазба — қазма дутор, қорни ёғочдан ўйиб ипланеди.

<sup>2</sup> Қўлдовли — Қорақалпоқ уруғ номларидан бири.



## ТИШГИНАМ

Тишгинам, сендан розиман,  
Оғзимнинг қалъасидирсан.  
Тилим, сендан норозиман,  
Бошимнинг балосидирсан.

## ҚАЛАН УСТА

Оқ қалъанинг энг чевари,  
Оғоч усталик хунари,  
Ўзин ҳаммадан илгари  
Ҳисоблаган Қалан уста.

Толоғочдан тугма сўққан,  
Хунари ҳаммага ёққан,  
Саккиз тангамизни қоққан,  
Бир эшикка Қалан уста.

Бул ишинг сенинг уятдир,  
Битказ тезроқ омонатни,  
Эшик буюрдим, бир йил ётди,  
Иқрори йўқ Қалан уста.

Бунча иқрорсиз бўлганинг,  
Буюрармикан олганинг,  
Устали эл бузилганин  
Сендан кўрдик, Қалан уста.

Эшик деб оғоч йиғнадим,  
Шунча қатнатиб қийнадинг,  
Сўққан қопингга<sup>1</sup> сиғмадим,  
Бул нетганинг, Қалан уста?!

Ҳамма сенга қарар экан,  
Элнинг муҳтожи бор экан,  
Феълинг эшикдай тор экан:  
Қалан эмас, ёлон уста!

---

<sup>1</sup> Қопи — эшик.

Бердимурод менинг ўзим,  
Юртга ёқмас ёлғон сўзинг,  
Олақол эшикни бизнинг,  
От қиларсан, Қалан уста!

### ҚОРАТУПНИНГ ХИРМОНИНДА

Қоратупнинг хирмонида  
Бердақ бахши меҳмон бўлди.  
Тўққиз ботмон қизил тариқ  
Йигитлардан инъом бўлди.

Мен юрдим элга қайтолмай:  
Йигитлар бўлди шайтондай,  
Қўлдовлига шеър айтолмай,  
Кўкрак тўлар армон бўлди.

Қоратупнинг хирмони чўқ,  
Ёлғончининг қайғуси кўп,  
Тариқ тугул сомон ҳам йўқ,  
Қуруқ сўздан хирмон бўлди.

Бекназари беклик этди,  
Сесарига<sup>1</sup> кучи етди,  
Қолгани қай томон кетди?  
Ваъда туби ёлғон бўлди.

Тариқ сомонни ортгани,  
Наридан бери йўртгани,  
Ота йўлига тортгани,  
Маъракаси вайрон бўлди.

Аввало пойлашиб олди,  
Хирмончига солиқ солди,  
Серакаси<sup>2</sup> бермай қолди,  
Бул иши дим ёмон бўлди...

<sup>1</sup> Сесари — оғирлик ўлчови, ботмоннинг тўртдан уч қисми.

<sup>2</sup> Серака — замондош шаҳс номи.

## КЕРАК МЕНГА

Очилган гул гунчалаган,  
Ичинда булбул сайраган,  
Куёшнинг нури ўйнаган,  
Ёруғ дунё керак менга!

Ўтрик сўзни ҳеч айтмаган,  
Тўғри йўлидан қайтмаган,  
Эли, халқин мунғайтмаган  
Ғайратлилар керак менга.

Соясин солган фақирга,  
Сувлар етказган тақирга,  
Оқсоқ, майиб ҳам сўқирга  
Хайр этганлар керак менга.

Зар кокилли, қайчи кулоқ,  
Чарчамасдай пўлат туёқ,  
Мард йигит минган тулпор от,  
Хоназодлар керак менга.

Булбул — гулга, ошиқ ёрга,  
Қовушиб шод бўлса бирга,  
Менинг мусофир халқимга  
Яйраб-яшнар замон керак!

## БИЗГА

Ёлғон эмас менинг сўзим,  
Бу йил камлик келди бизга.  
Йўқчиликдан тубан юзим,  
Турли бало бўлди бизга.

Давлат қайтса, бало ошар,  
Бало ошса, уйқу босар,  
Бул сўзни тингланг, йўлдошлар,  
Обрўй бергай бу йил бизга.

“Далаларга кўшайин бош,  
Отизсиз ҳеч куним ўтмас,  
Ялқовларга тангрим бермас,”  
Деган хаёл келди бизга,

Бул сирни мен айтай кимга,  
Мендай дардли борми элда?  
Шоирликдан ўн беш танга  
Топсак, томоқ бўлмас бизга.

“Ер сўрайин Асқарбойдан,  
Яқиним шул бошқалардан.  
Бир қийтиқ<sup>1</sup> ер берса бирдан...” —  
Деган фикр келди бизга.

Бориб дедим мен Асқарга:  
“Озгина ер бергин, оға,  
Ўзи бўлсин сувга ёқа,  
Оғайнисан яқин бизга”.

Айтмай туриб гапга тушди,  
Олға бошлар бўлди ишни,  
Асқар оғам бул юмушни  
Енгиллатар бўлди бизга.

Қисиб юборди-да кўзин,  
Маъқуллади айтган сўзим,  
“—Хоҳлаган ерингдан ўзинг  
Бор, олақол!” — деди бизга.

Эшитдим-да сўзнинг турин,  
Дарҳол бориб, ерни кўрдим.  
Бир отизга кўнгил бердим,  
“Шул бўлади!” — дедим, бизга.

Уч чоракдан сал зиёддай,  
Кейин бўлмаса уятдай,  
Сув ҳам яқин, ишга қулай,  
Худо бериб қолди бизга.

<sup>1</sup> Қийтиқ — парча ер.

Мўл бир таноб чамасидан,  
Ўзи ҳам отиз<sup>1</sup> бошидан,  
Палмон ерининг қошидан  
Бир отиз ер тегди бизга.

Чопган экан қўша бахтим,  
Ёнидан яна ер топдим,  
Белни боғлаб, челин чопдим,  
Худо бергай бу йил бизга.

Олти кун тинмай ишладим,  
Эпини топиб кучладим,  
Қўлим билан текисладим,  
Жадал пайдо бўлди бизда.

Эшак қўшиб ер ҳайдадим,  
Баландин пастга жойладим,  
Уруғ сепишга шайладим,  
Обрўй бергай энди бизга.

Рухсат ҳам олиб миробдан,  
Сув келтирдик Шуйитёпдан,  
Ўрдаги бийик қулоқдан  
Очдик, худо бергай бизга.

Тўлдирдим сувнинг чаласин,  
Қолдирмай ора-орасин,  
Текис бўлсин деб, моласин  
Босдим, худо бергай бизга.

Бир кучоқ бўян олиб бориб,  
Тўғри қилиб, тоблаб солиб,  
Ботмон шоли сотиб олиб  
Сепдим, худо бергай бизга.

Ўттиз бешдан уруғ сепдим,  
Ҳамма халқдан эрта экдим,  
Орқалаб бориб қий ҳам тўқдим,  
Камбағаллик қийин бизга.

---

<sup>1</sup> Отиз — дала, ер майдони.

Ўз вақтинда битди экиш,  
Ердан унар барча кам иш,  
Шукрим кўпдир, унди текис,  
Сўнгин бергай Худо бизга.

Айтганим сўзнинг чин-рости,  
Қабул Бердақнинг кўз ёши,  
Қулоч-қулоч ҳар бир боши,  
Худо назар қилди бизга.

Кунда бориб кўраяпман,  
Сув етказиб бераяпман,  
Уйга мақтаб келаяпман,  
Қиш озиғи мўл деб бизга.

— Шоли топсанг мўлдекка<sup>1</sup> сеп,  
Маза қиларсан паловин еб,  
Мўлдекшолим дим бўлиқ! — деб,  
Мақтансам, юрт кулди бизга.

Бул сўзга ишониб хотин,  
Жудаям қувониб хотин,  
.....

Бор топганин берди бизга.

Юриб турса бизнинг иқбол,  
Тетиклашар бўлди аҳвол,  
Тўпланеди, эҳ, дунё-мол,  
Кўпсинмагай худо бизга.

Ўн қоп чиқса мўлдекшолим,  
Очилади чин иқболим,  
Шуни есак — йил ҳам ярим,  
Бошқа донлар ўсар бизга.

Жуфт қопига жўхор олсак,  
Бир қопин оқбуғдой қилсак,  
Ўлим-етимдан соғ турсак,  
Палов тагин тайёр бизга.

<sup>1</sup> Мўлдек — томорқа ер.

Шолим чиқса бир юз эллик...  
Қаранг, хаёл қандай югрук,  
Новчагина, хипча беллик  
Бир қиз керак бўлар бизга...

Ётсак-турсак худо деймиз,  
Хамир сутдан бўлди текис,  
Бу йил битар бор қайғумиз,  
Кўпсинмагай Оллоҳ бизга.

Мардонласам<sup>1</sup>, бир том тўлса,  
Олтмиш ботмон энг кам бўлса,  
Манов ёқ бари дон бўлса,  
Йиғнаб олиб қийин бизга.

“Бошқа сўзни биз қўяйлик,  
Пишса, бир орқа<sup>2</sup> ўрайлик.  
Шуйтиб янгилик қилайлик,—  
Деб қўймади хотин бизга.

Бул сўз бизга маъкул бўлди,  
Хотин биздан оқил бўлди,  
Шоли пишиб яқинлади,  
Деган хабар келди бизга.

— Яхши дедим, ўроқ олдим,  
Отамуроддан сўраб олдим,  
Пўримиға қараб олдим,  
Тасанно денг энди бизга.

Мана, тезда етиб бордим,  
Пишган экан, барин кўрдим,  
Бир орқадай шоли ўрдим,  
Мўл бир палов бўлар бизга.

Ўрдим-да, тез уйга қайтдим,  
Келдим-да, хотинга айтдим:  
— Ёрижон, ошни мўлайтдим! —  
Десам, шу чоғ кулди бизга.

<sup>1</sup> Мардонламоқ — саватлаб қўймоқ.

<sup>2</sup> Бир орқалагудек боғлам.

— Фидо бўлсин сизга жоним,  
Танимда бир қошиқ қоним,  
Ўлгунча, азиз меҳмоним,  
Меҳрибонсиз, ёрим, бизга!

То ўлгунча харидорим,  
Кўзгинангдан, севар ёрим,  
Сизникидир ҳар не борим,  
Сизсиз меҳмон, жоним, бизга!”

Хотиннинг айтган сўзига,  
Ёш тўлди икки кўзимга,  
Ақл югуртдим ўзимга,  
Турли хаёл келди бизга.

Хотин кетди ипин олиб,  
Орқалаб хирмонга солиб,  
Бир замонда сомон олиб,  
Кунга ёйиб берди бизга.

Кўриб ўтирдим товуғин,  
Териб ўтирдим қовуғин<sup>1</sup>,  
Қолдирмай чўпу човуғин,  
Хотин буйруқ берди бизга!

Ёйган шоли қуриб қолди,  
Дурсиллатиб туйиб олди,  
Бир паловдан ҳовуч қолди,  
Мўл бир гўжа бўлар бизга.

Эртасига шовла қилди,  
Болалар еб маза қилди,  
Ўн уч кун ўтди, ана энди  
Бир андиша келди бизга.

Кўнгилга бир хаёл тушиб:  
“Бу йил ёмон эмас насиб,  
Шолилар ҳам қолди пишиб...”  
Деган хаёл келди бизга.

---

<sup>1</sup> Қовуқ — пўст, пўчоқ.



Кўрдим отизни айланиб,  
Ўриб олишни ўйланиб,  
Пишибди шоли шайланиб,  
Жадал пайдо бўлди бизга.

Ўроқ топдим ўрмоқ учун,  
Эрта ўриб қўймоқ учун,  
Ёмғирдан тез бўлмоқ учун,  
Сўнгин бергай худо бизга.

Ўрдим терлаб, рангим чиқиб,  
Нажмиддиндан қочиб, буқиб,  
Беш кун ўриб бўлдим йиқиб,  
Тасанно денг энди бизга.

Шолимни ўриб бўлибман,  
Фарам-фарамлаб қўйибман.  
Туришин кўриб тўйибман,  
Насиба мўл бу йил бизга.

Не иш бўлса — қодир Ҳақдан,  
Не ҳам бўлса-да кўрдим бахтдан,  
Пайқамай қолдим, бир ёқдан  
Полим етиб келди бизга.

Қўлдовли, Қўнғирот — катта бобом,  
Этакли эл — барча отам,  
Етиб келиб Полмон оғам,  
Бир жавобни урди бизга:

“— Очилсин йигитларнинг бахти,  
Тоймасин ҳеч давлат-тахти!”  
Полмоннинг урган жавоби  
Кетмас ғайрат бўлди бизга.

Ўзи билан бўлавермай,  
Ихтиёримга қўявермай,  
Жавоб билан туравермай,  
Бир ақлни берди бизга.

“— Бул сўзимни олгин уқиб,  
Ҳориб-чарчаб қолма буқиб,  
Ёш бўлса кетар мовуқиб<sup>1</sup>,  
Яхши қурисин! — деди бизга.

“— Шолинг, иним, ёш кўринди,  
Яшнаб турган бош кўринди,  
Фарам ҳам турган еринда  
Қурисин”, — деди Полмон бизга.

Полмон — шолининг деҳқони,  
Деҳқончилик устамони,  
Хирмонининг йўқдир сони,  
Айтган сўзи фармон бизга.

Насиҳатин биз олмасак,  
Сўзига қулоқ солмасак,  
Деҳқон айтганин қилмасак,  
Бўлар бир кун армон бизга.

Қўйибман дасталаб ташлаб,  
Қурисин дастада қақшаб,  
Тажрибали деҳқон ўхшаб,  
Ёқармикан бул иш бизга.

Хуржинда турли қисса бор,  
Бир-бирдан қизиқ қиссалар,  
Отамдан қолган нусхалар,  
Қиссахонлик<sup>2</sup> — кордир бизга.

Халқлари маст, эллари тўқ,  
Танлари соғ, қайғуси йўқ  
Қиз-келинчак, йигити кўп  
Муйтен эли — яйлов бизга.

<sup>1</sup> Мовуқмоқ — бу ерда, яхши қуримай қолиш.

<sup>2</sup> Қиссахонлик — Қорақалпоқ халқи орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган маърифий йигин. Бунда турли хил халқ қиссалари ўқилган.

Мен қамчини олиб қўлга,  
От бошини солдим йўлга,  
Қарамасдан ўнгу-сўлга,  
Ҳайдайвердим, қаранг, бизга.

Хуржинга кўп китоб тикқан,  
Хабар ҳам кўп ақдан-бақдан,  
Отнинг туёғиндан чиққан  
Кўринмади тўзон бизга.

Сифиниб қодир худога,  
Келдим чорбоғли саройга,  
Қодир ўғли Жиянбойга,  
Қўндим, худо бергай бизга.

Одам деган келаётир,  
Келиб салом бераётир,  
Тўда-тўда, тўлаётир,  
“— Бўлинг, — дейди, — меҳмон бизга”.

Иншоолоҳ, қабул дуом,  
Ҳақ кечиргай бўлса гуном,  
Эл оралаб ўн кун мудом,  
Чойпули кўп тушди бизга.

Китоб ўқиб юрдим ўн кун,  
Қиз-йигитлар дуркун-дуркун,  
Шоли ёдга тушиб бир кун,  
Қайтмоқ хаёл бўлди бизга.

Кўк гунонга бердим сасни,  
Орта қолдириб лочин қушни,  
Қатта чошқада уйга тушди,  
Хотин чиқиб кулди бизга.

Халқим, биздан гап сўрасанг,  
Кўп таажжубга қоларсан,  
Айланиб отизга борсам,  
Бўлажак иш бордир бизга.

Дасталар қолган сочилиб,  
Обрўйлар кетган очилиб,  
Қилдимми Ҳаққа осийлик? —  
Айтилган сўз — тавба бизга.

Тўз-тўз бўлиб ғарам ётир,  
Қийилган бош уйилиботир,  
Буни сочган қандай ботир? —  
Турли бало чиқди бизга!

Турганди дондан эгилиб,  
Қолибди бари қийилиб,  
Похоллар ётар уйилиб,  
Бу не кўргулик, халқим, бизга?!

Чора борми худо этса?  
Бири баланд, бири пастда,  
Омон қолмабди бир даста,  
Бир тўда ёв кепти бизга.

Дехқонга кулфат кўп экан,  
Бошдан-оёқ қийиб еган,  
Бош душманним — ўрдак экан,  
Ахлатлари қонти бизга.

Ялпоқ-ялпоқ ётар изи,  
Оқиб тушгур икки кўзи,  
Энг камида етти юзи  
Ёвдай босиб кепти бизга.

Ана, тўзғиб ётар пари,  
Егани бўлсин заҳари,  
Донсиз похол қолган бари,  
Бир сиқим дон йўқдир бизга.

Келибди неча олмабош,  
Бари бўлиб шоирга қасд,  
Уч-тўрт оқшом бўлибди маст,  
Бир паловлик қўймай бизга.

Учиб-қўниб неча тўпар,  
Маслаҳат қилиб бошлар сафар,  
Қироғий<sup>1</sup> кўзли каллағар,  
Хужум қилиб кепти бизга.

Энди билдим катта ёвни,  
“Учган қуш ҳам бунга оғди,  
Кўп ичидан шуни топди...”, —  
Деб қулади халқлар бизга,

Ўрдак еса, мен нетайин?  
Сомон орқалаб кетайин,  
Худога шукур этайин,  
Шукр, сомон қопти бизга.

Тоза шоли сомон бўлди,  
Бу йил қандай замон бўлди,  
Бунинг дарди ёмон бўлди,  
Ўлгунча доғ бўлди бизга.

Деҳқонга топилар иллат,  
Қилибман ўрдакка миннат,  
Куйиб кетган эссиз меҳнат,  
Бу ҳам бир кўргулик бизга.

Шолини бердик шул душманга,  
Қийналиб юрдик қилганга,  
Кундуз кетар кўл томонга,  
Кечда келиб қўнар бизга.

Ўрдак кетди кайфни бузиб,  
Дафъатанда бағрим эзиб,  
Куни билан кўлни кезиб,  
Тунда меҳмон бўлар бизга.

Ҳайдаб эдим уч кун қўшин,  
Ҳалқуминг тирсайиб тўлсин,  
Ўрдак жўра, йўлинг бўлсин,  
Айтаверинг раҳмат бизга.

<sup>1</sup> Қироғий — узоқни кўрувчи, зийрак кўзли.

Бир ярим кун челин чопдим,  
Бизнинг меҳнат — сенинг бахтинг,  
Кўп ичинда мени топдинг,  
Бу ҳам сабоқ бўлди бизга.

Куйиб кетган бул меҳнатлар,  
Топилди шунча иллатлар,  
Кўлларни қуритиб ўрдаклар,  
Шундай ҳужум қилди бизга.

Эккан мўлдек шолим ботмон,  
Донсиз похол анов ётган,  
Тушармикан қурсам қопқон,  
Кетмас армон шулдир бизга.

Ўрдак биздан олди кекин,  
Дафъатанда топиб эпин,  
Энди ерсан тошнинг тубин,  
Ёмон бир панд бердинг бизга.

“Энди вақт бўш ўтмасин деб,  
Қайтиб шоли экмасман деб,  
Эксам бошдан кетмасман деб”,  
Ичирдингиз онтни бизга.

Танимдан кетиб қувватим,  
Белимдан кетиб мададим,  
Қирқилгур қўша қанотинг,  
Бул ишларинг ботди бизга.

Тингламай яқин-узоғинг,  
Бул қандай қилган мазоғинг,  
Бундоқ охират азобинг  
Кундан кунга ўтди бизга.

Очилмасми бахт ҳам талай,  
Юрармиз шодланиб қалай?  
Ўрдакка ҳам бўлди қулай,  
Бул ҳам бахту давлат бизга.

Ўнгламаса Ҳақ ишингни,  
Буламиқ синдирар тишингни,  
Иту қуш олиб кучимни,  
Куйган меҳнат қолди бизга.

Донин еб, сомонин қўйиб,  
Бизнинг меҳнат кетди куйиб,  
Туни билан “чуйк-чуйк” қилиб,  
Ўрдаклар ёв бўлди бизга.

Қарғайман десам ғоз эмас,  
Қираман десам оз эмас,  
Қайта экмоққа ёз эмас,  
Турли душман чиқди бизга.

Худо қилса, банда қойил,  
Шолининг ҳам қилиб жойин,  
Ўрдак бўл бизга хўжайин,  
Йиғиб-ҳайдаб берди бизга.

Ўлгайсизлар қотма қотиб,  
Уч-тўрт тўйдинг қараб ётиб,  
Ўзинг ҳайдаб, йиғиб, отиб,  
Сузиб, қоплаб бердинг бизга.

Юрибман мен ҳеч сир бермай,  
Мен қолдим сизларни кўрмай,  
Сомонинда дон юбормай,  
Балки қоқлаб бердинг бизга.

Келишмади менинг ишим,  
Хафачилик ёзу-қишим,  
Кулиб ёр-дўстларим, ростим,  
“—Ҳорма, Бердақ!” — деди бизга.

Бердақ айтар: бул не замон?  
Бир ўрдакка етмас чамам,  
Ушбу ерда сўзим тамом,  
Худо бергай энди бизга.

## АЙРИЛДИМ

Узоқ-узоқ йўллар босиб,  
Орамизни душман кесиб,  
Висол бизга бўлмас насиб,  
Кўзи қорадан айрилдим.

Мажнунтолдай ўрган сочи,  
Ярашгандир гул-гул очиб,  
Қийиқланган қора қоши,  
Зулфи қорадан айрилдим.

Шамчироқ гавҳар бошида,  
Неча дилбарлар қошида,  
Навқирон ўттиз ёшида,  
Булбулгинамдан айрилдим.

Айрилдим гунча-гулимдан,  
Сиё сочли сунбулимдан,  
Хуш овозли булбулимдан,  
Ширин жонимдан айрилдим.

Тенг келолмас ҳеч бир жонон,  
Хуш қилиғи бағишлар жон,  
Қиз-келинчак ичра султон,  
Шоҳи-султондан айрилдим.

Ҳар бир ишга чевар дастёр,  
Сўз қайтармас эди зинҳор,  
Шум ажалга не чора бор?  
Меҳрибонимдан айрилдим.

Айрилдим мен қанотимдан,  
Эгарли турган отимдан,  
Бир умрлик саботимдан,  
Қадрдонимдан айрилдим.

Бердақ бахши деб бош қўшган,  
Меҳрим олган аввал бошдан,  
Таърифини куйлаб жўшган  
Бийбитхонимдан айрилдим.



Бердақ ёши қирқми, эллик,  
Ҳолим энди бўлди белли,  
Сен деб йиғлар яра дилли,  
Меҳрибонимдан айрилдим.

Чирқиллайди қизу бола,  
Нечук бўлар бизнинг ҳол-а?  
Бердимурод зор-зор йиғлар,  
Бийбитхонимдан айрилдим.

Йиғлаб-йиғлаб бўлдим адо,  
Ҳеч банда кўрмасин асло,  
Раҳм этмади бизга худо,  
Меҳрибонимдан айрилдим.

Фарзандларим — Ҳурлиқожон,  
Ҳурлимон билан Ойимхон,  
Энди сизлар бўлинг омон,  
Онажонингдан айрилдим.

Ойака билан Нозимбек,  
“Опа”лаб ҳеч турмайди тек,  
Ажалга чора борми лек?  
Жонажонимдан айрилдим.

Бердимурод тутди аза,  
Жоним, бўлгин мендан ризо,  
Унутмасман сени асло,  
Меҳрибонимдан айрилдим.

## ОЧЛИК

Экин-тикин унмай, эсиз,  
Чавағини бермай денгиз,  
Ҳамма ерни бирдай текис  
Очлик қошлаб олган экан.

Илон йилида ют бўлди.  
Бузғунлик палласи хут бўлди,  
Борни-йўқни очлик юлди,  
Ҳамма йиғлаб куйган экан.

Йўқчиликдан озиб, қоқжон,  
Халқ кўпайди зор-саргардон,  
Тополмасдан бир тишлам нон,  
Нафақа излаган экан.

Хитой, Кўнғирот бузилди,  
Кўп одами йўлда ўлди,  
Бир ҳовуч ун қайда эди,  
Жуда қийин бўлган экан.

Бек, амалдор солди солиқ,  
Багтар бўл деб очу ориқ,  
Буюрди деб хон, оталиқ,  
Ҳаммани чувлатган экан.

Эккан экинлар пишмади,  
Совуқ урди ё битмади,  
Озуғи қишга етмади,  
Қиров уриб кетган экан.

Оталикда қаноат йўқ,  
Фуқарода қолгани кўк,  
Сомондан бошқа нарса йўқ,  
Қуруқ сомон олган экан.

Кимлар топса дон ё тари(қ),  
Беда кўшиб ярма-яри,<sup>1</sup>  
Шукр қилиб шунга бари,  
Сал жон сақлаб турган экан.

Оталиқ, бойнинг қорни тўқ,  
Бозорга тушган тари йўқ,  
Фуқарода ҳемири йўқ,  
Пулсиз қийин бўлган экан.

Пулсизга бозор қайтадир,  
Дон фалон пул деб айтадир,  
Оч-ориқлар бўш қайтадир,  
Пули борлар олган экан.

<sup>1</sup> Ярма-яри — ярмига беда кўшиб.

Бий, оталиқ золим бўлди,  
Солиқ пулга олим<sup>1</sup> бўлди,  
Кимлар ёмон — маълум бўлди,  
Очлик қийин бўлган экан.

Эл оғаси Кулен бўлис,  
Бекка қилди олиш-бериш,  
Фуқаро масхара-эриш,  
Замон шундай бўлган экан.

Сейилхон ва бахши Шержон,  
Икковидан ўн саккиз жон,  
Уйида йўқ нафақа, дон,  
Аҳволи танг бўлган экан.

Кўп экан Чимбойнинг бойи,  
Қават-қаватдир саройи,  
Тайёр олдда қанду чойи,  
Бизга етишмаган экан.

Чоракору деҳқонлари,  
Бўй чўзмайин хирмонлари,  
Кўкка етиб фиғонлари,  
Яхши йилни кутган экан,

Бари кўчиб бориб кўлга,  
Тузоқ кўйиб чуқур ерга,  
Чўртану сазанни бирга  
Тутиб олсам деган экан.

### СОЗ-СУҲБАТ<sup>2</sup>

Сиз билан суҳбатни ёлгон деманглар,  
Одам Ота бино бўлгандан бордир.  
Ҳобил, Қобил онасининг бағридан  
Бу кўҳна дунёга келганда бордир.

<sup>1</sup> Олим — олувчи.

<sup>2</sup> Туркман мумтоз шоири Ғойибийнинг шундай радифли шеърига иқтибос қилиб айтилган

Шайтонни қувгандай жаннат-ризвондан,  
Ҳар ким топар ўз феълиндан — забондан,  
Бизни сақлай кўринг тухмат-ёлғондан,  
Нуҳнинг кемасига минганда бордир.

Навоий, Фирдавсий ёздилар достон,  
Халқ дардини куйлаб аввалу бошдан,  
Соз-суҳбат яралди офочу тошдан,  
Улуғлар дунёга келганда бордир.

Боболар мақтайди Бобо Кўрқитти,  
Нечага соз-суҳбат, нағма ўқитти,  
У ҳам бу дунёдан армонли ўтди,  
У ҳам бу дунёдан ўтганда бордир.

Барин олддан айти ул Маҳтумкули,  
Саҳрода сайраган туркман булбули,  
Тухматчи етказди унга ҳам ғулу,  
У ҳам бу дунёга келганда бордир.

Қорақалпоқ Туркистондан кўчганда,  
Бобом Жиян жиров бошлаб келганда,  
“Тўзғиган эл” кўбиз куйин чертганда,  
Элларим чувлашиб кўчганда бордир.

Сўзга чечан охун шўх Ажиниёз,  
Беш кунлик умрни қилди сарфароз.  
Умри бўйи қўшиқ айтди чертиб соз,  
Ул ҳам бу дунёга келганда бордир.

Шоир ўз сўзидан сира тоярма?  
Соз билан суҳбатни энди қўярма?  
Қўлингдан келганин биздан аяма,  
Соз-суҳбат азалу аввалдан бордир.

## ТАРИХИЙ ПОЭМАЛАР

### ОМОНГЕЛДИ

Күриб томоша қилингиз,  
Не ажойиб полвон келди.  
Келса бобосин билгингиз, —  
Юрт оғаси Омонгелди.

Омонгелди — юрт оғаси,  
Миёнқолнинг тўқсобаси,  
Мирза Пўлатдир бобоси,  
Номи чиққан Омонгелди.

Асан оталиқ бўлганда,  
Миёнқолни сўраганда,  
Уни душман ўлдирганда  
Қонин олган Омонгелди.

Асан шунда Миёнқолда,  
Неча душман борди унда,  
Кўп қўлдовли Туркистонда,  
Шунга борди Омонгелди.

Бориб душманни ўлдирди,  
Калласин кесиб келтирди,  
Мардлигин юртга билдирди,  
Арслон туққан Омонгелди.

Омонгелди Туркистонда,  
Амр этса бир замонда,  
Лашкар тортиб отланганда,  
Бўлак-бўлак туман келди.

Ашамайли ҳам Сандовли,  
Қўштамғали ҳам Қўлдовли<sup>1</sup>,  
Қўлдовли тўрт ота ўғли,  
Яхшисидир Омонгелди.

Амирнинг номи Музаффар,  
Тоҳирхондир ҳам Мирҳайдар,  
Шомурод, валломи Дониёр,  
Бориб кўрди Омонгелди.

Қўқон хони қилди зўрлик,  
Қиз сўратиб берди хўрлик,  
Асан кўрсатди ғамхўрлик,  
“Йиғлатмасман элни” — деди.

— Қорақалпоқ бермас қизин,  
Ҳаммаси ҳам менинг қўзим,  
То тирикман, тегмас ҳеч ким! —  
Деб эр Асан Қўқон келди.

Сўзиндан қайтмади Асан,  
— Қиз оларсан ўлсам қачон,  
Тўғри келмас бизга Қўқон,  
Сен чувлатдинг элни, — деди.

Хон Асанни кўп урғизди,  
Яна ўрнидан турғизди,  
— Бермайсанми қизни? — деди,  
Асан шунда сўзга келди.

Осдирди дорга Асанни,  
Эл деб Асан берди жонни,  
Уни йўқотган золим хонни  
Калла қилди Омонгелди.

Омонгелдидай бўлмоққа,  
Бориб хондан қон олмоққа,  
Калла кесиб жон олмоққа,  
Қай бирингнинг чаманг келди?!

---

<sup>1</sup> Уруғ номлари.

Қайтмади у бекдан, хондан,  
Кечди ҳатто ширин жондан,  
Омонгелдининг қўлиндан  
Қутилмоқлик гумон бўлди...

Урушганин кўрсанг анинг,  
Хатоси йўқ бул дostonнинг,  
Қарши келган ул душманнинг  
Юрагига армон келди.

Подшолар турган тахтинда,  
Унинг давлату бахтинда,  
Омонгелдининг вақтинда  
Неча хондан инъом келди.

Ул Бухоро, Фиждувондан,  
Қашқару, Тошкент, Қўқондан,  
Андижону Марғилондан  
Тарк бўлмайин давом келди.

Ўзи узган қардошиндан,  
Кетмас давлати бошиндан,  
Ул Бухоро подшосиндан  
Ёрлиқ муҳри нишон келди.

Дўрамас унингдек одам,  
Бул сўзни не билсин нодон,  
Улар ҳам ўтди дунёдан,  
Неча турли замон келди.

Етишди Оллоҳга доди,  
Қўлдовлидир асли зоти,  
Мирза Пўлатнинг зурёди,  
Арслон эди Омонгелди.

## ОЙДЎС БОБО

— Келинг, бобо, чиқинг тўрга,  
Ҳақ яратган назаркарда,  
Тангани бўлдик тўрт ерга,  
Бирин олинг, Ойдўс бобо!

— Мард бўлган ваъдада турар,  
Сўзни бузганни онг урар,  
Тўртдан бирга деҳқон турар,  
Тенг бўл! — деди Ойдўс бобо.

— Хонни улуғ қилди худой,  
Дастгоҳи кўп, хон — икки пой,  
Сиз ва бизлар биттадан пой,  
Шундай бўлдик, Ойдўс бобо!

— Одам бўлсанг, обрўй изла,  
Чин ўтирар ўрнинг изла,  
Тилларингни тортиб сўзла,  
Олмам! — деди Ойдўс бобо.

— Шундай бўлди ишнинг тури,  
Айтса, кетар кўнгил кири,  
Сизни қилдик тўртнинг бири,  
Олгин энди, Ойдўс бобо!

— Улуғ бўлса, хонинг улуғ,  
Бўлмоқчисан баринг улуғ,  
Танга қайдан? Неча пуллик?  
Айтгин! — деди Ойдўс бобо.

— Хоннинг қилган буйруғи шул,  
Хон амрига бўйинсунгил,  
Ҳаммага бирдай солиқ пул,  
Олинг энди, Ойдўс бобо!

— Хон ўтирар салқин жойда,  
Тилла кўшкли саройда,  
Мен бўлмасам оқча қайда,  
Билгин! — деди Ойдўс бобо.



— Бобо, бунча қаттиқ қочма,  
Шум нафсингнинг оғзин очма,  
Хизматкор кўп сендан бошқа,  
Қаноат қил, Ойдўс бобо!

— Муфт пул керак сендай қулга,  
Ўзингча хон баринг элга,  
Тенг яримман солиқ пулга,  
Тенг бўл! — деди Ойдўс бобо.

— Бобом, қилғил энди сабр,  
Маҳрамларга қилма жабр,  
Тўрт бўлмоқ бу — хондан амр,  
Олгин энди, Ойдўс бобо.

— Ўлган одам қайтиб келмас,  
Ботир йигит қайғу емас,  
Ваъдасин бузган хон эмас,  
Тенг бўл! — деди Ойдўс бобо.

— Осий бўларсан Оллоҳга,  
Танганинг ярмин олмоққа,  
Хонинг билан тенг бўлмоққа,  
Уял энди, Ойдўс бобо.

— Сен билмассан менинг жойим,  
Ҳаммага тенгдир худойим,  
Дўқингдан нега кўрқайин?  
Тинч тур! — деди Ойдўс бобо.

— Маҳрамлар тилин олмасанг,  
Хон амрига бўйсунмасанг,  
Тўртдан бирига турмасанг,  
Ўзинг билгин, Ойдўс бобо!

— Сабрсизлик — хотин иши,  
Хонга қарши қандай киши?  
Меҳтар билан қушбегиси!  
Кўйинг! — деди Ойдўс бобо.

Аччиғи келди, отланди,  
Қушбеги, меҳтар тўхталди,  
Қиличин олиб ўқталди,  
Қаҳрланди Ойдўс бобо.

Аввалинда тил олмади,  
Сўзга ҳеч қулоқ солмади,  
Меҳтарнинг жони қолмади,  
Чопар бўлди Ойдўс бобо.

— Саваш қилиб иш бошласам,  
Қон тўкиб кўнгил хушласам,  
Қаллангни кесиб ташласам, —  
Деди сўкиб Ойдўс бобо.

— Иш энди ёмонга кетар,  
Бул киши айтганин этар, —  
Тавба деб Қушбеги, Меҳтар, —  
Кўйдик, — деди — Ойдўс бобо!

Шерик қилмай бир бандани,  
Хивада хондан ўзгани,  
Қўшиб юбориб тангани,  
Тенг айирди Ойдўс бобо.

Душман кўпдир, дўсти билан,  
Найзасининг учи билан,  
Билагининг кучи билан,  
Ҳаққин олди Ойдўс бобо.

Келганда хон хўрра<sup>1</sup> турди,  
Хонга қарши жавоб урди,  
Бир неча йил даврон сурди,  
Бул ҳол билан Ойдўс бобо.

Кўпдир сўзимнинг камиси,<sup>2</sup>  
Дарёнинг урар дагиши,  
Меҳтар билан қушбегиси,  
Жиловинда, Ойдўс бобо.

<sup>1</sup> Хўрра — дарҳол тик туриш.

<sup>2</sup> Камиси — нуқсони.

Икки орага тушди гина,  
Хондан инъомдир бир нина,  
Ойдўс бийга қилиб ҳийла,  
Ғофил қолди Ойдўс бобо.

Ойдўс деган улуғ киши,  
Охир кетди қўлдан кучи,  
“Хоннинг иши — шайтон иши”  
Деган экан Ойдўс бобо.

Хонга бўлмади фуқаро,  
Қарши бўлди бора-бора,  
Йўқдир ўлимга ҳеч чора,  
Шаҳид ўлди Ойдўс бобо.

Дунё ишининг йўқдир чеки,  
Қўлдовлидир ота теги,  
Туғилди Эрназар қушбеги,  
Туб илдизи — Ойдўс бобо!

### ЭРНАЗАР БИЙ

Аввал Ойдўс бобо ўлиб,  
Ўрнин тутди Эрназар бий.  
Қорақалпоққа оға бўлиб,  
Хукм этди Эрназар бий.

Қорақалпоққа оға бўлиб,  
Шунқор солиб, бедов миниб,  
Кўнглига келганин қилиб,  
Бўлиб ўтди Эрназар бий.

Қипчоқ ёлғондан даво қилди,  
Тухматдан бўйнига хун солди,  
Бир қалмоқ<sup>1</sup> ясовул ҳам бўлди,  
Пул бермади Эрназар бий.

<sup>1</sup> Қалмоқ — уруғ номи

Ёлди тухматнинг балосин,  
Билиб оғзининг оласин,  
Қарли қалмоқнинг боласин,  
Қиличлади Эрназар бий.

Хон гуноҳкор қилганинда,  
Бийлигини олганинда,  
Ҳам оқ уйли бўлганинда,  
Мунғаймади Эрназар бий.

— Мени ҳеч ким тиламасин,  
Ялиниб сўраб юрмасин,  
Мен ўлганда йиғламасин, —  
Деди арслон Эрназар бий.

Вайисбойга зўрлик қилди,  
Қиличин олиб ўқталди,  
Кулли хивали тўхтади,  
Қаҳрин ёйди Эрназар бий.

Саваш куни илғор ташлаб,  
Сардор бўлиб йиғин бошлаб,  
Жонғозихонни қиличлаб,  
Жанжал солди Эрназар бий.

Бурунги бийлик суришин,  
Бурунги юриш-туришин,  
Хонга саломга киришин  
Камитмади Эрназар бий.

Бий бошига бир қуш солди,  
Қушлаб чиқмоққа дуч борди,  
Хўжака қушсиз бўш қолди,  
Қуш бермади Эрназар бий.

Хон ҳазратга салом қилди,  
Ҳар қайсиси сарпо олди,  
Хўжака қушдан бўш қолди,  
Арз қилдирди Эрназар бий.

— Хўжака, айтар арзим бор,  
Неча қуш сиздан қарзим бор,  
Холис сарпо бермоқ даркор, —  
Деди арслон Эрназар бий.

Хон ҳазрати “— Меҳтар!”<sup>1</sup> — деди,  
— Дарров ўрнингдан тур, — деди,  
Ўғлона сарпо бер! — деди,  
Куллуқ қилди Эрназар бий.

“Хўп бўлғай!” деб меҳтар турди,  
Хазинага қадам урди,  
Меҳтар билан бирга юрди  
Арслон туққан Эрназар бий.

Меҳтар бориб эшик очди,  
Ҳар турли гапларга қочди,  
Битта чакмонга талашди,  
Қўл узатди Эрназар бий.

Меҳтар туриб суз бошлади,  
Латта чопонни ушлади,  
Ҳар турли сарпо ташлади,  
Ёқтирмади Эрназар бий.

Меҳтар яна гурунглашди,  
Ҳар турли гапдан сўзлашди,  
Бир чакмонга кўзи тушди,  
Қўл узатди Эрназар бий.

Таниган экан аслни,  
Меҳтар чопонга осилди,  
Йиғилган сарпо сочилди,  
Қўйвормади Эрназар бий.

Чакмонга осилди меҳтар,  
Бий зўр берди ундан баттар,  
— Торт қўлингни, калланг кетар! —  
Деди арслон Эрназар бий.

<sup>1</sup> Меҳтар — саройдаги юқори ловозим номи.

— Хонга маълум чакмон, деди,  
Кўп пул билан битган, деди,  
Нақиб инъом этган, деди,  
Эшитмади Эрназар бий.

Ҳазрати Паҳлавон пири,  
Ёд этарлар ўлик-тирик,  
Биз ҳам хонга вазир эдик,  
Беринг! — деди Эрназар бий.

— Сўзим ҳалолдир, ҳаром йўқ,  
Хоннинг ўзига чорам йўқ,  
Сенга бермоққа порам йўқ,  
Кимсан? — деди Эрназар бий.

Бийлик сурмиш етти пушти,  
Ким қилибдир бундай ишни?  
Меҳтарнинг зарраси учди,  
Ҳайбат қилди Эрназар бий.

Яратган кун билан ойни,  
Ёд этингиз бир худойни,  
Уч ой ётган Қиличбойни<sup>1</sup>  
Олиб чиқди Эрназар бий.

Мундан сўнг Хўжайлига келди,  
Кўп кемада кенгаш қилди,  
Қорақалпоқни йиғиб олди,  
Арслон туққан Эрназар бий.

Барча жам бўлиб ўтирди,  
Ҳазинага зар тўлдирди,  
Зорлик тўрани келтирди,  
Хон кўтарди Эрназар бий.

Барча хизматга чоғ бўлди,  
Белинда оқ пичоқ бўлди,  
Бекларбеги, иноқ бўлди,  
Барин йиғди Эрназар бий.

<sup>1</sup> Қиличбой — манзил номи.

Қози калон, шайхулислом,  
Ҳам нақиб иззатул икром,  
Барча туриб қилди салом,  
Ҳукм этди Эрназар бий.

У кемадан олди рангни,  
Хон этди Зорлиқ тўрангни,  
Осиб Қутлимурод гарангни,  
Зўрлик қилди Эрназар бий.

Душманига савдо солди,  
Тўққиз кема ғазна олди,  
Одам осиб, қушбеги бўлди,  
Арслон тукқан Эрназар бий.

Ёмут чақирди келсин деб,  
Келиб Кўнани<sup>1</sup> олсин деб,  
Маслаҳат бунда бўлсин деб,  
— Бормам! — деди Эрназар бий.

Айтса, қорақалпоқ қилмади,  
“Борманг!” деса, тил олмади,  
Кўпчиликдан бул қолмади,  
Бирга борди Эрназар бий.

Ёмутдан илғор келтирди,  
Ёқмаганларни ўлтирди.  
Эрлигин юртга билдирди,  
Ёлғиз ўзи Эрназар бий.

Ёмутдан дўстлик келмади,  
От ўғирлаб, кун бермади,  
Камликка кўнар эрмиди?  
Бузиб қайтди Эрназар бий.

Бийлари маслаҳат этди,  
Зорлик хонни олиб кетди,  
Хива хонин хушвақт этди,  
Хонсиз қолди Эрназар бий.

---

<sup>1</sup> Кўна — Кўҳна Урганч шаҳри.

Хивалик тўкди қизилни,  
Бул сўзнинг изи узилди,  
Бийлар бошлаб, юрт бузилди,  
Ғофил қолди Эрназар бий.

Оролли, Қалпоқ — қирқ минг уйли,  
Ғоҳо йиғлаб, ғоҳо куйди,  
“Олма еган олтмиш бийни  
Кўрай” — деди Эрназар бий.

Бийлар қочди бошин буқиб,  
Ширин жонин ўтга ёқиб,  
Қалъанинг устига чиқиб,  
Кутиб турди Эрназар бий.

Бийлар анда келолмади,  
Ўлай деса ўлолмади,  
Бор деса, ҳеч ким тил олмади,<sup>1</sup>  
Ғазаб этди Эрназар бий.

Қорақалпоқнинг айтган сўзи,  
Асло келишмади сўзи,  
Хоразмда ёлғиз ўзи,  
Эрлик қилди Эрназар бий.

Қолганларни йиғиб олди,  
Излим йўлга<sup>2</sup> қалъа солди,  
Худога таваккал қилди,  
Мардлик билан Эрназар бий.

Ясовулбоши ҳам келди,  
Оролли, қалпоқ жам бўлди,  
Арава, кўчи қамалди,  
Якка қолди Эрназар бий.

Эшон келди эл қилмоққа,  
Орада элчи бўлмоққа,  
Юртнинг савобин олмоққа,  
Ҳайрон бўлди Эрназар бий.

<sup>1</sup> Тил олмади — айтилган сўзни қилмади.

<sup>2</sup> Излим йўли — манзил номи



— Сиз ўлсангиз — шаҳид, деди,  
Ўпка-гинангни айт, деди,  
Энди раъйингдан қайт, деди,  
— Қайтмам! — деди Эрназар бий.

— Қутлимурод, Қобил иккови,  
Юсуфбой билан учови,  
Амат, Полвон ҳам бешови  
Чиқсин! — деди Эрназар бий.

Олди-ортига қарамади,  
Ҳол-аҳволни сўрамади,  
Бийлар анга ярамади,  
Қайтиб кетди Эрназар бий.

Ботирликда тоқлигидан,  
Оғизбирлик йўқлигидан,  
Бойларнинг қўрқоқлигидан,  
Ғофил бўлди Эрназар бий.

Гўрўғлибекдай эр эди,  
Қаторда қўша нор эди,  
Тўлиқ юртга даркор эди,  
Шаҳид ўлди Эрназар бий.

## РАВШАН

— Номоз, рўза қарзим бордир,  
Бир Оллоҳдан, менинг қизим.  
Отанг айтар арзи бордир,  
Қулоғинг сол, жоним қизим.

— Номоз, рўзага қарздор  
Бўлсанг бир Оллоҳдан, отам,  
Менга нега сен арздор  
Бўлдинг, сабаб недир, отам?

— Ҳақ айтса, хизматкор тайин,  
Энди арзимни айтайин,  
Бизни юборди хўжайин,  
Эшигингга келдим, қизим.

Хўжайиндан бир юмуш бор,  
Айтса бизда не туриш бор,  
Бойда олтину кумуш бор,  
Дунё десанг бепул<sup>1</sup>, қизим!

— Бояринг<sup>2</sup> буюрса юмуш,  
Сен шўрликда борми туриш,  
Бепул дунё, текин кумуш  
Бизга қалай раво, отам?

— Бой юмшади, қизим, мени,  
Бойга сўраб келдим сени,  
Отанг хоҳласа энди нени,  
Бойда бисёр бари, қизим.

— Дунё-ҳазина бойда бор,  
Бундан бизга не фойда бор?  
Соянгни мендан нари сол,  
Бети қора бўлган отам!

— Қизим, бундайча гаплама,  
Кесиб айт, гапни чўплама,  
Отангинг сўзин кеклама,  
Совчи бўлиб келдим, қизим!

— Сўзни кесиб айтсам сизга,  
Ёшинг яқинлабди юзга,  
Менинг кўнглим бойдан ўзга,  
Камбағалдан севар, отам!

— Қизим, сенинг ақлинг йўқ,  
Демак бўлмас қорнинг ҳам тўқ:  
Бойда дунё-ҳазина кўп,  
Отангга олиб бергин, қизим!

<sup>1</sup> Бепул — чексиз, жуда кўп деган маънода.

<sup>2</sup> Бояр — бой.

— Керак эмас бойдан ҳеч мол,  
Ҳар кимнинг бир иқболи бор,  
Отам бўлса молдан ночор,  
Куним сендан яхши, отам!

— Келган эдим эзгу иш деб,  
Яхши одам сақламас кек,  
Дунё деган бойда лак-лак,  
Не керагинг тайёр, қизим!

— Ота, сенинг уят бунинг,  
Менинг ҳам бор оғам, иним,  
Ўзимга етар ўз куним,  
Фаразим йўқ бойдан, отам!

— Қизим, кўп кўрма кунингни,  
Қайириб букларман белингни,  
Кесарман қизил тилингни,  
Ўз ҳолингни билгин, қизим!

— Бой қилмоқчи зўрликларни,  
Биздай молсиз шўрликларни  
Яқин қилиб, не қилади?  
Бой ўз тенгин топсин, отам!

— Худо қўшса, дийдор насиб,  
Бой сени кўрди муносиб,  
Бойга кўп қизлар талашиб,  
Тегамиз деб юрар, қизим.

— Текканлар тексин, тегмасман,  
Тегиб бошимни эгмасман,  
Қиз бўлмоққа беш йилим кам,  
Нақ ўн бешда ёшим, отам!

— Ўн тўртда ўтов эгаси,  
Бойнинг бўлсангиз бекаси,  
Севимли ёрга барчаси  
Хизмат қилиб турар, қизим!

— Хотинга қандай хизматкор?  
Ҳар кимга Оллоҳ мададкор,  
Катхудо, дуруст жавоб бер,  
Хизматкоринг кимдир, отам?

— Олға босган ниятинг бор,  
Зулайҳодай келбатинг бор,  
Бой оғангда уч хотин бор,  
Хизматкоринг шулдир, қизим.

— Катхудо бўлайин дедингми?  
Бойдан кўп пора едингми?  
Сен мени лойиқ кўрдингми?  
Уч хотин устига, отам?

— Хотинлар ётар йўлингда,  
Мақсадинг битар ўйингда,  
Ихтиёр бойнинг кўлинда,  
“Миқ” этолмас сенга, қизим.

— Ул уч хотин бойда бўлса,  
Кенг саройдай жойда бўлса,  
Ўз қизинг бер, фойда бўлса,  
Бошқа сўзни қўйгин, отам.

— Қирқилсин бу қизил тилинг,  
Тезроқ хароб бўлсин кунинг,  
Очилганда сўлсин гулинг,  
Мени вайрон этдинг, қизим.

— Нима, сеники жўнмиди?  
Уч хотин меңдан каммиди?  
Олтин ва кумуш тенгмиди?  
Ҳеч билмаган фарқин, отам.

...

— Қизим, ўлгунча тинч юрма,  
Тенгинг топиб даврон сурма,  
Хўрлик чексанг меңдан кўрма! —  
Деб катхудо тилин торғди.

Қари сўздан қолди тўхтаб,  
Қизни сукиб, “вой”лаб, “ух”лаб,  
Бор кучини белга тўплаб,  
Аччиқ билан минди отни.

Куни билан емсиз турган,  
Оч қолиб, ҳоли қуриган,  
От оёғин босди зўрдан,  
Юролмасдан қотди-қолди.

— Менинг кайфим билмайсан деб,  
Очдан сира ўлмайсан деб,  
Нега чопиб юрмайсан деб,  
Чол отига қамчи тортди.

Қамчи тегди-ю сонига,  
Аччиғи ўтиб жонига,  
Қарамасдан ҳой-ҳойига,  
От қарини олиб қочди.

Ўт чайнамай йўл юрмаган,  
Тулпордай қамчи суймаган,  
Сонига чивиқ тегмаган  
От оғзидан кўпик сочди.

Кунин кўрсатди қарининг,  
Катхудо бўлган шўрлининг,  
Оч ёби қилиб зўрлигин,  
Ҳа демай орани очди.

Асли ҳайвон, аста кетмай,  
Қарининг айтганин этмай,  
Чолнинг отга кучи етмай,  
Ҳуши учиб, ёмон шошди.

Ола қуюн жўнсиз чопиб,  
Чол жонига солиб хавф,  
Гоҳ тикланиб, гоҳи оғиб,  
Бир овулга аралашди.

От келмоқда учиб-шошиб,  
Итлар чиқди вовуллашиб,  
Бола-чақа қий-чув солиб,  
Отга қараб тупроқ сочди.

\* \* \*

Эшитсангиз энди отдан,  
Беихтиёр йўлда чопган,  
Болалар сочган тупроқдан  
От ҳам ҳуркиб кетган экан.

Кўтарилиб чолнинг бўксаси,  
Узангидан тойиб ўкчаси,  
Ерга тўғриланиб енгсаси,  
Отдан оғиб тушган экан.

Қари қолди отдан қулаб,  
Қув оғочдай ерга шувлаб,  
Ҳам туршигиб<sup>1</sup>, эти жувуллаб,  
Жони халқумга келган экан.

Баданидан тинка кетиб,  
Озори миясига ўтиб,  
Қатхудо чол амал тутиб,  
Ўмровин кўтарган экан.

Ололмади ўзин эплаб,  
Зўрға дам келди ҳарсиллаб,  
Кўрайин деб озроқ сўйлаб,  
Оғзин қимирлатган экан.

Иягига келиб жони,  
Сўзлай деса чиқмай уни,  
Бош тиклолмай айтди шуни,  
Кўнглиндаги гапи экан:

\* — Осийлик қилиб худоёга,  
Қари от баҳслашиб тойга,  
Совчи бўламан деб бойга,  
Савдоларга тушган бошим.

<sup>1</sup> Туршигиб — эти увишиб.

Жон соғ пайтим етмай элга,  
Тириклай оёқларим гўрда,  
Қоларманми ушбу ерда,  
Элга кулги бўлган бошим.

Асби жаллоб<sup>1</sup> тилин олиб,  
Алдов сўзга қулоқ солиб,  
Элу юртга расво бўлиб,  
Ёмон отга қолган бошим.

Инжитмайин деб дўстимни,  
Кўзимдан тўқдим ёшимни,  
Ёш қилиб қари бошимни,  
Қизга совчи бўлган бошим.

Борган билан сафар ўнгмай,  
Кўнглимда деганим бўлмай,  
Очилмаган манов манглай,  
Биёбонда қолган бошим.

Буздим-ку обрў-шаънимни,  
Ит, қуш ер бўлди танимни,  
Тандаги ширин жонимни,  
Ёнар ўтга солган бошим...”

Айтиб бўлолмаёқ сўзин,  
Ўлим-тупроқ босди юзин,  
“Ҳеч тўймаган икки кўзим,  
Бир қисм чанга тўлган бошим!”

\* \* \*

Бул сўзимда ғалат йўқдир,  
Золимларнинг кўнгли тўқдир,  
Замон шундоқ бузилибдир,  
Кўз ёшни ким кўрар экан.

Байт бу хатга чизилмоқда,  
Ночор-гадо эзилмоқда,  
Замон шундоқ бузилмоқда,  
Одил замон келармикан?

<sup>1</sup> Жаллоб — от савдоси билан шуғулланувчи киши.

Шодланишиб, тўйлар тўйлаб,  
Эркимизга кулиб-ўйнаб,  
Аёл-қизлар кундай яйраб,  
Юрар кунлар бўлармикан?

Бердимурод, ҳолингни бил,  
Фойда йўқ бўлсанг ҳам булбул,  
Сен ҳам кетарсан, шайингни қил,  
Сўзим тамом бўлган экан.

### ХОРАЗМ<sup>1</sup>

1. Аввалки, айтсам бисмилло,  
Бисмилло — ислом қуввати.  
Айтингиз астафирилло,  
Дини Муҳаммад уммати.

2. Бисмиллодир ишнинг боши,  
Дарвишларнинг кўзда ёши,  
Бўлса иймони йўлдоши,  
Тонгла явмул қиёмати.

3. Баланд тоғлар, сувсиз чўллар,  
Анда бордир узоқ йўллар,  
Бажо келтир, осий қуллар,  
Фарзу вожиб, ҳам суннати.

4. Савол осон бўлмай гўрда,  
Рўзи қиёмат маҳшарда,  
Ул сиротдан ўтар ерда  
Бўлмай Расул шафоати.

5. Хоҳи ошкор, хоҳи пинҳон,  
Йўқдан бор айлади субҳон,  
Қудрат билан еру осмон,  
Барча юлдузлар — зийнати.

<sup>1</sup>Ушбу манзуманинг эски кўлёмаси “Бердимурод сўфининг Хоразмнинг обод ва ҳам хароб бўлганининг баробаринда бир айтган ҳикояти” деб аталади.



6. Туфроқдан яратди инсон,  
Анга берди жисм ила жон,  
Кимдир кофир, ким мусулмон,  
Бари — Одамнинг фарзанди.

7. Арзим эшит беку хонлар,  
Ширинзабон нуктадонлар,  
Эшит, дини мусулмонлар,  
Хоразмнинг ҳикояти.

8. Неъматини жон, неъматини жисм,  
Дини Хоразм бўлди исм,  
Шул Хоразмга уч қисм  
Етди кофирнинг заҳмати.

9. Искандар, мағлуби Дороб,  
Султон Маҳмуд юртни сўраб,  
Чингиз қилиб юртни хароб,  
Бадбахт алайҳил лаънати.

10. Саййид Ота, Саййид Марай,  
Ўтган ишдан хабар берай,  
Манғитда ўлди Давлаттерай,  
Эр-пирларининг каромати.

11. Нодиршоҳ ҳам юртни олди,  
Қўнғирот йиғлаб, Манғит кулди,  
Еси иноқ шунда ўлди,  
Шаҳиди аъло жаннати.

12. Ғойиб Хивага хон бўлди,  
Хўрозбек ҳам султон бўлди,  
Ободон юрт вайрон бўлди,  
Кетди Қўнғиротнинг давлати.

13. Аваз иноқ, етти ўғли бор,  
Бири биридан таъмизкор,  
Еттиси ҳам юртга даркор,  
Элтузар — олийҳиммати.

14. Андин сўнг Муҳаммадраҳимхон,  
Титрашур Курду Гуржистон,  
Етти иқлим соҳибқирон,  
Рустами дoston ҳайбати.

15. Валидир Оллоқулихон,  
Берди худо икки жаҳон,  
Адолатли қутлуғ замон,  
Сулаймон каби шавкати.

16. Берди худойим давлат-бахт,  
Шаҳри Хивадир пойитахт,  
Назар кутби иноқ,  
Етди душманга ғайрати.

17. Кечдилар шоҳи жам-жами,  
Исмоил оби замзами,  
Баҳмонқул иноқ валломий,  
Юртга юрган ҳукумати.

18. Хон ҳазратнинг неча ўғли,  
Ислом учун бели боғли,  
Подшоҳ бўлди Раҳимқули,  
Искандар каби шавкати.

19. Десам подшоҳларнинг жамъин,  
Ларзом урди рўйи замин,  
Марҳуми Муҳаммадамин,  
Умар каби адолати.

20. Оталиқ, бий ўтганлари,  
Муҳаммадраҳимдан бари,  
Элтузархон сардафтари,  
Бий ва тўрамдир фарзанди.

21. Подшоҳлардан истаб карам,  
Бир худодан бўлгай дарам,  
Тангриқули — азиз тўрам,  
Армон, армон ниҳояти.

22. Амири Саййидмуҳаммад,  
Баҳодиру бекдир Аҳмад,  
Подшоҳ бўлди Саййидмуҳаммад,  
Жамшиддек салоҳияти.

23. Андин сунг Муҳаммадраҳимхон,  
Гул юзлари моҳи тобон,  
Шукр қилинглар, этманг армон,  
Бул ҳам худонинг қудрати.

24. Кетди расул фаҳри жаҳон,  
Озори онг охир замон,  
Кўринди ҳар турли нишон,  
Ҳар юзда бир аломати.

25. Во дариғо, юз минг армон,  
Қутбул-ақтаб — ул Отажон,  
Тиловату хатми Қурьон,  
Туғди қодирнинг соати.

26. Сифиндим Ҳазрати Паҳлавон,  
Ширин жоним сенга қурбон,  
Кенжа қўзим — Тўрамураддон,  
Асл авлоднинг фарзанди.

27. Ҳақ амрига белин боғлаб,  
Юрак-бағрин ўтга доғлаб,  
Хоразм учун хон йиғлаб,  
Хонайи Каъба нияти.

28. Қурьон ўқиб этди савоб,  
Олимлардан олиб жавоб,  
Каъба бориб қилди тавоб,  
Қабул бўлгай зиёрати.

29. Неча вазир, неча маҳрам,  
Камол дунё сийму зар ҳам,  
Сайидҳасан, Абдулла тўрам,  
Ёғсун худонинг раҳмати.

30. Абдулла хон, Қутлуғмуродхон,  
Келди магар даврон ёлғон,  
Сартнинг туби бўлди вайрон.  
Ичди ажалнинг шарбати.

31. Ҳар ким ёмон бўлса ўзи,  
Рўсиёдир анинг юзи,  
Подшоҳларни тутди тузи,  
Қолмади сартнинг зурёди.

32. Бу сўзнинг йўқ шубҳа-шаки,  
Бўлди мақсуд кўнгилдаги,  
Муҳаммадризо кушбеги,  
Юртга тақсим тарбияти.

33. Аввал Шоҳниёз оталиқ,  
Юртга етди давлатхоҳлик,  
Ўғлидир Солий оталиқ,  
Бобожонбекдир авлоди.

34. Яна ҳам Вали оталиқ,  
Ўғли анинг Тўра оталиқ,  
Оқлиғи<sup>1</sup> Ҳаким оталиқ,  
Подшоҳларнинг ҳамсуҳбати.

35. Суюнбий ва бийдир Оллош,  
Шомурод иноқ — бари қардош,  
Ёвли кунда қилур бардош,  
Қилич урган зарбияти.

36. Араби от мин, темир тўн кий,  
Мард бўлсанг тўғри ёвга тий<sup>2</sup>,  
Саййидназарбий, Худоёр бий,  
Йигирма бешнинг жамоати.

<sup>1</sup> Оқлиғи — набираси.

<sup>2</sup> Тий — тег.

37. Қози ўрда, қозикалон,  
Улуғ тўра, аълам, эшон,  
Ҳақ шариат, Куръон калом,  
Дини исломнинг қуввати.

38. Сабри бало, рози қазо,  
Руху жона чекма жазо,  
Беги Нақиб хужа,  
Подшоҳларнинг ҳамсуҳбати.

39. Урганчу, Хиваю Шовот,  
Шакар чайнаб, қанду новвот,  
Неча йиллар бўлди обод,  
Дин Хоразм вилояти.

40. Олти сон ўғли алаши,  
Ўрунбор деган қалъаси,  
Ёйиқ бўлди чегараси,  
Юрди қаламнинг қудрати.

41. Оқмасжид, Тошкенду Кўқон,  
Қонли ер, Қобили Бўстон,  
Андижону ҳам Марғилон,  
Шунга етди сиёсати.

42. Шаҳри Бухор ҳам чекилди,  
Саваш бўлди, қон тўкилди,  
Амир босилди, йиқилди,  
Бузрукларнинг шарофати.

43. Атраку Гургон, Мариси,  
Панди марчакдир ораси,  
Жумла оиладир боласи,  
От чопиб етди хизмати.

44. Қизил гумбаз Машҳад борди,  
Тағин тошдан йўллар солди,  
Курду Гуржистон қўзғалди,  
Эрон, Теҳрон, Астрободи.

45. Во дариго, юз минг армон,  
Топилмади дардга дармон,  
Бир худодан бўлди фармон,  
Урди фалакнинг офати.

46. Тулға<sup>1</sup> синди, туғ йиқилди,  
Ҳар тарафдан ўт ёқилди,  
Тошди, дарёдай тўкилди,  
Қайтди Хоразм давлати.

47. Замон айланди, айланди,  
Нодон билмас, неча айланди,  
Ўнгдан сўлга терс айланди,  
Келди кофирнинг навбати.

48. Орага душман сўз солди,  
Дўстдан дўстнинг кўнгли қолди,  
Ўрус келиб юртни олди,  
Шу бўлди фалак офати.

49. Юртимиздан давлат кетди,  
Ғўччоқлардан<sup>2</sup> ғайрат кетди,  
Дини исломдан қувват кетди,  
Бўлди кофир мусаллати.

50. Неча денгиз, неча дарё,  
Неча замон, неча гиря,  
Берди кофирларга жизя<sup>3</sup>,  
Шундоқ бўлди оқибати.

51. Тўғри, тўғри, тўғри сўзла,  
Дини исломнинг йўлини кўзла,  
Ризқингни бир ҳақдан изла,  
Этма кофирнинг хизмати.

52. Кеттилар шоҳи жам-жами,  
Олурлар сени кам-ками,  
Гавҳарга урар мис занги,  
Урар сенга кайфияти.

<sup>1</sup> Тулға — бу ерда, тахт маъносиди.

<sup>2</sup> Ғўччоқ — ёш йиғит.

<sup>3</sup> Жизя — солиқ тури.

53. Ҳаққа йиғлангиз зорузор,  
Тилагингни берар Жаббор,  
Шул бўлмагай деб хавфим бор  
Бани Асғарнинг сифати.

54. Бу кофирга навбат етмиш,  
Олимлар Куръонда кўрмиш,  
Шом-шарифдан қайтар эрмиш,  
Шундан топилмиш офати.

55. Кофир иши бадабаддин<sup>1</sup>,  
Нажот истар лотманотдин<sup>2</sup>,  
Юрт қутилмиш мусаллатдин,  
Яқиндир вақти-соати.

56. Одам ўғли, белли билинг,  
Бордир бир бошга бир ўлим,  
Тул, етимга раҳм қилинг,  
Хайрли бўлгай оқибати.

57. Аҳли суннат ҳам мусулмон,  
Худо бирдир, диним ислом,  
Мазҳабимиз Аъзам имом,  
Мустафонинг шариасти.

58. Мусулмона дафъи кушод<sup>3</sup>,  
Дин Хоразм бўлгай обод,  
Зеру забар лотуманот,  
Бўлгай Ҳақнинг инояти.

59. Ёшликда киймишам қалпоқ,  
Эгри эрдим, тилим ялпоқ,  
Қўлдоғли эдим қорақалпоқ,  
Кўнғирот бўлур асли зоти.

<sup>1</sup> Бадабад — тездан, зудлик билан бўладиган иш.

<sup>2</sup> Лот ва Манот — исломдан аввал араблар сиғинган маъбудалар номи.

<sup>3</sup> Дафъи кушод — озод қилиш.

60. Шому саҳар этсам фарёд,  
Бир худони айласам ёд,  
Валади шул Бердимурод,  
Волидидир Холмамбети.

61. Бердимурод — Ҳақнинг кули,  
Саҳрода ўсган булбули,  
Етмиш учда сигир йили,  
Бул бир айтган ҳикояти.

### АҲМОҚ ПОДШОҲ (эртақ-достон)

Ўтган кунларга қарасам,  
Билганлардан ҳам сўрасам,  
Айтган сўзларин тингласам,  
Кўп аломат бўлган экан.

Биров йиғлаб юрар доим,  
Назар солмасдан худойим,  
Кетиб иқболнинг обрўйи,  
Ичи дардга тўлган экан.

Тақдири ёлчитмай, терс боқиб,  
Чивин жонин ўтга ёқиб,  
Кўзидан қонли ёш оқиб,  
Умри зое ўтган экан.

Душманига сирни айтмай,  
Келган ерда сўздан қайтмай,  
Дўстни кулдириб, мунғайтмай,  
Не бир мардлар ўтган экан.

Кучин йиғиб, қувват ортиб,  
Номус деб жонга тиг тортиб,  
Халқининг кўз ёшин артиб,  
Не асллар ўтган экан.



Ўтмасдан одам ҳисобга,  
Чидаёлмай бул азобга,  
Лаънат айтиб ноинсофга,  
Халқ ҳам тўзғиб-кўчган экан.

Ола ип осиб бўйнига,  
Кўз ёши тўкилиб қўйнига,  
Тушиб сойиллик йўлига,  
Асан қайғи<sup>1</sup> ўтган экан.

Зафаърон бўлиб юзлари,  
Жовдираб икки кўзлари,  
Тингланмай айтган сўзлари,  
Жийранчалар<sup>1</sup> ўтган экан.

Қайғу бўп хондан бир назар,  
Қозондай қайнаб миялар,  
Овқатсиз, уйсиз, дарбадар,  
Сонсиз халқ тўзғиган экан.

Тенглик топмай, хўрлик билан,  
Кун кўриб оч, торлик билан,  
Эрки кетиб, зорлик билан  
Кўпи сургунда юрган экан.

Шул азоб бошдан аримай,  
Золимлар қонга қорилмай,  
Қора булут қоқ ёрилмай,  
Бул замонга етган экан.

\* \* \*

Аввал-ҳо бўлиб отадан,  
Туғилиб мушфиқ онадан,  
Чиқдим илоҳий хонадан,  
Бул фонийга бўлдим қўноқ.

---

<sup>1</sup> Асан қайғи, Жийранча — XV асрда яшаб ўтган халқ шоирлари, донишмандлар

Келдим кўз очиб дунёга,  
Кўз солиб қийир-қияга,  
Кўп меҳнат кетибди зояга,  
Кўрдим барин бошдан-оёқ.

Ҳангома айтса бирор чол,  
Фойда-ку бу дея дарҳол,  
Зеҳн-ла тинглаб бемалол,  
Насиҳатта қўйдим қулоқ.

Кўп кўрди кўзим торликни,  
Орқаланган оч халқни,  
Даф бўлсин дедим хорликни,  
Сўзламадим ёлғон-қуроқ.

Дўстни мунғайтгим келмади,  
Бироқ душман йўл бермади,  
Ўссам, қиличдин сермади,  
Ортинда қолмас деб туёқ.

Қилич кесиб бутогимни,  
Ундирмади урпогимни,  
Шўрлоқ қилди тупрогимни,  
Бўлдим чўлда ўсган қиёқ.

Кўзимдан оқиб қонли ёш,  
Ғамдан арилмай юмур бош,  
Гул ҳам тиконим аралаш,  
Қия чўлга бўлдим қўноқ.

Кўрдим кўз билан нечани,  
Кўп таажжуб андишани,  
Бўлдим бир элнинг чечани,  
Бул бошимга қўнмади бахт.

Менда эди энг югрук тил,  
Очилмади боғимда гул,  
Бевақт сайраб бўлдим булбул,  
Бўстоним бўлмади бироқ.

Юрганимда шундай бўлиб,  
Хазон урган гулдай сўлиб,  
Кетди ичим дардга тўлиб,  
Бошга тушиб оғир салмоқ.

Қарасам, ёшим етибди,  
Тиш тушиб, ишим битибди,  
Йигитлик бошдан ўтибди,  
Говгум тортиб уёқ-буёқ.

\* \* \*

Қўлимга дутор олганда,  
Оқдарё томон борганда,  
Бир қиссани ёд олганда,  
Янгисини юрдим ўйлаб.

Кўп йил ўйлаб юргандан сўнг,  
Яхши-ёмон билгандан сўнг,  
Ёш элликка келгандан сўнг,  
Кўнгил бердим унга чинлаб.

Ёздим бир йил — ўн икки ой,  
Фамгин кўнглим ҳеч хуш бўлмай,  
Ўз гапимга кўнглим тўлмай,  
Илҳом отин қувдим қистаб.

Қадримни менинг халқ билар,  
Халқ билмаса, балиқ билар,  
Ўлмаган сўзимни кўрар,  
Ҳамда қадрлар қўлга ушлаб.

Олтин ҳар бир айтган сўзим,  
Сўзмас, улар — менинг ўзим,  
Юмилгунча икки кўзим,  
Ҳар вақт турар яйраб-яшнаб.

Хато бўлса, сўкманг, дўстлар,  
Қадрдон қурби-қурдошлар<sup>1</sup>,  
Бердимурод сўзин бошлар,  
Маънисини кўринг англаб...

<sup>1</sup> Қурби-қурдошлар — тенгдош йигит-қизлар.

## I

Эга бўлиб олтин тахтга,  
Заҳрин сочиб шунча халққа,  
Солиб кўпларни қулликка,  
Не подшоҳлар ўтган экан.

Хоҳлаганча суриб даврон,  
Хазиначар алвон-алвон,  
Донғи ошиб бир қари хон  
Кўп йил даврон сурган экан.

Кунлардан кунлар ўтганда,  
Йил ўтиб, ойлар етганда,  
Ёши саксонга келганда,  
Подшоҳ оғриб ўлган экан.

Қари хон дунёдан ўтди,  
Тожу тахтин ташлаб кетди,  
Ўғлига подшоҳлик етди,  
Ўғли тахтга минган экан.

Минди бола олтин тахтга,  
Кўп қувонди келган бахтга,  
Ойболтани ушлаб шартга,  
Ота йўлин қувган экан.

Келди йигит ўн саккизга,  
Кўп зулмлар тушди эсга,  
Бармоқ билан туртиб кўзга,  
Жуда золим бўлган экан.

Қаҳрланиб боғлади бел,  
Тинди ҳатто оққан сув-сел,  
Йўл бўлди отадан қолган йўл,  
Ундан ҳам ўтказган экан.

Ёнида бир ақлғўйи бор,  
Тилаги — одам бўлсин хор-зор,  
Арз айтганлар кўпайсин дер,  
Шундай тилак қилган экан.

Ўқиди подшоҳ ёшидан,  
Кетмай мулласи қошидан,  
Давлат тоймади бошидан,  
Талаби юксалган экан.

Суп-сур бўлди қонсиз юзи,  
Заҳар бўлди айтган сўзи,  
Дунёга тўймади кўзи,  
Жуда очкўз бўлган экан.

Келди йигит ўн тўққизга,  
Зеҳни кетди сулув қизга,  
Бул фикрин айтди бирозга,  
Ишқ дардига тушган экан.

Барча халқини йиғдириб,  
Жўнсиз фармонни суйдириб,  
Сиртдан никоҳлар қийдириб,  
Қирқ сулувни олган экан.

Нафси не деса, қочмади,  
Элдан қиз йиға бошлади,  
Кўнглини шундоқ хушлади,  
Гўзалларни қучган экан.

Ёш эди барча олгани,  
Сиртидан никоҳ қилгани,  
Йиғлади келтирганлари,  
Кўпи азобда қолган экан.

Тўймади халққа солиқ солиб,  
Изида ёмон номи қолиб,  
Уст-устига хотин олиб,  
Шоҳнинг талаби ошган экан.

“Сулув бўлса пари мисол,  
Юзлари нур сочган ҳиллол,  
Вақт ўтказмай ушланг дарҳол!” —  
Деб ул фармон қилган экан.

“Гүзалларга дунё-молим,  
Айтган сўзга қулоқ солинг,  
Гар бермаса, тортиб олинг,  
Шоҳ амри — шул!” — деган экан.

Ясовуллар буни тинглаб,  
Сўз жўясин билиб-англаб,  
Оламиз деб қизни танлаб,  
Эл оралаб чопган экан.

Подшоҳ қолди маъқул кўриб,  
Оқ ўтовни катта кериб,  
Қирқ қиз билан даврон суриб,  
Навбат билан қучган экан.

Кўшини тикиб Қувликўлга,  
Кўшилолмай қалин элга,  
Чизим-ипин боғлаб белга,  
Бир балиқчи юрган экан.

Куни қолиб балиқовга,  
Дуч бўлиб шундай аҳволга,  
Миниб олиб якан солга,  
Кўлга тўрин солган экан.

Сувлар тошиб бўлса ўйин,  
Оқбалиқнинг кўриб тўйин,  
Ўнлаб, юзлаб буқабуўйин  
Шул овдан у олган экан.

Қора қошлари қийилган,  
Оғзи ўймоқдай ўйилган,  
Хуснда донги ёйилган  
Ёлғиз қизи бўлган экан.

Яратган аямай хусни,  
Қўшган каби ою кунни,  
Ёруғ қилиб қора тунни,  
Қиз бир гавҳар бўлган экан.

Қора сочу, юпқа дудок,  
Бел бир сиқим, оплоқ томоқ,  
Узун бўйли ҳам кенг кучоқ,  
Пари каби бўлган экан.

Келбатланиб келган бўйи,  
Зиёд эди ақлу ўйи,  
Лек камбағаллик обрўйи  
Умрин адо қилган экан.

Отасига кўмак бўлиб,  
Кунда қўлга овин солиб,  
Хуснга тўлиб, гулдай сўлиб,  
Кўп азоблар кўрган экан.

Бир марта ўйнаб-куллолмай,  
Яйратиб кийим киёлмай,  
Тенг-қурдош билан юролмай,  
Элдан четда ўсган экан.

Дард узра яна дард бўлиб,  
Қайғуга кўнгил кўмилиб,  
Ўн ёшинда она ўлиб,  
Гулим етим қолган экан.

Етим қолди онасидан,  
Айрилиб гуллоласидан,  
Киприк эгилиб кўз ёшидан,  
Қайғу билан юрган экан.

Йўлдош қилиб қайғу-дардни,  
Йиғлаб-сиқтаб куни ўтди,  
Тўлишди, Гулим бўй етди,  
Отаси қартайган экан.

Ота ночор, кўздан қолиб,  
Заъфарондек юзи сўлиб,  
Қизнинг ўзи ёлғиз бўлиб,  
Қари отасин боққан экан.

“Қизимнинг бахти очилгай,  
Устига дурлар сочилгай,  
Севгани билан қўшилгай!..” —  
Деб чол тилак қилган экан.

Сўраб кунда билмаганин,  
Кўрмагани, кўрганларин,  
Чол ҳам айтиб билганларин,  
Чункиллашиб<sup>1</sup> юрган экан.

Қизи солиб ов-тузоғин,  
Олиб кўлнинг оқ чавоғин,  
Оч қолдирмай чол томоғин,  
Ота рози бўлган экан.

Тийиб қари кўзнинг ёшин,  
Саждасига қўйиб бошин,  
Бериб қизга фотиҳасин,  
Ҳаққа дуо қилган экан.

Қиз отасин қадрлади,  
Сўқирлигин билдирмади,  
Чўп-тиконга илдирмади,  
Хўб парвариш қилган экан.

Қиз тўқиб якан чиптани,  
Тизиб қамишдан чатмани,  
Ювиб-чайиб кир латтани,  
Ишин пукта қилган экан.

Маконлаб кўлнинг ёқасин,  
Қисмалаб қамиш чатмасин,  
Тўқиган чий ва чатмасин,  
Кулба олдиға тутган экан.

---

<sup>1</sup> Чункиллашмоқ — “чунк-чунк” овоз чиқармоқ. Аслида по-  
лопон-жўжаларга нисбатан ишлатилади. Бу ерда, биргаликда де-  
моқчи.



Чизим-ип эшиб отаси,  
Шу бўлиб қилар бир иши,  
Кучларин қўшиб иккиси,  
Кўп чишта тўқиган экан.

Шундай қилиб кунлар ўтди,  
Отасин парвариш этди,  
Толчивиқдай бўйга етди,  
Ақли зийрак бўлган экан.

Қўл-оёқ ипсиз матовда,<sup>1</sup>  
Шукр этиб ҳар кун шу овда,  
Олти йил ушбу атовда<sup>2</sup>  
Ота ва қиз турган экан.

Қош қорайиб, кун ботганда,  
Япалоқ қанот қоққанда,  
Қушлар уйкута ётганда,  
Шоҳдан одам келган экан.

Хон юборган ясовуллар,  
Сайлаб элдан қиз олганлар,  
Ожизга зўрлик қилганлар,  
Шул атовга келган экан.

• • •

Ҳақдан тилаб бир тилагин,  
Кўтариб қараб иягин,  
Ёстиқ қилиб оқ биллагин,  
Қиз кулбада ётган экан.

Булқ-булқ титраб оқ томоғи,  
Сир айтишиб лаб-дудоғи,  
Ботиб тулумда<sup>3</sup> мунчоғи,  
Бир ёнбошлаб ётган экан.

<sup>1</sup> Матов — боғлов.

<sup>2</sup> Атов — орол.

<sup>3</sup> Тулум — бадан, вужуд.

Ухлаёлмасдан уйинда,  
Икки оёғи гүринда,  
Ота бечора тўринда  
Хаёл босиб ётган экан.

Қамиш кулбанинг ичинда,  
Ёмон туш кўриб тушинда,  
Уйғониб туннинг ярминда,  
Қиз жуда ҳовлиққан экан.

Ўратилиб қиз бўйнига,  
Қасд қилиб азиз жонига,  
Бир қора илон қўйнига  
Чуватилиб кирган экан.

Кетмасдай қилиб эсидан,  
Қони қочиб сур тусидан,  
Чақди илон қиз тўшидан,  
Қиз чўчиб уйғонган экан.

Сезди отаси бул ишни,  
“Кўрдингми бирор шум тушни?  
Қизим, ўйингга не тушди?  
Нега уйғондинг?” — деган экан.

“Кўзим йўқ, мен бир сўқирман,  
Ерни қармалаётирман,<sup>1</sup>  
Паймонам тўлган фақирман,  
Яна не дард?” — деган экан.

Хафа қилмай қиз отасин,  
Кучоқлади суяб бошин,  
Артди юзидан кўз ёшин,  
“Мунғайманг ҳеч” — деган экан.

“Ўзим ўлмасдан юрсам бас,  
Бул ишнинг охирин кўрсам бас,  
Ота, иш жўнин топсам бас,  
Хафаланманг” — деган экан.

---

<sup>1</sup> Қармаланмоқ — пайпасланмоқ.

“Кўтар, отажон, бошингни,  
Оқизма кўздан ёшингни,  
Тиланиб топган қизингни  
Хафа қилма”, — деган экан.

Шунда порлаб қиз ёноғи,  
Тўпланди кучи, салмоғи:  
“Бул ерларга ёв келмоғи  
Қийин бўлар!” — деган экан.

Отасини қиз юпатди,  
Қайғуларин нари отди,  
Келиб ўз ўрнига ётди,  
Ёстиққа бош қўйган экан.

Қичқиришар бирин бири,  
Ажабтовур ишнинг тури,  
Чопган отларнинг дупури,  
Қулоғига келган экан.

Кўринг дунёнинг бул ишин,  
Тўғри келдими ё туши,  
Ёйилиб сочининг учи,  
Тиздан қувват кетган экан.

Дуруллашиб учгандай қуш,  
“Ҳой, қайдасан? Буёққа туш!  
Мана уйи!” — деган товуш  
Яқинлашиб келган экан.

Шунда қиз ўрнидан турди,  
Бир бало бўлишин билди,  
Эшикка ҳам тамба урди,  
Маҳкам қилиб босган экан.

Айтган гапларин эшитди,  
Қўймай бекитди тешикни,  
Ёвчилар тепди эшикни,  
Бузиб кирмоқ бўлган экан.

Қиз ҳам кучини йиғнади,  
Чивин жонини қийнади,  
Уйида нарса қўймади,  
Барин тамба қилган экан.

Сўқир қари ҳам букчайиб,  
Гавдасин ташлаб, бош эгиб,  
Қувватин йиғиб, кучланиб,  
Эшик тутиб турган экан.

Кўпмикин келган золимлар,  
Ойболтасин урди алар,  
Ичда қўрқиб турди булар,  
Жонга титроқ кирган экан.

Бақришар: “— Эшикни оч!  
Очмасанг, бўлдинг қовурмоч!  
Тез ўласан ёйиб қулоч!” —  
Деб ваҳима қилар экан.

Ёв нияти аниқ бўлди,  
Неча навкар шоҳдан келди?  
Тағин кучин тўшлаб энди  
Эшикни зич ёпган экан.

Чидам бермай шунча кучга,  
Меҳнатлари кетиб ҳечга,  
Чалқанчага қулаб ичга,  
Ёв босдириб кирган экан.

Бирдан бошлаб бузук йўлин,  
Аланглаб қараб ўнг-сўлин,  
Сулув қизнинг ушлаб қўлин,  
Боғламоқчи бўлган экан.

Шунда қиз қаттиқ жекради<sup>1</sup>,  
Уйнинг тўрига сакради,  
Қулига болта ушлади,  
Қаҳри қаттиқ келган экан.

<sup>1</sup> Жекради — жеркиш, қарғаш

Кўрқди шул маҳал келганлар,  
Эшикни бузиб кирганлар,  
Кўзи олайган манманлар,  
Жим-жит бўлиб қолган экан.

Қиз шунда: “Қани, айтинглар!  
Не юмуш билан келдинглар?  
Дарров орқага қайтинглар!  
Бу не зўрлик?!” — деган экан.

Шунда бирови сўзлади:  
“— Подшоҳ юборди бизларни,  
Излаймиз гўзал қизларни,  
Сизга келдик!” — деган экан.

“— Эшитдик сенинг отингни,  
Биламиз асли зотингни,  
Донги кетган сифотингни!” —  
Деб мақтовлар қилган экан.

“— Гўзал экансан келишган,  
Хабарин ўзинг берибсан,  
Хоннинг тушига кирибсан,  
Обкетамиз!” — деган экан.

“ — Сизга ошиқ подшоҳимиз!  
Сиз бўласиз хон, шоҳимиз!  
Сизга олтин саройимиз!  
Шоҳим кучар!” — деган экан.

Қиз деди шунда:” — Уятсиз!  
Барингиз қора ниятсиз!  
Ёмон гапларни қиларсиз!  
Сандрақламанг!— деган экан.

“— Уятсизлар! Ҳаром яра!  
Айтиб турган гапин қара!  
Қандоқ сийласин фуқаро  
Сендайларни?!” — деган экан.

“— Айтиб боринг шоҳимизга,  
Қулоқ солсин оҳимизга,  
Энди биздай етим қизга  
Навбат етиб қолдимикан?

Шоҳга нима бўлган ўзи?  
Хотинга тўймасми кўзи,  
Яқинда олган қирқ қизи  
Кампир бўлиб қолдимикан?!

Дуойи салом денг хонима,  
Қўйсин мени ўз ҳолима,  
Қойилман совчиларингта!” —  
Деб қиз қаҳри келган экан.

Ёвчилар қайтмади раъйдан:  
“— Сен ўжар қиз чиқдинг қайдан?  
Қизмисан ёки сен бир шайтон ...” —  
Деб бари интилган экан.

Пойлаб ишнинг битар ёғин,  
Силтаёлмай ёв-яроғин,  
Қилиб пўписаю дўғин,  
Ушламоқчи бўлган экан.

Ёнида эди отаси,  
Қизнинг қўлинда болтаси,  
“Шумасми манглайинг ўртаси?!” —  
Қиз керилиб турган экан.

Болта тегиб қоқ бошига,  
Келолмай қизнинг қошига,  
Бири тушиб чалқасига,  
Ер қучоқлаб қолган экан.

Шунда бир йўғонқорини,  
Олмоқ-чун шерик орини,  
Бир урди сўқир қарини,  
Қиз хабарсиз турган экан.

Қари фақирда не ҳол бор?  
Шум ўлимдан келди хабар,  
У дунёга қилиб сафар,  
Қари бечора ўлган экан.

Ҳайбатланди Гулим шунда,  
Кучи жўш урдию танда,  
Қўрқоқлик қолмади танда,  
Белини боғлаган экан.

Керилиб урди бировин,  
Бўйнига юклаб гуноҳин,  
Эндиги қолган икковин  
Мўлжалга олиб турган экан.

Шоҳ буйруғи эди бундай:  
“Қиз шаддод бўлса ҳам қандай,  
Оқ танига яра солмай,  
Опкелинсин!” — деган экан.

Улар шунда эшик очди,  
Қўрқанидан жуда шошди,  
Отларига мина қочди,  
Илож тополмаган экан.

Кўл қилиб кўзидан ёшин,  
Йўқотиб қиз қиблагоҳин,  
Оқ ювиб марҳум отасин  
Кўл бўйига қўйган экан.

Орадан ўтди олти кун,  
Қайғу-азада қора тун,  
Яна чиқди бир шумлик ун,  
Гулим ҳайрон бўлган экан.

Энди аяшга не қолди?  
Кўнгли яна дардга тўлди  
Яна бир тўп жаллод келди,  
Подшоҳ фармон қилган экан.

Келди подшоҳдан жаллодлар,  
Ёвуз, манман ҳам шаддодлар,  
Остларида тулпор отлар,  
Қизни отга ўнгарган экан.

Келтирди катта шаҳарга,  
Кўнглини тўлдириб заҳарга,  
Кўшди бир тўда қизларга,  
Қиз қафасда турган экан.

Тирналган, қора қонга ботган,  
Бошдан қайғу-савдо ўтган,  
Қафас ичра эрксиз ётган  
Ўзидай бир қиз бор экан.

Қиз билан танишди Гулим:  
“Дардли-ку сенинг ҳам кўнглинг,  
Ё тенгдошсан, ёки синглим,  
Гуноҳинг не?” — деган экан.

— Опажон, сўрамагин буни,  
Очилмас бу иқбол шўри,  
Золим шоҳнинг кетиб кўнгли,  
Элдан танлаб сулув йиғди.

Кўйдай чувлатди халқни,  
Кўзга кўрсатди торликни,  
Кўп қилди хору зорликни,  
Одамларнинг эси оғди.

Мен бир гадонинг қизиман,  
Ота-онаминг юлдузиман,  
Шоҳ олдирди, тутқуниман,  
Ит кўрмасин кўрганимни.

Шоҳимизнинг кўнгли хаста,  
Тан бағишла, деди, кечда,  
Опажон, ёшим ўн учда,  
Болалигим кетмаганди.



Арзимни айтдим шундай деб,  
“Отажон” дея ялиндим кўп,  
Ўғирланган қизин излаб  
Ота-онам келган эди.

Душманларимни кулдирди,  
Золимлигини билдирди,  
Ота-онамни ўлдирди,  
Саройига кирган эди.

Ота-онам ўлди, найлай,  
Қизил гулим сўлди, найлай,  
Ёлғиз ўзим қолдим, найлай,  
Шоҳнинг гапига кўнмадим.

Бошга солса ҳам ўлимни,  
Тортмадим асло тилимни,  
Бағишламадим танимни,  
Энди қафасга йўллади ...”

Шундан сўнг Гулим ҳам айтди,  
Бўлган барча аломатни,  
Подшоҳдан келган зулматни,  
Бошдан баён қилган экан.

Ёшга тўлдириб қиз кўзин,  
Йўқотай деб ҳатто ўзин,  
Гулимнинг айтган ҳар сўзин,  
Оҳ уриб тинглаган экан.

Шул пайтда келди биров:  
“— Қани, олдга тушинг дарров,  
Шоҳим сизларга солди сўров!...” —  
Деб уятсиз кулган экан.

Аввалги қизларни қолдирди,  
Эшикка қулф ҳам солдирди,  
Подшоҳ Гулимни олдирди,  
Ҳуснини кўрмаган экан.

Подшоҳ кўрди қиз келбатин,  
Қошлари қундуз, зийнатин,  
Бошлади ҳаром ниятин,  
Кузгун панжа урган экан.

Шунда шоҳ қизга — оқ ойга:  
— Сулув, келибсиз саройга,  
Не арзингиз бор подшойга? —  
Деб бир савол қўйган экан.

Қиз деди шунда: “— Хонимиз,  
Қийналди чивин жонимиз,  
Англаб ожиз аҳволимиз,  
Муҳлат беринг,” — деган экан.

“— Ниятланманг бузуқ ишга,  
Обрўйингиз олинг эсга,  
Бул иш ярашмайди сизга,  
Сиз — подшоҳсиз ...” — деган экан.

Шул пайтда подшоҳ бақирди,  
Ходимларин чақирди,  
Бир ҳийла маслаҳат қурди,  
Қизни беҳуш қилган экан.

Қўл-оёғин кериб-ушлаб,  
Бузуқ ниятларин бошлаб  
Шоҳ қизга ўмгагини ташлаб,  
Илон каби чаққан экан ...

Эсин йиғиб келар куни,  
Зўрға чиқди қизнинг уни,  
Хазон бўлиб қизил гули,  
Дардга дард илашган экан ...

\*\*\*

Шоҳ қизга никоҳ кийдирди,  
Олтин-кумушлар уйдирди,  
Гулим кўнглин хушлаб қўйди,  
Шуйтиб даврон сурган экан.

Ақлга солмади ўйлаб,  
Шум нафсини дилга жойлаб,  
Эл оралаб, сулув сайлаб  
Яна қирқ қиз олган экан.

Сиқувлар ортиб дўзахдан,  
Халқи йиқилиб азобдан,  
Золим кўпайиб ён-ёқдан,  
Зулук каби сурган экан.

Тушиб кунлари торликка,  
Халқ кўнмади бул зорликка,  
Чидамай бундай хорликка,  
Ҳамма кучин йиққан экан.

Кимлар аҳд-паймон этдилар,  
Подшоҳга арзин айтдилар,  
Тенглик тополмай қайтдилар,  
Хонга қарши борган экан.

“Инсофи йўқ, ҳой раҳмсиз!  
Ўлар бўлдиқ хўрликдан биз,  
Бало ёғдирдинг мингми-юз”, —  
Деб подшоҳга айтган экан.

Подшоҳ ёмон қаҳрланди,  
Оғу сочиб заҳарланди,  
Халқнинг ниятини билди,  
Уни ҳам дард босган экан.

Арз айтгани ушлаб олди,  
Бўйнига қил чилвир солди,  
Қарқиратиб молдай чалди,  
Халқни ёмон қисган экан.

Жилға, сойга оқди қонлар,  
Қийилди гуноҳсиз жонлар,  
Ўтга қорилди товонлар,  
Темир уйга тикқан экан.

Қарши чиққанни ўлдирди,  
Товонларини тилдирди,  
Учоғочига<sup>1</sup> илдирди,  
Халқ чувлаб тўзғиган экан.

Одам ўлди, қон тўкилди,  
Бегуноҳ бошлар кесилди,  
Ипақдай сочлар эшилди,  
Мол ўрнига кетган экан.

Одамзодни кўшга кўшиб,  
Шаҳло кўзларни ёш тўсиб,  
Тинч аҳоли уйдан қочиб,  
Ён-ёққа тарқашган экан.

Сўзнинг анигин айтганда,  
Дардни тагин мўлайитганда,  
Одиллик қолмай шоҳларда,  
Халқни ёмон эзган экан.

4

Подшоҳнинг қирқ бир заифи,  
Фарзанд туғмаган — айиби —  
Тилаклар тилаб ғойибий,  
Фарзандга зор бўлган экан.

Дунёнинг юзи тор бўлди,  
Подшоҳ фарзандга зор бўлди.  
Кўнглин тўлдирган оҳ бўлди,  
Ёши элликка келган экан.

Келгунча шунча ёшига,  
Фарзанд эргашмай қошига,  
Дард сизмай дил хонасига,  
Подшоҳ аччиқ қилган экан.

<sup>1</sup> Учоғоч — дор.

“Фарзанд қолмаса изимда,  
Не маъни бўлар сўзимда,  
Айб кўпаяр ўзимда ...” —  
Деб, подшоҳ нолиган экан.

“Келдим мана эллик ёшга,  
Фарзанд суйди мендан бошқа,  
Қаҳрим ўтди қора тошга,  
Фойдаси не?” — деган экан.

“Олдим элдан сулув танлаб,  
Кучдим гўзалларни сайлаб,  
Нортуя бўлдим аланглаб,  
Обрўйим не?” — деган экан.

“Сийнабандлаб югрук миндим,  
Юрт суймаган сулув суйдим,  
Ит чопдириб, туйғун<sup>1</sup> кўйдим,  
Оёқипин безаб жездан.”

Тилла кўшқу саройларда  
Дунё кўшдим дунёларга,  
Қасд қилганни осдим дорга,  
Қора ерни қазиб тиздан.

Кеч эмасдир талаб қилсам,  
Сулувларни яна олсам,  
Ҳақ ёрлақаб фарзанд суйсам ...” —  
Деб подшоҳ ўйлаган экан.

“Бор қилса шул хаёлимни,  
Сочайин дунё-молимни,  
Ўғил туққан аёлимни  
Оқ момиққа ўратайин.

Қиз мероси бўлар кимнинг?  
Кўрсатмагай бундай кунни,  
Қизни туққан хотинимнинг  
Гўштин майда тўғратайин! ...”

<sup>1</sup> Туйғун — овчи қуш

\*\*\*

Подшоҳ шундай деб шарт қилди,  
Шул шартига уч йил тўлди,  
Гулим сулув юкли бўлди,  
Хон буни сезмаган экан.

Буни сизди қирқ бир хотин,  
Ҳали туғмай қўйди отин,  
Ёйиб ҳаммаси қанотин,  
Кўп-кўп тилак қилган экан.

Ётни саройга қўймади,  
Сиртга сира сир бермади,  
Подшоҳга ҳам билдирмади,  
Хуфя қилиб кутган экан.

Орадан ёвни қувгандай,  
Бир ишга бари оққандай,  
Ҳаммаси бирга туққандай,  
Бир тўлғоқ тўлғатган экан.

Бир куни бари йиғналди,  
Ўтириб ҳамма ўйланди.  
Бирови сўзга сайланди,  
У бундай деб айтган экан:

“— Қани, дўстларим, аввал биз  
Юрардик йиғлаб фарзандсиз,  
Энди тилаклар тилангиз,  
Қабул бўлгай”, — деган экан.

“Сездирмайлик ҳеч бир жонга,  
Айтмайлик ҳам буни хонга,  
Ишлар кетмасин ёмонга”, —  
Деб маслаҳат қилган экан.

— Шоҳимизнинг феъли ёмон,  
Аччиқланса тушар туман,  
Ҳақ ёрлақаб туғса омон,  
Билдирамиз, — деган экан.

— Ҳақ ёрлақаб ул кўз ёрса,  
Гулимжон ҳам ўғил кўрса,  
Ўлмаё жони омон қолса,  
Сўнг айтармиз, — деган экан.

Бирови деди шул вақтда;  
— Бўлайлик, қурдошлар, пухта,  
Ҳали бул фарзанд курсоқда ...  
Подшоҳ буни сезмасмикан?

Подшоҳ қизни ёқтирмайди,  
Қиз бўлса, омон қўймайди,  
Қоничар қонга тўймайди,  
Буни ўйланг, — деган экан.

— Шунинг-чун бир ҳийла топинг,  
Гулимга кўрпани ёпинг,  
“Ҳаста” деб бир четда боқинг,  
Маслаҳат шу, — деган экан.

Шул кундан бошлаб оқ томоқ,  
Сочи сунбул, юпқа дудоқ,  
Бир чеккада бўлиб овлоқ,  
Ой-кунини кутган экан.

Хизматкор қул, номи Зарув,  
Чақирсалар келар дарров,  
Керагин ҳозирлаб берув —  
Шунинг иши бўлган экан.

Зарув қари хизмат этди,  
Аямай қилди меҳнатни,  
Аёллар айтди раҳматни,  
Қадрдон бўлиб қолган экан.

Туғмагани “бола туғиб”,  
Ийжон қилиб, майсўк қовриб<sup>1</sup>,  
Бир-бири-ла ўйнаб-кулиб,  
Аёллар чувлашган экан.

<sup>1</sup> Ийжон, майсўк — овқат номлари.

Аёллар кўнгил хушлади,  
Паловга товоқ ушлади,  
Гулимни ҳам аласлади<sup>1</sup>,  
Кўп иримлар қилган экан.

\*\*\*

Кунлардан кунлар ўтганда,  
Тўққиз ой, ўн кун етганда,  
Муҳлатли куни битганда,  
Гулимхон тўлгатган<sup>2</sup> экан.

Билдирмади бошқа жонга,  
Хабар бермадилар хонга,  
Туғар бўлди келар тонгга,  
Ҳаммаси йиғналган экан.

Бақан<sup>3</sup> қуриб оқ ўтовга,  
Этмадилар ортиқ ғовға,  
Юган<sup>3</sup> кериб осилмоққа,  
Барин ҳозирлаган экан.

Юган қистирди бақанга,  
Борди Гулим ҳам ўшанга,  
Азоб бўлди ширин жонга,  
Тўлғоқ қаттиқ бўлган экан.

Икки оёғи тиралди,  
Ипак сочлари эшилди,  
Навбат-навбат тортди белни,  
Қирқ хотин ўтирган экан.

Гулим тувлади сазандай,  
Мийи<sup>4</sup> қайнади қозондай,  
Қизил гуллари сўлгандай,  
Оқ юзи сарғайган экан.

<sup>1</sup> Аласламоқ — ўт ёқиб, одамнинг атрофида айлантирмоқ.

<sup>2</sup> Тўлгатмоқ — тўлғоқ тутмоқ.

<sup>3</sup> Бердақ бу ерда туркий халқлардаги тиббий ҳодиса — аёлларнинг туғиш жараёнини тасвирлаётир. Икки ёнга иккита бақан (Отри оғоч) тиклавиб, ҳомиладор аёлнинг икки қули мана шу оғочларга юган (ип ёки тасма) билан боғланган.

<sup>4</sup> Мий — мия



Қаттиқ бўлди аччиқ тўлғоқ,  
Ёрилди лаблари қоқ-қоқ,  
Қирқ паризод очиб кучоқ,  
Кўп парвона бўлган экан.

“Мен чиқмасман бул дунёга,  
Тинч ётайин шул уяда,  
Нима бор менга ул ёнда?!” —  
Деб гўдак чириллаган экан.

“Мен азобман сенинг учун,  
Она, қувонма мен учун,  
Кетганим яхши эди қирчин”, —  
Деб гўдак йиғлаган экан.

Гулимжон ҳам эсдан толди,  
Қирқ паризод қўрқиб қолди,  
Бир пайт зўрға нафас олди,  
Тўлғоқ қаттиқ бўлган экан.

Ҳамма тилак тилаб турди,  
Оқ шуълали, юзи нурли,  
Пари каби бир қиз туғди,  
Ҳамма ҳайрон қолган экан.

Кўтариб олди Оқбилак,  
“Тангри ёрли қолсин!” — деб кезак-кезак,  
Бул нима бўлди бизнинг тилак?” —  
Деб аёллар турган экан.

Солди йўргакни Оқузук,  
Кенг феълли, беллари нозик,  
Киндигин кесди Узилдик,  
“Киндикэна” бўлган экан.

Юпанмай чириллади қиз,  
Улоқ каби мангради қиз,  
Бир покиза қуралай кўз  
Шул дунёга келган экан.

Хотинлар қайғуни қўйди,  
Қизни кўриб кўнгли тўлди,  
Суюнчига бир қўй сўйди,  
Зарув етиб келган экан.

Гулимжон ҳам йиғди эсин,  
Кўрди фарзандининг тусин,  
Не бўлар деб охиргисин,  
Кўп ўйланиб кутган экан.

Бўлди шунда туннинг ярми,  
Эл уйқуда чала-чарпи,  
Гулимхон ҳам ўзгарарми,  
Йўқ, ўзгармай қолган экан.

Қиз туғдим деб қийналмади,  
Ўфилмас деб инжилмади,  
Бироқ гўдак юпанмади,  
Чириллаб йиғлаган экан.

“Нега келдим бул дунёга  
Мен не қилдим ул Оллоҳга?  
Етказдингиз ушбу қолга”, —  
Деб айтгандай бўлган экан.

Қирқ хотин ҳам ҳайрон қолди,  
Кўргандан сўнг бу аҳволни,  
Йўлига атаб дунё-молни,  
Бир тилак тилаган экан.

— Эндиги сўз бундай бўлсин,  
Душманларнинг гули сўлсин,  
Дўстларимиз омон бўлсин,  
Тилак шудир, — деган экан.

— Не иш бўлса ҳам кўрайлик,  
Ҳар нега тайёр турайлик,  
Подшоҳга хабар берайлик, —  
Деб маслаҳат қилган экан.

— Подшоҳ қувонар фарзандга,  
Етар бугун ул ниятга,  
Эга бўлдинг зўр ҳурматга, —  
Деб Гулимга айтган экан.

Қизни ўртага олдилар,  
Қирқ пари назар солдилар,  
Ҳуснига ҳайрон қолдилар,  
Чин пари туғилган экан.

Чизган экан қандай қалам?  
Кўркига тонг қолар олам,  
Лайли, Зулайҳо, Шоҳсанам,  
Баридан бул зиёд экан.

Тепалари кўкка тегиб,  
Меҳри жушиб, бошин эгиб,  
Ҳар аёл бир-бирдан суйиб,  
Қиз меҳрин қондирган экан.

\*\*\*

Тонг отмоққа чамалашди,  
Кун чиқмоққа тоғдан ошди,  
Аёллар тагин ўйлашди,  
Ечим бундоқ бўлган экан:

— Подшоҳ тахтига минганда,  
Ҳамма вазирлар келганда,  
“Кимнинг арзи бор?” — деганда,  
Зарув борсин, — деган экан.

Зарувни чақиртириб олиб  
Хушхабарни ёдга солиб,  
— Бўлган ишнинг гапин топиб,  
Хабарин бер, — деган экан.

— Бор подшоҳнинг саройига,  
Қара рангу чиройига,  
Фарзандлик бўлдинг деганинда,  
Подшоҳ туриб, не дер экан?

Оёғига бошингни ур,  
Тимсол сўзнинг тузоғин қур,  
Суюнчи деб, қўл чўзиб тур, —  
Деб Зарувга айтган экан.

— Подшоҳдан бўлса ёмонлик  
Бошингдан учса омонлик,  
Бир йўлин топгин равонлик,  
Тез хабар бер! — деган экан.

Зарув бунни маъқул кўрди,  
Дарҳол этак-енгин турди,  
Хон ётган саройга кирди,  
“Арзимиз бор!” — деган экан.

Шул кетишдан Зарув кетди,  
Вазирлар ёнига етди,  
Келганлигин баён этди,  
Улар ҳам қувонган экан.

## 5

Бошида тилла жиғаси,  
Ялтираб кумуш ёқаси,  
Шоҳ қўлинда ойболтаси,  
Тахтинда ўтирган экан.

Қайта-қайта товлаб муртин,  
Халққа кўрсатиб суратин,  
Пишқириб-сочиб ҳайбатин,  
Шоҳ тахтида ўтирган экан.

Сариқ тўн кийган мулласи,  
Бир кучоқ бўлиб салласи,  
Қозикалони — ҳаммаси,  
Бош ирғишиб турган экан.

Бир айбдор ботиб қонга,  
Видо айтиб ширин жонга,  
Темир сих қадалиб сонга,  
Ул боғловда турган экан.

Кўздан оқиб қонли ёши,  
Пастга қийшайганча боши,  
Кўз олдиндай ота-онаси  
Элас-элас турган экан.

Ололмай кўз ёшин тийиб,  
Қўл-оёғин арқон қийиб,  
Тор жойда толиқиб, куйиб,  
Жуда азоб кўрган экан.

Иягидан баланд илиб,  
Томоғини қамчи тилиб,  
Тирик эмас, балки ўлиб,  
Жони ҳалқумда турган экан.

Бор экан ота-онаси,  
Бузилиб уйи-хонаси,  
Етмай Оллоҳга ноласи,  
Етаклашиб келган экан.

Уларни шоҳ киргизмади,  
Ёлғиз ўғлин кўргизмади,  
Бир қошиқ сув бергизмади,  
Зулмин ҳўб етқизган экан.

Чиқди онасининг зори,  
Битди фарзанднинг қарори,  
Юз-кўзини тимдалаб қари,  
Подшоҳга арз қилган экан.

Подшоҳ-чи, арзин тингламай,  
Бегуноҳ жонни аямай,  
Жонига қилча раҳм қилмай,  
Келганни қийнаган экан.

Подшоҳ шунда бўйнин бурди,  
Жаллодлари тикка турди,  
Кампир билан чолни урди,  
Қўлларин бойлаган экан.

Кон оқди қари, кампирдан,  
Бир таёқ тегди жон ердан,  
Чикди жонлари ҳам бирдан,  
Таёқ ёмон теккан экан.

Йўлатмай уларни қалъага,  
Икки ўликни далага—  
Қарға тўпланган жарларга  
Шул маҳал ташлаган экан.

Боғловда турган гуноҳкор,  
Ундан баттар чекди озор,  
— Энди яшашга нима бор? —  
Деб ўлимни ўйлаган экан.

Энди йигит қаҳрланди,  
Кучини йиғди, чиранди,  
Арқон узилди, ечилди,  
Қўллари бўшаган экан.

Қўл-оёғи бўшаган он,  
Соқчиларни қилиб нишон,  
“Сенга сийлов бир мушт, ишон!” —  
Деб бировни урган экан.

Қилич унинг қўлига тушди,  
Қиёмат довулидай эсди,  
Вазирнинг калласин кесди,  
Ҳеч ким тутолмаган экан.

Қизил қонни сувдай сочди,  
Подшоҳ тахтдан тура қочди,  
Не қиларин билмай шошди,  
Қаттиқ кўрқиб қолган экан.

Тутқин йигит бош эгмади,  
Кескир қилични сермади,  
Ҳеч бир жон чидаш бермади,  
Зўр тўполон солган экан.

Файратин кўрсатиб қаттиқ,  
Тепада қиличин ўйнатди,  
Ўлдирди неча жаллодни,  
Душмандан ўч олган экан.

Бор эди ўзидай бўлган,  
Гуноҳкор қилиб боғланган,  
Эрта дорга таъйинланган  
Бир ўртоғи турган экан.

Борди югуриб қошига,  
Қаради кўзда ёшига,  
Қилич берди йўлдошига,  
Боғловдан бўшатган экан.

Йўлдоши ёнига кирди,  
Қилични филофда кўрди,  
Келган ёвга сўққи берди,  
Бул йигит ҳам полвон экан.

Келган ёвни чидатмади,  
Оёқ-қўлин боғлатмади,  
Душманнинг тиши ботмади,  
Олазарақ қилган экан.

Куч бермай<sup>1</sup> барча одамга,  
Югуриб чиқди майдонга,  
Тушмади қайтиб зиндонга,  
Ўлимдан қутилган экан.

Қистириб белга пўлатни,  
Миниб олди югрук отни,  
Оралаб қатор элатни,  
Булар қочиб кетган экан.

Кувди изидан оломон,  
“Ушла! Ушла!” Шовқин-сурон,  
Кетди лашкарлар неча сон,  
Етгани жанг қилган экан.

---

<sup>1</sup> Куч бермай — буйсунмай.

Енгилмади икки ботир,  
Музни чайнаб ғатир-ғутур,  
Душман қочди шатир-шутур,  
Шаҳарга қамалган экан.

Шоҳни босди қайғу-дардлар  
Қўли бўшанган йигитлар,  
Ёвни енгиб чиқди мардлар,  
Улар озод бўлган экан.

Суюнчига келган Зарув,  
Қайтиб кетди ортга дарров,  
Қийин бўлди хабар аytув,  
Шоҳнинг иши чатоқ экан.

Бўлган бул ажиб ҳодисни,  
Икки ботир қилган ишни,  
Бундай тўполон-курашни,  
Ҳаммасини айтган экан.

Шошиб қолди барча аёл,  
Энди бундоқ бўлди хаёл,  
— Зарув, сўзларга қулоқ сол! —  
Деб, бу гапни айтган экан.

— Яна бор шоҳнинг қошига,  
Кир жаллодлар орасига,  
Иш тушган чоғда бошига,  
Шоҳ қувонар, — деган экан.

— Шоҳ қувонар фарзандига,  
Қарамас берган шартига,  
Етгандан сўнг ниятига,  
Тезда келар, — деган экан.

Бўлмасин деб яна жанжал,  
Кетди Зарув иккинчи гал,  
Оқ ўтовдан чиққан маҳал,  
Подшоҳликка етган экан.



Шоҳ мурт товлаб қаҳрланиб,  
Оғу сочиб заҳарланиб,  
Ҳайбат билан тахтга миниб,  
Ғазабкор ўтирган экан.

Кеча ўлган одамларин,  
Етган барча аламларин,  
Ҳар кимларга айтиб барин,  
Хафа бўлиб турган экан.

Борди Зарув, бошин эгди,  
Арз айтарин подшоҳ билди,  
— Не демоқчисан, айт! — деди,  
Ҳамма жит-жит бўлган экан.

— Ҳой подшоҳим, келдим сизга,  
Аччиқланманг ушбу сўзга,  
Қулоқ солинг, шоҳим, бизга! —  
Деб Зарув бошлаган экан.

— Ҳақ кўрди кўзингиз ёшин,  
Аяди сиздай бандасин,  
Кўрдингиз фарзанд қорасин,  
Суюнчи беринг! — деган экан.

Тўлин ой каби тўлдингиз,  
Фарзандсиз кўп вақт сўлдингиз,  
Ҳақ ёрлақаб, қиз кўрдингиз,  
Шоҳим, суюнчи! — деган экан.

Зарув сўзни қилди тамом,  
Шоҳни босди қаттиқ алам,  
Товшин кўтарди дамба-дам,  
Жаллод етиб келган экан.

Тополмасдай қилиб йўлин,  
Боғладилар икки кўлин,  
Таёқдан узулди бўйин,  
Кўп азоблар берган экан.

Урди жаллодлар таёгин,  
Косовдай қилди оёгин,  
Кесиb иккита қулоғин,  
Шир-яланғоч қилган экан.

Подшоҳ ёмон аччиқланди,  
Қари туядай қатувланди<sup>1</sup>,  
Тирик ютгандай илонни,  
Оғу-заҳрин ёйган экан.

Деди жаллодларин йиғнаб:  
— Хотинларга боринг ҳойлаб,  
Туққанни ўлдилинг қийнаб! —  
Деб буйруқни берган экан.

— Қиз туққан ўша аёлни,  
Ундай бузуқи хаёлни,  
Солиб бошига заволни,  
Тез келтиринг! — деган экан.

Шул заҳоти жаллодлари,  
Келиб барчасининг қаҳри,  
Илондай сочилиб заҳри,  
Аёлларга кетган экан.

Зарув турдию ўрнидан,  
Қонлар тирқираб бурнидан,  
Судрагилиб зўрдан-зўрдан,  
Саройдан тез қочган экан.

Ўлдим-толдим деган чоғи,  
Азоб жонин еган чоғи,  
Улар вақти етган чоғи  
Аёлларга келган экан.

Аёллар эди беҳабар,  
Қизни суйишиб галма-гал,  
Бари қувониб хуш маҳал,  
Чақ-чақлашиб турган экан.

---

<sup>1</sup> Қатувланди — қутурди.

Аёллар кўрди бировни,  
Таниёлмади Зарувни,  
Уни бу ҳолда кўрувни  
Ҳеч ким ўйламаган экан.

Сулувларнинг қути учди,  
Зарувга қучоғини очди,  
Қўй-қўзидай чувуллашди,  
Маънисини сўраган экан.

Зарув шунда эсин йиғиб,  
Ҳовлиқиб, кўз ёшин тийиб,  
Бошин кўтариб, бужмайиб,  
Аёлларга айтган экан:

— Борай деб суюнчи сўраб,  
Хон олдида қолдим қулаб,  
Ўтирманглар бекор йиғлаб,  
Яширинглар! — деган экан.

— Қолмайин деб қонингизга,  
Етиб келдим ёнингизга,  
Хушёр бўлинг Гулимга, қизга, —  
Деб Зарув йиғлаган экан.

Қирқ паризод тез йиғиб эс,  
Қош-қовоқдан қилди кенгаш,  
“Хотин билганни хон билмас”  
Деган нақл қолган экан.

Тез турғиздилар Гулимни,  
Ип билан боғлаб белини,  
Ювдилар юзу қўлини,  
Ҳеч билмасга олган экан.

Аёллар ақлин оширди,  
Қизни бир ерга яширди,  
Ҳеч кимга билдирмай бул сирни,  
Бир иложини кўрган экан.

Бир ўтовга бақан курди,  
Ёнига юган келтирди,  
Бир аёлни осилтирди,  
Бор иримни қилган экан.

Зарувни ўраб кўрпага,  
Хуфя қилдилар жўрттага,  
Энди ҳеч ким туғди дерга  
Бирон белги қолмаган экан.

Аёллар шинқиллаб кулиб,  
Не бўлганин ичи билиб,  
Сарой эшигин берк қилиб,  
Шовқин-сурон қилган экан.

Келди шул вақтда жаллодлар,  
Оғзи боғлиқ молдай алар,  
Турди ўрнидан аёллар,  
Унсиз бостириб кирган экан.

— Қизни туққан қайси аёл?  
Олдимизга солинг дарҳол,  
Дорга осармиз эҳтимол,  
Дея буйруқ берган экан.

Ўшал вақтда барча хотин,  
Кимнингдир айтишди отин,  
Тузаб ирим салтанатин,  
Жаллодларга кулган экан.

— Ҳой жаллодлар, беку беклар,  
Терак гавдали эркаклар,  
Кўринг бул ишни, коваклар, —  
Деб Оқбилак айтган экан.

— Айтиб боринг хонимизга,  
Озор берманг жонимизга,  
Суюнчи сўратиб йўқ қизга  
Синаб эдик, — деган экан.

— Инонмасанг, қараб кўринг,  
Топсанг, бизга азоб беринг,  
Қиз туққанни олиб юринг, —  
Деб хотинлар айтган экан.

Шунда келган барча жаллод,  
Бўйнига тушиб ёмон от,  
Топмай ҳазилдан хиёнат,  
Фирра изга қайтган экан.

Жаллодлар тушиб лаққа,  
Бориб айтди барин шоҳга,  
Кулиб гоҳо, куйиб гоҳо,  
Шоҳ кўнгли ишонч топган экан.

— Бордик, тақсир, аёлларга,  
Кулги бўлдик биз аларга,  
Шоҳимиз хафа бўларга  
Ҳеч гап йўқ-ку, — деган экан.

Яхши ирим қилмоқ учун,  
Ҳам ўтирик тўлғоқ учун,  
Сиздан зар ундирмоқ учун,  
Суюнчи сўратган экан.

Жаллод ушбу сўзни айтиб,  
Подшоҳнинг кўнглин овутиб,  
Аёллар томон тез қайтиб,  
Пойламоққа кетган экан.

\*\*\*

Орадан бир тун ўтганди,  
Жаллодлар келиб кетганди,  
Аёллар тиним этмади,  
Ўз ғамларин еган экан.

Шул кун тунда келиб Зарув,  
Ипига киришди дарров,  
“Бул балодан омон юрув  
Ғаниматдир”, — деган экан.

— Билдик хоннинг қилар ишин,  
Қиз тукқанга қайрар тишин,  
Энди жазосин Ҳақ берсин,  
Хор бўлмайлик, — деган экан.

— Кўймайлик қизни бешикда,  
Ўлдирар подшоҳ эшитса,  
Ўзим турайин эшикда,  
Пинҳон қилинг, — деган экан.

— Ер остидан қуринг бир жой,  
Тор бўлса ҳам, шул — кенг сарой,  
Ҳеч кимга бир сир олдирмай,  
Қизни сақланг! — деган экан.

— Оғзин қиялаб ўййлик,  
Тепасин маҳкам қилайлик,  
Тўрга гавҳаршам кўййлик,  
Ёруғ бўлсин, — деган экан.

— Эртаю кеч бориб Гулим,  
Эмизмоқнинг қилсин йўлин,  
Сизлар ҳам эҳтиёт бўлинг, —  
Деб қул Зарув айтган экан.

— Отасига кўринмасдан,  
Ёмонлик недир — билмасдан,  
Ёлғон дунёни кўрмасдан,  
Ўссин шул қиз, — деган экан.

Шул вақтда қирқ бир аёл,  
Маъкул кўрди буни дарҳол,  
Бул ишларга етарли ҳол, —  
Деб ваъдасин берган экан.

— Айтганингиз ростдир, Зарув,  
Киришайлик шунга дарров,  
Йўқса бизларга кун кўрув  
Мушкул бўлар, — деган экан.

Эшик-ойнаси банд бўлган,  
Ичи емишларга тўлган,  
Ер остини безаб турган  
Жой борлигин билган экан.

Ҳар жумъада бориб оқшом,  
Қиларканлар базму ором,  
Аёллардан бошқа одам,  
Бул жойни билмаган экан.

Ана шул жойни яхшилаб,  
Тўшаклар солиб, нақшлаб  
Қирқ бир хотин юмуш ишлаб  
Олти гавҳаршам қўйган экан.

Қизни ўради момикқа,  
Чиқармай асло ёруққа,  
Солди бу ажиб таъмуққа,  
Қиз кун кўрмай ўсган экан.

Йиғилди аёллар бари,  
Бошдан тоймай давлатлари,  
Эндиги маслаҳатлари  
Мана мундоқ бўлган экан:

Бир рўмол тугди, қўй сўйди,  
Душманларнинг кўзин ўйди,  
Қизга Гулзор деб ном қўйди,  
Ҳаммаси йиғналган экан.

Йиғналган чоғи ҳаммаси,  
Шундайин бўлди таъмаси,  
“Гулзор” қўймоқнинг маъниси  
Мана мундоқ бўлган экан:

Дунёга келган тоза гул,  
Чиқмаётиб боғланди тил,  
Гулин излар зорли булбул,  
“Зор”и шундан бўлган экан.

Дунёнинг юзи тор бўлди,  
Ёз куни қишу қор бўлди,  
Кўнгли хуш эмас, зор бўлди,  
Дея “Гулзор” қўйган экан.

Югуртириб ақл-ўйни,  
Ана шундай деб ном қўйди,  
Пинҳон қилиб “фарзанд тўйи”ни,  
Шул жойда ўтказган экан.

Ҳамма хотин қучоқ очиб,  
Хушомад айтиб, гул сочиб,  
Кундошлик орадан қочиб,  
Тотув бўлиб турган экан.

Шул кундан бошлаб саройга,  
Зарув бобо ўша жойга,  
Қоравул бўлди Гулзорга,  
Қовоғин солмаган экан.

\*\*\*

Қиз келбати мисли пари,  
Ойдан-кундан зиёд нури,  
Икки йил ўтди шундан бери,  
Юзи сарғиш торган экан.

Гулзор иккига тўлганда,  
Орадан кунлар ўтганда,  
Муддатли вақти етганда,  
Зевар юкли бўлган экан.

Ул Гулидан уч ёш кичик,  
Ул ҳам кўлнинг оққув қуши,  
Кун сайин билиниб ичи,  
Бул иш аниқ бўлган экан.

Буниям билдирмай ҳеч кимга,  
Етдилар ҳисобли бир кунга,  
Тўлғатди келиб бир тунда,  
Ойи-куни тўлган экан.



Сарғиш эндирмай чиройга,  
Обордилар пинҳон жойга:  
Шукур қилишиб худойга:  
Ҳаммаси йиғналган экан.

Юган кериб, бақан қурди,  
Турма билан белин бўғди,  
Зевархон ҳам бир қиз туғди,  
Мушкул ишлар бўлган экан.

Бундай сулув йўқ дунёда,  
Балким Гулзордан зиёда,  
Жуфт қуралай бир уяда  
Кунни кўрмай ўсган экан

6

Орадан йиллар ўтганда,  
Ҳар ким иқболин кутганда,  
Наврўз айёми етганда  
Гуллар ҳам очилган экан.

Гулзор келди ўн беш ёшга,  
Анор келди ўн уч ёшга,  
Зеҳин солиб турли ёққа,  
Қафасин таниган экан.

Зарувга келди икки қиз,  
— Отажон, бизга не дейсиз?  
Ғапимиз бор, тингланг-чи сиз  
Қулоқ солиб, — деган экан.

— Хуфя қилиб дунё юзин,  
Кўрсатмасдан куннинг кўзин,  
Ғуноҳимиз недир ўзи? —  
Дея савол қилган экан.

— Туғилдик-у биз онадан,  
Ётибмиз қафасхонада,  
Бизни бул оғир жазога  
Ким гирифтор этган экан?

— Бу дунёга келдик-у биз,  
Гуноҳми шу, айтинг-чи сиз,  
Қафасда яшаганимиз,  
Маъниси не? — деган экан.

— Бу дунёга келса инсон,  
Қафас ютса уни пинҳон,  
Ё бизлар бир айб, отажон,  
Қилганмизми? — деган экан.

Зарув индаёлмай қолди,  
Ер чиздию, жим-жит бўлди,  
Жавоб топмай, ўйга толди,  
Қари ёмон шошган экан.

Бир маҳал гапга очди лаб,  
Бор ақлин тилга йиғнаб,  
Жуфт сулувнинг бошин силаб,  
Шундай жавоб айтган экан:

— Хафа бўлманг, сиз қизларим,  
Сиз менинг кўрар кўзларим,  
Бегуноҳ жонсиз ўзларинг,  
Шу — аниқ сўз, — деган экан.

— Қафас эмас бул жойингиз,  
Жаннат каби саройингиз,  
Кун кўрмоқ бўлса ўйингиз,  
Ҳавас қилманг, — деган экан.

— Ер устида йўллар узоқ,  
Йўлда қурилган кўп тузоқ,  
Ернинг усти олов-дўзах,  
Ости — жаннат, — деган экан.

— Ер устида қайғу-ғам кўп,  
Икки оёқли ҳайвон кўп,  
Ҳавас этманг ер устин кўп,  
Ости яхши, — деган экан.

Кун деганинг кибор бўлар,  
Кўзингизни қамаштирар,  
Тўғри йўлдан адаштирар,  
Қайтинг раъйдан, — деган экан.

Тимсоллаб айтиб сўзларин,  
Юпатди қари қизларин,  
Эндиги гапнинг излари  
Ер устига чиққан экан.

\*\*\*

Қизлар ҳам қайтмади раъйдан,  
Бу ишнинг бари худойдан,  
Тонг саҳарда қафас жойдан  
Чиқиб қизлар кетган экан.

Адашганин англамади,  
Зарув қартни тингламади,  
Таваллога ҳам турмади,  
Ер устига чиққан экан.

Гулзор айтди: “— Шоҳ қизимиз,  
Икки гавҳар юлдузимиз,  
Кўриниш берсак ўзимиз,  
Шоҳ қувонар,” — деган экан.

Анор айтди: “Йиғламангиз,  
Не экан бизнинг гуноҳимиз?  
Хон отамизга борамиз,  
Йўлдан қўйманг,” — деган экан.

Гулзор айтди шунда туриб:  
“— Отажоним бизни кўриб,  
Кучоғига босар келиб,  
Фарзандларин”, — деган экан.

Анор айтди: “Шоҳ қизларин,  
Қафасда сақлаб ўзларин,  
Ким йўқотмоқчи изларин?  
Не ҳаққи бор?” — деган экан.

Шундай бўлгач таъмалари,  
Маъқул кўрди ҳаммалари,  
“Соғ келинг!” — деб қолди бари,  
Қизлар чиқиб кетган экан.

Саройнинг эшигин очди,  
Ер устига қадам босди,  
Дунёдан кўзи қамашди,  
Эсанкираб турган экан.

Бор эди ажойиб бўстон,  
Шоҳ учун сайлгоҳ, гулистон,  
Бойтерақлар сузиб осмон,  
Булбул сайраб турган экан.

Шул ажиб вақтда отди тонг,  
Ётганлар турди ўрнидан,  
Икки сулувнинг нуридан,  
Олам ёруғ бўлган экан.

“Тун чоғида чиқдимми кун?” —  
Деб юрт ҳайрон бўлди бутун,  
Йиқилиб-тушиб, инчунин,  
Кимдир эздан кетган экан.

Юрт чувуллаб издан юрди,  
Икки гавҳари шаъм кўрди,  
Гўзалларни олам кўрди,  
Сулувлигин билган экан.

Икки пари боққа келди,  
Қуёш чиқар чоғда келди,  
Порлаб чиққан кунни кўрди,  
Кўзлари қамашган экан.

“Чиқманг вафосиз дунёга,  
Кириглар қайтиб уяга”, —  
Деган каби қуёш шунда  
Оловланиб ёнган экан.

Боғ ичига қадам босиб,  
Куёшдан кўзлар қамашиб,  
Тўғри йўллардан адашиб,  
Қизлар юриб кетган экан.

Шунда кимдир берди савол:  
“— Ғойибдан келган соҳибжамол,  
Учирди сизни қай шамол?  
Паримисиз? — деган экан.

Гулзор деди: “Бу қандай сўз?  
Йўқми сизнинг манглайда кўз?  
Бизлар подшоҳнинг қизимиз,  
Паримасмиз”, — деган экан.

Орадан оз фурсат ўтди,  
Шовқин подшоҳга ҳам етди,  
Шоҳнинг тани титраб кетди,  
“Ё ажаб!” — деб турган экан.

— Менинг бўстонибга келган,  
Менингсиз сайр этиб юрган,  
Қай подшоҳнинг қизи экан?  
Деб қувониб кулган экан.

Подшоҳ ўзинча суюниб,  
Қарилгидан куюниб,  
Асл либослар кийиниб,  
Боғ оралаб чиққан экан.

Боққа келиб кўрса подшоҳ,  
Бир-бирига бўлиб ҳамроҳ,  
Икки пари юрар бу чоғ,  
Кўрган ҳавас қилган экан.

Шоҳ қизларга яқин келди,  
Қиз эгилиб салом берди,  
Подшоҳнинг ҳаваси кетди,  
“Худой берди!” — деган экан.

— Кутлуғ бұлсин сайронингиз,  
Бўлдик кўриб ҳайронингиз,  
Қайда бўлар маконингиз,  
Айтинг, қизлар? — деган экан.

Гулзор деди: — Эшит, ота,  
Боғ сайрига келдик аста,  
Маконимиз ер остида,  
Билсанг ани, — деган экан.

— Ёмон сўз чиқди тилингдан,  
Отанг айналсин гулингдан,  
Кучмоққа нозик белингдан  
Майлим бордир, — деган экан.

Гулзор айтди: — Мақол бордир:  
“Арпа топсанг отга бергил,  
Қизни берсанг ёшга бергил”,  
Кўп алжиманг! — деган экан.

Шоҳ айтди: — Сўздан ютдингиз,  
Паридай пок суратингиз,  
Ким бўлди асли зотингиз,  
Баён этинг?! — деган экан.

Анор айтди: — Эшитинг сиз,  
Бизни йўлдан қолдирмангиз,  
Бизлар шоҳнинг қизидирмиз,  
Билинг, отам, — деган экан.

— Гапингга қара, баччағар,  
Ер устида бир подшоҳ бор,  
Ер тагидаги подшоҳлар ...  
Жойи жаннат, — деган экан.

Қизлар дебди: — Бу не қилиқ?  
Сўзинг бари хато, чирик!  
Шоҳ отамиз бизнинг тирик!  
Ўлик сенсан, — деган экан.

— Тирик бўлса шоҳ отангиз,  
Яхши кўрган жон отангиз,  
Не экан гуноҳ-хатонгиз,  
Бир сир борми? — деган экан.

— Йўлни бўшат, алжиган қарт,  
Тергайвермай тилингни торт,  
Бизнинг отамиз одил ва мард,  
Не сир бўлсин? — деган экан.

— Олардим мен отанг сотса,  
Ёнимда жуфт пари ётса,  
Мен билмаган қандай подшоҳ —  
Отангиз у? — деган экан.

— Бул сўзинг, ота, осийдир,  
Бузуқ кўнгил нағмасидир,  
Билсанг, шу эл подшосидир  
Менинг отам, — деган экан.

— Кўп таажжуб, ғалат сўзинг,  
Жонни олар шаҳло кўзинг  
Бул элнинг шоҳи — менинг ўзим,  
Валдираманг! — деган экан.

Икки сулув ҳуши учди,  
Қувонди-ю, онги қочди,  
“Отажон!” — деб кучоқ очди,  
Ўз отасин кўрган экан.

Гулзор айтди: “— Кечир, ота,  
Билмасдан, биз айтдик хато,  
Сен нор бўлсанг, бизлар бўта,  
Фарзандингмиз” — деган экан.

Анор айтди: — Билсангиз гар,  
Отага интизор қизлар,  
Бизни кўрсатмай золимлар,  
Қафасда сақлаган экан ...

Ўралгандай икки илон,  
Шоҳ сесканиб кетди ёмон,  
Берган шартини шул замон,  
Подшоҳ эсга олган экан.

Шарт қилиб, шартин бажармай,  
Подшоҳ бўлармикан шундай?  
Ўз фарзандларин тан олмай,  
Аҳмоқ юз ўгирган экан!

Қизлар кучиб оёғидан,  
Осилганда ҳар ёғидан,  
Ул итариб манлайидан,  
Ўз қизидан безган экан.

— Қизлар менга фарзанд бўлмас,  
Тахтимга эгалик қилмас,  
Подшолар икки сўйламас,  
Шарт қилганман,— деган экан.

— Ўсибди қафас уяда,  
Бўлса ҳам ҳурдан зиёда,  
Сулувлар озми дунёда,  
Кўздан йўқотинг! — деган экан.

— Оборинглар бир тўқайга,  
Элдан овлоқ пинҳон жойга,  
Иккисини битта дорга  
Осиб ташланг! — деган экан.

— Бу ишни ҳеч ким билмасин,  
Изимда тирик қолмасин,  
Ўлганин кўзим кўрмасин,  
Шартим бордир, — деган экан.

“Отажон!” — деб икки пари,  
Зор-зор йиғлаб турган ери,  
Суп-сур бўлиб хоннинг тури,  
Шафқати келмаган экан.



Подшоҳ кетди, қизлар қолди,  
Кўнгилларда музлар қолди,  
Жаллодлар олдига солди,  
Фармон шундоқ бўлган экан.

7

Жайхундарё ёқасинда,  
Қалин тўқай орасинда,  
Хандақ бор айланасинда,  
Бир қўрғонча турган экан.

Кек олмоққа бўлиб қотил,  
Ҳар бири Рустамга тотир,  
Шоҳдан қочган икки ботир,  
Бунда макон тутган экан.

Подшоҳнинг кўзидан овлоқ,  
Устига кийгани тувлоқ<sup>1</sup>,  
Кийик отиб, қулон овлаб,  
Кун кечириб юрган экан.

Кунлардан бир кун ўтганда,  
Қалин тўқайга етганда,  
Саккиз жаллод, икки банди  
Келганини кўрган экан.

Банди эмас, икки ҳурдир,  
Икки ботир аниқ кўрди,  
Тўранғилга жаллод минди,  
Дор ипин ташлаган экан.

Қонли ёш қуйиб қўйнига,  
Қаранг қонхўрнинг ўйинига,  
Икки сулувнинг бўйнига,  
Дор илонин солган экан.

<sup>1</sup> Тувлоқ — йиртиқ-ямоқ

Қараб турмай икки ботир,  
Саваш қилди шатир-шугур,  
Жаллод ҳанг-манг бўлаётир,  
Соғ қолгани қочган экан.

Икки арслон ёвга тегиб,  
Бул хорликдан ичи куйиб,  
Қиличлаб, дор ипин қийиб,  
Қизларни қутқарган экан.

Икки сулув йиғди эсин,  
Мен чўзмайин эндигисин,  
Икки арслон шул иккисин  
Ҳақ никоҳлаб олган экан.

Ҳаммаси кўнгил хушлади,  
Ҳақ таваккал иш бошлади,  
Элдан кўп лашкар тўпланди,  
Довул каби турган экан.

Оғзибирли бир иш қилди,  
Шоҳ устига юриш қилди,  
Алпомишдай уруш қилди,  
Шоҳ лашқарин қирган экан.

Кўрққани қалъага қочди,  
Лашкар келиб қаҳрин сочди,  
Дарвозани бузиб очди,  
Кўла<sup>1</sup> билан қуйилган экан.

Қарши чиққанин ўлдирди,  
Кўпин тавбага келтирди,  
Шоҳ қасрига босиб кирди,  
Подшоҳ ёмон шошган экан.

Қойил бўлмай бу ўлимга,  
Яшириниб ётган еринда,  
Подшоҳни ушлаб тўринда,  
Қарқиратиб чалган экан ...

<sup>1</sup> Кўла — бронза. бринж.

\*\*\*

Кўп кун қафасда ўлтирдим,  
Хат ёзиб қоғоз тўлдирдим,  
Мен шу бир ишни битирдим,  
Оллоҳ раҳм қилган экан.

Шоир ҳам билганин ёзар,  
Подшоҳи етказса озор,  
Фуқароси озиб-тўзар,  
Ноинсофлик — ёмон экан.

Хукмдори муртин товлаб,  
Фақат ўз нафсини ўйлаб,  
Улоқ манграб, қўзи чувлаб,  
Юрти вайрон бўлган экан.

Эл билан яйраб юрмадим,  
Даврон отини сурмадим,  
“Дунё-дунё” деб юрганим,  
Бир беш кунлик ёлғон экан.

Кулфат қасрида қаридим,  
Султон Суюн, Мир Алидин,  
Шоҳу гадонинг баридин,  
Дунё изда қолган экан.

Юким олиб карвон кетди,  
Энди бизга навбат етди,  
Бердимурод, сўзинг битди,  
Достон тамом бўлган экан.

## **МУНДАРИЖА**

**ЯХШИРОҚ**

**16**

**ЁЗ КЕЛАРМИ?**

**18**

**БЎЛГАН ЭМАС**

**20**

**ҲАҚЛИК ЙЎЛИН БЕР**

**25**

**ХАЛҚ УЧУН**

**26**

**БОЛАМ**

**30**

**БУЛБУЛ**

**33**

**ЗАМОНДА**

**34**

**ДЕНГИЗ БАЛИГИН БЕРМАДИ**

**37**

**ҚАЧОН РОҲАТЛАНАДИРСАН?**

**38**

**ИЗЛАР ЭДИМ**

**39**

**КЎРИНДИ**

**43**

УМРИМ

44

КЕЛИН

49

БИЛМАДИМ

51

ДАВРОН

52

ЎЙЛАНМА

53

СОЛИҚ

54

БУ ЙИЛ

56

БЎЛМАДИ

58

БЎЛДИМИ АЙТГАНИМ МЕНИНГ?

60

ОҚИБАТ

61

ЭКАН

62

АЙРОЛИҚ

63

БИР ЙИГИТГА

64

ОЛТИ ҚИЗ

65

БИЛГАЙСАН

68

НОДОН БЎЛМА

69

ҚАРАМАС

70

КЕТГАН КЕЛАРМИ?

71

ХЎЖАМ

73

ҚУШ

74

УФИК МАҲРАМ

75

ҚИЙНАЛМА

76

ОДИЛ ҚАЛМОҚ

77

КИМ АЙТАР?

80

ПАНОҲ БЕР

81

МУЙТЕН ЭЛЛАРИ

83

МУСА БАХШИ

84

ЖАМЕТГА

86

ТИШГИНАМ

87

ҚАЛАН УСТА

87

ҚОРА ТУБНИНГ ХИРМОНИНДА

88

КЕРАК МЕНГА

89

БИЗГА

89

АЙРИЛДИМ

102

ОЧЛИК

103

СОЗ БИЛАН СУҲБАТ

105

**ТАРИХИЙ ДОСТОНЛАР**

**ОМОНГЕЛДИ**  
**107**

**ОЙДУС БОБО**  
**110**

**ЭРНАЗАР БИЙ**  
**113**

**РАВШАН**  
**119**

**ХОРАЗМ**  
**126**

**АҲМОҚ ПОДШОҲ (Эртақ-достон)**  
**134**

*Бердақ*

**Сайланма**

“Ўзбекистон” нашриёти,  
700129, Тошкент, Навоий, 30

Бадий муҳаррир *У. Солиҳов*  
Техник муҳаррир *С. Собирова*  
Мусаҳҳиҳ *С. Тоҳирова*  
Компьютерда тайёрловчи *Э. Ким*



Терипга берилди 01.12.98. Босипга рухсат этилди 15.12.98.  
Қоғоз формати 84x108<sup>1/32</sup>. "Таймс" гарнитурала офсет босма  
узулида босилди. Шартли босма табоқ 10,08.

Нашр табоғи 12,54. Нусхаси 1000. Буюртма № К-906  
Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" наприёти, 700129, Тошкент,  
Навоий, 30. Нашр № 154-98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси  
ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

